

ЯХШИБОВА ГУЛБАХОР ОЙБЕК ҚИЗИ



**ФАРМАЦЕВТИКАГА ОИД
ТЕРМИНЛАРНИ ЎРГАТИШДА ЎҚИШ ВА
ЁЗИШ МАЛАКАЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ
МЕТОДЛАРИ**

(инглиз тили мисолида)

WORLDLY KNOWLEDGE NASHRIYOTI

**АНДИЖАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ
ИНСТИТУТ**

ЯХШИБОВЕВА ГУЛБАХОР ОЙБЕК ҚИЗИ

**ФАРМАЦЕВТИКАГА ОИД ТЕРМИНЛАРНИ ЎРГАТИШДА ЎҚИШ ВА
ЁЗИШ МАЛАКАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ
МЕТОДЛАРИ**

(инглиз тили мисолида)

Монография

АНДИЖАН– 2024

КБК: 81.2-3+52.81

УЎК: 81'373.46:615

Я 90

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСА
КЕНГАШИНИНГ 2024 ЙИЛ 29 АВГУСТДАГИ № 1 СОНЛИ ЙИҒИЛИШИНING
ҚАРОРИ БИЛАН НАШРГА ТАФСИА ЕТИЛСИН.**

**ЯХШИБОЕВА Г.О. Фармацевтикага оид терминларни ўргатишда ўқиш
ва ёзиш малакаларини ривожлантиришнинг замонавий методлари,
Монография. – Андижан: АГМИ, 2024 – 167 страница.**

Автор:

Яхшибоева Гулбахор Ойбек Қизи - Андижон Давлат тиббиёт институти чет
тиллар кафедраси, PhD.

Такризчилар:

Ж.Ш. Жумабаева-инглиз филологияси кафедраси мудири, Мирзо Улуғбек
номидаги Ўзбекистон Миллий университети филология фанлари номзоди
Л. С. Худайбердиева-Андижон Давлат тиббиёт институти хорижий тиллар
кафедраси доценти, филология фанлари номзоди

ISBN: 978-9910-787-64-5

7495



© Яхшибоева Г.О., 2024

© „ Worldly Knowledge ” nashriyoti, 2024

МУНДАРИЖА

	КИРИШ	3
I БОБ.	ИНГЛИЗ ТИЛИДА ФАРМАЦЕВТИКАГА ОИД ТЕРМИНЛАРНИ ЎРГАТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	
1.1–§.	Тиббиётга оид таълим муассасаларида инглиз тилини ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари ва муаммолари	12
1.2–§.	Фармацияга оид терминларнинг синтактик хусусиятлари унинг мазмунини семантик идрок этишга таъсири	36
1.3–§.	Тиббиёт институтларининг фармация йўналиши талабаларига ўқиш ва ёзиш малакасини ўқитишнинг психолингвистик жиҳатлари	49
	Биринчи боб бўйича хулоса	60
II БОБ.	ТИББИЁТ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ФАРМАЦИЯ ЙЎНАЛИШИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ ЎҚИШ ВА ЁЗИШ МАЛАКАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ	
2.1–§.	Тиббиёт институтларида инглиз тили амалий машғулотларида ўқиш ва ёзиш техникаларини ўргатишдаги қийинчиликлар	62
2.2–§.	Чет тили амалий машғулотларида фармацевтикага оид терминларни ўргатиш методикасининг ўзига хос хусусиятлари	80
2.3–§.	Фармацевтикага оид терминларни ўргатишда талабаларининг ёзиш малакаларини такомиллаштириш ва баҳолаш.....	92
	Иккинчи боб бўйича хулоса	108
III БОБ.	ТИББИЁТ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ФАРМАЦИЯ ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ ЎҚИШ ВА ЁЗУВ КЎНИКМАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ТАДҚИҚИ	
3.1–§.	Фармацевтикага оид махсус матнлар ўқишни ўргатиш бўйича тажриба–синов ишларини ташкил этиш дастури	110
3.2–§.	Тиббиёт институтларининг фармация йўналиши талабалари учун ёзиш малакаларини ривожлантиришга оид топшириқларни тажриба синовдан ўтказиш босқичлари	120
3.3–§.	Тажриба-синов натижаларининг статистик таҳлили.....	129
	Учинчи боб бўйича хулоса	142
	ХУЛОСА	143
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	146
	ИЛОВА	160

КИРИШ

Монография мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ҳозирги глобллашув даврида барча соҳаларда халқаро ҳамкорликни жадаллаштириш тиббиёт йўналиши талабаларининг чет тилда билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш, уларнинг доришуносликка оид терминларни ўрганиш орқали ўқиш ва ёзиш малакаларини ривожлантириш ҳамда фармацевтика соҳасидаги янгиликлардан хабардор бўлиш заруратини юзага келтирмоқда. Жаҳоннинг етакчи университетларида тиббиёт олий таълим муассасаларининг фармация йўналишида таҳсил олаётган талабаларга инглиз тилини ўргатишда қўлланилган матнлардаги янги касбий сўзлар ва терминларни ўзлаштириш, коммуникацияда тўғри қўллай олиш, касбий лаёқатларини ривожлантиришга алоҳида катта эътибор қаратилмоқда.

Жаҳон амалиётида тиббиёт ва фармацевтика соҳасида хорижий тилларни замонавий технологиялар (content based learning, net-based education, task based learning) билан ўқитишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, талабаларга терминларни ўргатиш орқали ўқиш ва ёзиш малакаларини ривожлантиришда педагогик тизимини ишлаб чиқиш, таълим олувчиларда касбий мулоқот компетенциясини таркиб топтириш механизмларини такомиллаштириш ҳамда интегратив ёндашув асосида талабаларда соҳавий терминларни ўрганиш жараёнида фармацевтика соҳасига оид ўқув материалларини танлаш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда миллий тиббиёт ва фармацевтика таълимини модернизация қилиш, ушбу соҳага халқаро таълим стандартларини жорий этиш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишнинг долзарб муаммолари бўйича комплекс илмий тадқиқотлар олиб бориш, шунингдек, таълим олаётган ёшларга маънавий-ахлоқий тарбия беришнинг самарали тизимини яратиш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. “Фармацевтика соҳасини ривожлантириш борасидаги ишлар натижадорлигини таҳлил қилиш, истиқболдаги долзарб вазифаларни белгилашга бағишланган йиғилишнинг баёнига кўра, тиббий олий таълим тизимини етакчи чет эл

ОТМлари тажрибалари асосида сифат жиҳатдан ривожлантириш, талабаларда касбий мулоқотда ўқиш ва ёзиш малакаларини ривожлантиришнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш”¹ каби муҳим вазифалар белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 7 ноябрдаги ПФ-5229-сон “Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3532-сон “Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2019 йил 6 майдаги ПҚ-4310-сон “Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг амалдаги ижросига муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши Республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий–маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши бўйича бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижлик олимлар O.Alexander, L.Barker James, H.Basturkmen, T.Cabré, Diane Larsen Freeman,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги «2019-2021 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини яна жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5707-сонли Фармони. Электрон ресурс: <https://lex.uz/ru/docs/4280358>

Dudley-Evans, J.Fischer, C.Griffiths, T.Hutchinson, Sh.Seymourнинг илмий ишларида терминларни ўргатиш масалалари тадқиқ этилган².

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатларида терминларни ўргатиш орқали ўқиш ва ёзиш малакаларини ривожлантириш муаммоси Л.М.Алексеева, С.В.Гринев-Гриневич, В.П.Даниленко, Е.В.Иличкина, Л.С.Капитула, В.М.Лейчик, Е.В.Филиппова, В.В.Шкаринларнинг илмий-тадқиқот ишларида ёритиб берилган³.

Республикамизда чет тилларни ўқитиш методикаси бўйича Ж.Ж.Жалолов, Т.Қ.Сатторов, Р.М.Абдуллаева, Ф.С.Абдуллаева, Ф.Ш.Алимов, М.И.Ахмедова, М.А.Бердиева, Д.М.Исроилова, Ю.Л.Акрамова, З.Мирахмедова, З.Қодирова, С.Сайдалиев, Ш.Н.Убайдуллаев⁴ ва бошқалар ўз тадқиқотлари билан муайян натижаларга эришганлар.

Юқоридаги олимлар томонидан талабаларнинг ҳам академик, ҳам касбий соҳада чет тилнинг коммуникатив компетенцияга эга бўлиш сифатини ошириш зарурлигини таъкидланган. Бироқ, талабаларга айнан фармацевтикага оид терминларни ўргатишда ўқиш ва ёзиш малакалари орқали лингвистик компетенцияларни ривожлантиришга боғлиқ илмий изланишлар тўлиқ олиб борилмаган.

Тадқиқотнинг Монография бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Монография иши Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий тадқиқот ишлари режасининг “Доктарантлар, мустақил изланувчилар ва талабалар ўртасида олиб борилаётган илмий-тадқиқот, илмий-ижодий ишлар” лойиҳасининг “Чет

² Иличкина Е.В. Взаимосвязанное обучение чтению и говорению // Иностранные языки в школе. – 2006., Basturkmen H. (2010). Developing Courses in English for Specific Purposes, Palgrave Macmillan, Alexander O., Argent S. & Spencer J. EAP Essentials, Reading: Garnet. 2008.

³ Даниленко В. П. Актуальные направления лингвистического исследования русской терминологии // Современные проблемы русской терминологии: сб. ст. – М., 1986., Филиппова Е.В. Типология онкологических терминов в современном английском языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М., 1991.

⁴ Убайдуллаев Ш.Н. Учащимся профессионального колледжа __ межкультурный диалог преподавание (на материале немецкого языка). пед.фан.номз . дисс . - Ташкент , 2009. , Мирахмедова З. узбекский языка анатомически терминология: филол. наука кандидат ... дис . - Ташкент , 1994., Бердиева М.А. Формирование профессиональной компетентности студентов-юристов средствами русского языка (на материале устной речи): Дисс сахар. пед. наука - Ташкент , 2009.

тилларни ўқитиш методикасининг янги йўналишлари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади фармацевтика йўналиши талабаларига инглиз тили дарсларида соҳавий терминларни ўргатиш орқали ўқиш ва ёзиш малакаларини ривожлантириш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

фармация йўналишида таҳсил олувчи талабаларга соҳага оид терминларни ўргатиш орқали ўқиш ва ёзиш малакаларини ривожлантирувчи матнларни танлаб олиш ва таҳлил қилиш;

фармацевтика терминологиясинининг лингводидактик имкониятларини таҳлил қилиш;

инглиз тилини ўқитишда аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотларда талабаларнинг ўқиш ва ёзиш малакаларини фармацевтикага оид терминлар асосида ривожлантириш;

бўлажак фармацевтларнинг ихтисосий нутқини ривожлантиришга кўмаклашувчи фармацевтика терминологик луғатни ўзлаштириш билан боғлиқ машқлар тизимини такомиллаштириш;

фармацевтик терминларни босқичма-босқич ўқитиш методикасини такомиллаштириш орқали талабаларнинг ўқиш ва ёзиш малакаларини ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тиббиёт олий таълим муассасалари талабаларида фармацевтикага оид терминларни ўргатиш орқали рецептив (ўқиш) ва репродуктив (ёзув) нутқий малакаларни ривожлантириш жараёнлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети фармацевтика йўналиши талабаларига инглиз тилида соҳага оид терминларни ўргатишда ўқиш ва ёзиш малакаларини ривожлантиришнинг мазмуни, шакл ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда назарий (таҳлилий-синтетик, қиёсий-таққослаш, аналогия, моделлаштириш), диагностик (кузатиш, анкета

сўровномалар), прогностик (мустақил баҳолаш, умумлаштириш), педагогик Тажриба-синов ва математик статистика (маълумотларга статистик ишлов бериш, натижаларни график тасвирлаш ва бошқалар) усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

фармация йўналиши талабаларига соҳавий терминларни контекст ва ундан ташқарида самарали қўллаш орқали ўқиш ва ёзишга бўлган мотивациясини кучайтириш, танқидий-таҳлилий фикрлаш қобилиятини шакллантирувчи матнлар базаси бойитилган;

талабаларнинг инглиз тилидаги ўқиш ва ёзиш малакаларини ривожлантирувчи матн ва машқлар базаси асосида фармацевтикага оид терминларни тезкор ўргатишнинг замонавий методлари интегратив ёндашув асосида такомиллаштирилган;

касбий мулоқотда соҳавий терминларни қўллаш олиш, таълим олувчилар томонидан ўқиш ва ёзиш жараёнида терминларни мустақил ўзлаштириш бўйича қулай таълимий муҳит барқарорлигини таъминлаш асосида талабаларда фармацевтика терминологик луғатини ўзлаштириш жараёни такомиллаштирилган;

инглиз тилини ўрганувчи фармация йўналишида талабаларнинг касбий ўқиш ва ёзув кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган дидактик таъминот ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

фармация йўналиши талабаларига соҳага оид терминларни ўргатишда ўқиш ва ёзиш малакаларини ривожлантириш мезонлари ва кўрсаткичлари аниқлаштирилган;

талабаларда инглиз тилида ўқиш ва ёзиш малакаларини ривожлантиришга доир фармацевтикага оид терминларни ўргатишга мўлжалланган ўқув материаллари тизимлаштирилган;

“English in Pharmacy” номли ўқув қўлланма, “English for pharmacy students”, “Тиббиётда инглиз тили” номли дарсликлар chop этилган ва

“Лотинча-русча-ўзбекча-инглизча фармацевтикага оид терминлар луғати” ишлаб чиқилган.

фармация йўналиши талабаларига соҳавий эҳтиёжларидан келиб чиқиб, инглиз тилида фармацевтикага оид терминларни ўргатишнинг самарали механизми сифатида бинар дарслар ташкиллаштирилган;

илк бор инглиз тилини ўрганувчи фармация йўналишида талабаларнинг касбий ўқиш ва ёзув кўникмаларини ривожлантириш мақсадида тўрт тилли (инглиз, ўзбек, лотин, рус) электрон терминлар луғати ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ўрганилаётган муаммони кенг кўламда очиб беришда яхлит илмий-педагогик ёндашув, тадқиқот мақсади, предмети ҳамда педагогик вазифалар моҳиятига мувофиқ тадқиқот методларининг танланганлиги, Тажриба-синов ишларига жалб этилган респондентлар сонининг талаб даражасида эканлиги, Тажриба-синов ишларининг статистик маълумотларга таянилганлиги ва математик-статистик жиҳатдан қайта ишланганлиги, дастлабки назарий тамойилларнинг изчиллиги, Тажриба-синов иш натижалари бўйича асосий назарий таклифларни амалий тасдиқланганлиги, олинган натижаларнинг аниқ методлар ёрдамида текширилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти фармация таълим йўналиши талабаларига соҳавий терминларни ўргатишда ўқиш ва ёзув малакаларини ривожлантиришга йўналтирилган педагогик тизимнинг ўзига хос жиҳатлари, назарий асосларининг аниқлаштирилганлиги, фармация таълим йўналиши талабаларига инглиз тили амалий машғулотида ўқиш ва ёзув кўникмаларини такомиллаштиришга доир аутентик материалларнинг ишлаб чиқилганлиги, тиббиёт олий таълим муассасаларида хорижий тил фанидан фойдаланиш имкониятларининг ёритилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти фармация таълим йўналиши талабаларига соҳавий терминларни ўргатишда ўқиш ва ёзув малакаларини ривожлантиришга доир ўқув жараёнлари лойиҳалаштирилгани, инглиз тили

амалий машғулотида ўқиш ва ёзув кўникмаларини такомиллаштиришда интерфаол технологиялари ишлаб чиқилгани, шунингдек, замонавий ўқув амалиётининг муаммоларига янги педагогик ечимларни излаш, “Тиббиётда хорижий тил” фанини ўқитиш жараёнида фармация таълим йўналиши талабаларига фармацевтикага оид терминларни ўргатишда ўқиш ва ёзув малакаларини ривожлантириш моделининг такомиллаштирилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Фармация таълим йўналиши талабаларига соҳавий терминларни ўргатиш асосида ўқиш ва ёзиш малакаларини ривожлантириш юзасидан:

фармация йўналиши талабаларига соҳавий терминларни контекст ва ундан ташқарида самарали қўллаш орқали ўқиш ва ёзишга бўлган мотивациясини кучайтириш, танқидий-тахлилий фикрлаш қобилиятини шакллантирувчи матнлар базасини қўллашга доир таклиф ва тавсиялардан 5150500 – Фармация бакалавриат таълим йўналиши Давлат таълим стандартини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Тошкент тиббиёт академиясининг 2021 йил 9 мартдаги № 433-сонли маълумотномаси). Натижада, талабаларда фармацевтикага оид кўп тилли терминлар луғатидан фойдаланган ҳолда инглиз тилида ўқиш ва ёзиш малакаларини ривожлантириш имконияти соддалаштирилган.

талабаларнинг инглиз тилидаги ўқиш ва ёзиш малакаларини ривожлантирувчи матн ва машқлар базаси асосида фармацевтикага оид терминларни тезкор ўргатишнинг замонавий методлари ишлаб чиқишга доир таклифлардан 5150500 – Фармация бакалавриат таълим йўналиши “English for pharmacy students”, “Фармация талабалари учун инглиз тили” номли дарслик нашр этилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 1 мартдаги №110-484сонли маълумотномаси). Натижада, талабаларнинг инглиз тили амалий машғулотида ўқиш ва ёзма малакаларини ривожлантиришга оид интегратив машқлар тизими такомиллаштирилган;

касбий мулоқотда соҳавий терминларни қўллай олиш, таълим олувчилар томонидан ўқиш ва ёзиш жараёнида терминларни мустақил танлаш ва ўзлаштириш бўйича қулай таълимий муҳит барқарорлигини таъминлаш асосида талабаларда фармацевтика терминологик луғатини ўзлаштиришга қаратилган “English for pharmacy” (“Фармацевтика учун инглиз тили”) номли ўқув қўлланмаси нашр этилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 1 мартдаги №110-451сонли маълумотномаси). Натижада, талабаларда фармацевтикага оид терминларни, соҳага тегишли матнларни ўқиш ва ёзиш малакаларини ривожлантиришга эришилган;

илк бор инглиз тилини ўрганувчи фармация йўналишида талабаларнинг касбий ўқиш ва ёзиш малакавий компетенциясини ошириш мақсадида тўрт тилли “Тиббиётда инглиз тили” электрон терминлар луғати ишлаб чиқилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 майдаги №394-сонли маълумотномаси). Натижада, бугунги кунда тиббиёт соҳасида таҳсил олаётган талабаларнинг тиббий луғатни ўзлаштириш орқали, ўқиш ва ёзув кўникмаларини такомиллаштириш, ва нутқ малакаларини ривожлантиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Монография мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш, жумладан, 2 та дарслик, 2 та ўқув қўлланма, 1 та терминологик луғат, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик Монографиялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та (хорижий журналда 7 та, республика журналларида 3 та) мақола чоп этилган.

Монографиянинг тузилиши ва ҳажми. Монография кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 142 саҳифани ташкил этади.

I БОБ. ИНГЛИЗ ТИЛИДА ФАРМАЦЕВТИКАГА ОИД ТЕРМИНЛАРНИ ЎРГАТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Тиббиёт олий таълим муассасаларида инглиз тилини ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари ва муаммолари

Чет тилларни ўқитиш жараёни талабанинг таълим олишини ривожлантиришни назарда тутди ва бу мавзуда кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилган. Аммо биз илмий изланишнинг ушбу қисмида тиббиёт олий таълим муассасаларининг фармация йўналишида таҳсил олаётган инглиз тилини етарли даражада ўрганмаган талабалар ўртасида ўқиш ва ёзишнинг ўзига хос жиҳатлари, муаммоларига тўхталиб ўтмоқчимиз. Олий таълим тизимида етишиб чиқаётган мутахассисларнинг рақобатбардошлигига интилиш соҳанинг ривожига энг муҳим омил ҳисобланади. Замонавий жамиятда юқори малакали мутахассис нафақат ўз ихтисослиги бўйича юқори даражадаги билимларга эга, балки чет тилда сўзлашадиган, самарали ва муваффақиятли касбий маҳоратининг дунё миқёсида ривожланган бўлиши унинг муваффақияти калитидир. Бу борада инглиз тили фани ўқитувчисининг олдида турган асосий вазифалардан бири бу тиббиёт соҳасида таҳсил олаётган талабаларни ўқиш, тушуниш ва инглиз тилидан ўз она тилига соҳага оид матнларни таржима қилиш ва касбий мавзуларда нутқ сўзлашга ўргатишдир. Инглиз тилида ўқиш малакалари келажакдаги фармацевтларга турли хил таркиблари мазмунини идрок этиш ва тушунишда, соҳага оид адабиётларни ўқишда, халқаро тиббиёт соҳасидаги билимларини бойитишда ёрдам беради.

Тил ўқитиш методикасининг фан сифатида ривожланиши замонавий босқичини урта: методологик, лингводидактик ва технологик даража изохлайди. Лингводидактика – бу тил ўқитиш назарияси бўлиб, лингвистика ва дидактиканинг интеграциясидан иборат. Лингводидактиканинг объекти тил ўқитиш жараёни ва унинг тадқиқини назарий асослаш, яъни концепция, тил таълими мазмуни, ўқитишнинг ташкилий шакллари, тадқиқот механизми ва жараён лойиҳасидан иборат. Лингводидактиканинг предмети эса тил

ўқитиш (ўқитувчи фаолияти), тилини ўрганиш (талаба фаолияти) ва ўқув материали ва технологияси мазмунининг боғлиқлиги қонуниятларини назарий асослашдир[77].

Чет тилини ўқитишда замонавий лингводидактиканинг тенденциялари қуйидагилардан иборат:

- чет тилини ўқитишнинг мақсади;
- лингводидактика – чет тилини ўқитиш методологияси сифатида;
- чет тилини ўқитишда прагматингводидактика[110].

Бугунги кундаги тилшунос ва психологларнинг фикрига кўра, матнни ўқиш фармация йўналишида таҳсил олувчи талаба нутқ фаолиятидаги матнни умумий маъносини тушуниш ва унинг нутқий маъносини англаш нима эканлигига аниқлик киритсак.

А.А.Леонтеванинг фикрига кўра, “Буни бошқача ифодалаш мумкинлиги аниқ” [75;142] дейилса, биз бунга қўшимча қилиб юқорида айтиб ўтганимиздек матндаги асл маънони ҳали тўлиқ ўқимай туриб, тилдаги айрим воситачи белгилар асосида тахмин қилиб нутқ фаолиятида юзага чиқаришимиз мумкин.

Рус тилшуноси И.Р.Гальперин[36]нинг фикрига кўра эса, матнни тўлиқ таҳлил қилиб танишиш давомида унинг асл концептуал маъносига тушуниб бориш давом этади, яъни, муаллифнинг у матнда акс эттирадиган қарашлари, фикр ва мулоҳазаларини англанади. Шу ҳолатдан келиб чиқибгина матн бир яхлитликни ташкил этади ва оғзаки нутқда шундан сўнг ёритилади. Психологларнинг фикрига кўра, ўқиш жараёнида матн билан танишаётган талабанинг диққати, хотираси, тасаввури, тафаккури, ҳиссиётлари, иродаси, қизиқишлари ва қарашлари бирлашади. Матнни тушунишни ўргатишнинг асосий психологик вазифаларидан бири ўқиш жараёнида талабанинг ақлий фаолият тезлиги оширилади. Оғзаки нутқ эса буни ифодалаб беришга эга холос.

Матнларга қўйиладиган талаблар. Ўзбек методист олимларидан Ж.Жалолов[146] фикрича, ўқилган матн мазмунини ролларга кириб ижро

этиш, матндаги қаҳрамонлар фикрини ўз сўзлари билан баён этиш мустақил фикрлашга ва ўз фикрини эркин ифодалай олишга ундайди. Шу боис, ўқиш таълим–тарбиянинг муҳим воситаси матнларни танлашда қуйидаги методик талабларга амал қилинди: (1) танланган матнлар талабаларнинг ёш хусусиятларига мос келиши; (2) талабаларга тавсия этилаётган матнлар, уларнинг маънавий савиясини шакллантиришга хизмат қилиши; (3) тақдим этилаётган матнларда тили ўрганилаётган мамлакатнинг сиёсий ва ижтимоий тузилиши, миллий маданиятга оид бой маълумотлар ўз аксини топганлиги; (4) матнларни танлашда маълум нормаларга риоя қилинганлик. Ўқитувчи бадиий жанрдаги матнлар билан бирга, илмий соҳага оид содда тилдаги матнларни ҳам танлаши мумкин. Бундай матнлар билан ишлаш талабаларни илмий изланишларга тайёрлаб боради.

Биз ўзимизнинг изланишларимизда танланган матннинг мазмунини тушуниш фақат ўқиш жараёнига боғлиқ бўлмайди, унинг мазмуни муаллиф томонидан яратилиш ҳамда идрок этишга, талабанинг таржима қилиб тушунишига ҳам алоқадордир. Ушбу таърифга асосланиб, матннинг коммуникатив нутқий маъноси танланган матнни ўқиб тушунгандан сўнг, мақсад ва маъно бирлашгандагина ҳосил бўлади деб ёритамиз.

Йўналиш бўйича танланган матнни ўқиш ҳамда уни оғзаки нутқий фаолиятга тадбиқ этиш қай даражада боғлиқ эканлигини бир нечта олийгоҳда таҳсил олаётган фармация билан боғлиқ йўналиш талабаларининг фикри қандайлигини ўтказилган сўровномалар орқали таҳлил қиламиз.

Ўтказилган сўровномада олий таълим муассасанинг айнан қайси йўналишга боғлиқлигига қараб қарашлар ва фикрлар иккига ажралди. Тиббиёт олий таълим муассасаси талабалари якка ҳолатда ишлашда юқори натижага эришиши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда, инглиз тилини ўрганиш учун соҳага оид танланган матнни ўқиб таржима қилиш ва ундаги нотаниш сўзлар билан танишгандан сўнггина уни оғзаки нутқда қўллашни афзал кўрган бўлса, фармация йўналишига боғлиқ ўсимликлар билан фаолиятини олиб борувчи йўналиш талабалари эса матнни ўқимай туриб

умумий маъно орқали матннинг асосий мазмунини фаолиятда қўллаш мақсадида оғзаки нутқ орқали ифодалашни юқорига қўйдилар.

Л.Яковлева ёзишича, чет тил амалий машғулотларида талабаларнинг интеллектуал салоҳиятини шакллантириш учун анъанавий ўқитиш усули қобиғидан чиқиб, маданиятлараро дидактика мазмунидаги адабиётлардан, матнлардан фойдаланиб амалий машғулот ўтиш ижобий натижаларга олиб келар экан [130].

Чет тил ўқитиш методикасида матнни ўқиб тушунишнинг маъно даражасида лисоний бирликларни фаҳмлаб етишга эришилди, мазмун даражасида эса идрок қилинган ёки фаҳмлаб олинган ахборотни қайта ишлаш, ўзлаштириш билан боғлиқ, тўлиқ ва аниқ тушуниш назарда тутилди. Матнни тўлиқ тушуниш талабанинг ақлий қобилияти, тил тажрибаси ва ўқиш техникасига боғлиқ[113].

Аммо тиббиёт олийгоҳларида таҳсил олувчи талабалар билан танланган матнни фақат ўқиш давомида қуйидаги муаммолар юзага келишини кузатиш имконини берди:

1. Кўплаб талабалар инглиз тилидаги танланган матнни ўқиш давомида фақат ўқиш техника қоидаларига аҳамият бериб, унинг асл маъносини тушунмай қолиши ва таржима қилиш учун матн билан қайта танилишни талаб қилиши;
2. Танланган матннинг ҳажми ва унда қўлланилаётган соҳага оид терминларнинг миқдори кўплиги талабаларни ҳали матн билан танишмай туриб кўрқитиши;
3. Агар танлаб олинган матн сарлавҳасиз бўлса, умумий маъно четда қолиши, матнни таржима қилиш давомида луғатдан сўзма – сўз фойдаланиш билан гапнинг мазмунини тўлиқ ифодалай олмаслиги;
4. Танланган матнда кўплаб нотаниш сўзлар борлиги сабабли қийинчилик билан талаффуз қилиниши;
5. Барча эътибор йўналишга оид матндаги янги сўзларга берилганлиги сабабли граматик қоидалар ҳам бериб борилишининг четда қолиши;

6. Матннинг ҳар бир қисми алоҳида таржима қилиб ўқилганлиги сабабли ундаги муҳим маълумотнинг четда қолиши.

Юқоридаги муаммолардан келиб чиқиб хулоса қилиб айтиш мумкинки, дастлабки амалий машғулот жараёнларида матнни ўқиш малакасини шакллантиришдан олдин матн билан ишлаш қоидаларини талабаларга ўргатиб ўтиш зарур. Соҳага оид матн билан танишиш жараёни нафақат сўзларни тўғри талаффузда орқали ўқиш, ундан ташқари матнда берилган асосий маънони англаш, грамматик қоидаларни кейинчалик қўллай олиш ва матндаги керакли маълумотни оғзаки ва ёзма тилда ҳам керак бўлганда қўллай олишни тушунтириш лозим. Талабага ўрганилаётган тилда янги бўлган матн билан танишиш жараёнида ўзи учун маъноси аниқ бўлган сўзлар ёрдамида умумий маънони тахмин қилишни сингдириб бориш керак.

Ўқишни ўргатишда талабаларни матн таркибини шакллантиришнинг бошланғич қоидалари билан таништириш, уларга ҳикоя мантиғига амал қилишни ўргатиш муҳимдир. Бунга матн ҳар бир қисмининг асосий ибораларини аниқлаш, матнни мантиқий кетма–кетликда қуриш, таркибини узатиш режасини тузиш, таҳрирлаш ва бошқа малакаларни шакллантириш ва ривожлантириш ёрдам беради. Бизнинг фикримизча, бу ишни иложи борица, деярли ўргатилаётган тилда ўқиш техникасини ўргатиш билан параллел равишда эрта бошлаш керак.

Матннинг маъносини тушунишни осонлаштиришнинг педагог учун бир қанча имкониятлари мавжуд:

- матн билан талабаларни таништиришдан олдин нотаниш бўлган асосий сўзлар ва ибораларни бериши мумкин (масалан, талабалар давом эттириши керак бўлган иборанинг бир қисми);

- матн педагог томонидан ифодали ўқиб берилиши ёки аудио орқали тингланиши мумкин (у талабаларга матннинг асосий ғоясини оддий сўзлар билан этказиши ёки тушуниши қийин бўлган бир қатор ибораларни ажратиб бериши мумкин);

- матнни ўқишдан олдин саволлар берилади (ёзма ёки оғзаки), бунга талабалар жавоб топишлари керак.

- матн асосида расмлар, диаграммалар, жадваллар тузиш мумкин, бу ўқилган маълумотларни тушунишга ёрдам беради;

- матндаги нотаниш сўз префикслари, феъл замонлари, ҳолат шакллари таҳлил қилиш, синонимлар ва антонимлар билан ишлаш, сўзларни талқин қилиш ва бошқалар.

Энг муҳими, матнда ҳам, талабанинг шахсий тажрибасида ҳам қўлланиб келинувчи сўз ва сўз бирикмаларни топиш ҳам уни осонроқ тушуниб таҳлил қилишга ёрдам беради.

Танланган соҳага хос матннинг қизиқарли ва замон талабларига мослиги ҳам уни тушуниб бошқаларга етказиб беришда муҳим рол ўйнашини эсда тутиш лозим. Шунинг учун, педагог қизиқарли, ўрганилаётган ихтисосга мос келадиган ва профессионал аҳамиятга эга маълумотларга эга бўлган қўшимча стимул бўлиб, инглиз тилини ўрганишга ундайдиган, кундалик қўлланилиши аҳамияти юқори бўлган сўзлардан иборат матнни танлаши мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳар бир ўқилган матн талабани ўзи танлаган касбга йўналтирсагина, ундаги коммуникатив бирикмалардан фойдаланишда самара бера олади.

Е.В.Носонович ва Р.П.Мильруд[86] таъкидлаганидек, матнлар, одатда, бир-бири билан прогрессив боғланган гаплардан тузилади. Бундай матнларнинг луғат таркиби нейтрал ва бир хил бўлиб, улар экспрессивлик, ўзига хосликдан маҳрум ва нутқнинг ҳақиқийлигидаги замонавий тенденцияларни акс эттирмайди. Талабалар амалий машғулотдан ташқари пайтда ҳам доимий равишда соҳасига оид матнларни таҳлил қилишда фойдаланиши мумкин бўлган ёрдамчи усуллар:

- муҳокама қилинаётган матн мавзусига доир саволларга умумий тарзда жавоб бериш (мавзу матни билан танишмай туриб);

- олдиндан берилган мавзуни матн билан танишмай туриб матн нима ҳақидалиги тўғрисида тахминий хулосаларни бирлаштириб бориш ва матн билан танишгандан сўнг тахминларни мулоҳазалаш;

- матн билан танишиб чиқилгандан сўнг билган ва билмаган маълумотни ажратиш;

- таниш маълумотларни қайси ҳолатда, қандай оғзаки нутқда ишлатиш мумкинлигини ҳаёлан таҳлиллаш;

- матннинг энг қизиқ қисмини гуруҳ билан муҳокама қилиш.

Берилган матннинг маъносини тушуниб етказиб беришни такомиллаштириш учун педагог қуйидагича йўриқнома бериши фаолиятни осонлаштиради:

- матнни қисмларга бўлиб номлаш ва номи орқали матн қисмлари маъносини тахмин қилиш билан умумий мазмунни тўлиқроқ ёритиш;

- матн билан таништиришдан олдин машқлар орқали мавзуни аниқлаш;

- ўқиш ва эслаб қолиш учун қийин бўлган сўзларни матндан ажратиб олиш, улар иштирокида кичик иш фаолиятида учраб турувчи гаплар туздириш;

- матннинг асосий маълумотларини қўллаган ҳолда талабанинг сўз бойлигини ишлатиб, матн мазмунини сўзлатиш.

Ўқиш компетенцияси тиббиёт олий таълим муассасаларининг фармация йўналишида таҳсил олаётган талабаларга инглиз тилини ўргатишдаги энг муҳим омиллардан биридир – ўрганилган матнлардаги янги сўзлар билан танишиш, улардан маълумот олиш орқали ўзларининг касбий дунё қарашини оширишида хизмат қилиши керак.

Шундай қилиб, матн бир вақтнинг ўзида талабанинг ўқиш фаолиятининг объекти, яъни ҳар бир талаба томонидан алоҳида талқин қилинадиган ва нутқ фаолияти маҳсули сифатида ҳам қўлланилади. Ушбу фаолият муваффақиятининг калити бу матнни семантик идрок этиш – тушунишдир. Инглиз тилида ўқилган маълумотларни тушуниш, ўз

навбатида, тиббиёт соҳасида таҳсил олаётган талабалар учун (келажакдаги мутахассислар учун) ахборот майдонида, сўнгра коммуникатив эркинлик ва касб- хунарга эшик очадиган йўл ҳисобланади.

Талабага таълимнинг биринчи босқичиданоқ дастурда кўзда тутилган ижтимоий–маиший, ўқув–таълимий ва маданий соҳадаги матнлар устида ишлашни ўргатиш лозим. Таълимнинг ушбу босқичида овозсиз (ичда) ўқишда талаба матнларни минутага 100 сўз тезлигида ўқий олиши зарур. Овоз чиқариб ўқишда талаффуз ва интонацияга катта эътибор қаратилади. Синчиклаб ўқиш (аудиторияда ва уйда) ва танишув ўқиш турлари аудиторияда машқ қилиб борилади.

Ўқишни ўргатишни тарбиявий ва таълимий томонлари шундан иборатки, тили ўрганилаётган мамлакатнинг ва ўз миллий маданиятини ўзида жамлаган матнларни ўқиш жараёнида ўқувчиларда хулқ-одоб, эстетик фазилатлар шаклланади.

Нофилологик университетлар талабаларига чет тилни ўргатиш бўйича намунавий дастурда таъкидланганидек, ўқиш соҳасидаги талаблар ҳақиқий ижтимоий–сиёсий, публицистик ва прагматик матнларнинг (ахборот буклетлари, рисоалар, проектлар, илмий–оммабоп ва илмий матнлар, веб-сайтлар; ижтимоий-сиёсий, публицистик (оммавий ахборот воситалари) матнлари, шунингдек, шахсий хатларни батафсил тушуниш; маълумотнома) асосий мазмунини тушунишни назарда тутди[55].

Нофилолог талабаларга ўрганилаётган тилнинг лингвистик ҳодисаларига кўпроқ эътиборли бўлиш, тил ҳодисаларини тизимлаштириш, моделлаштириш, таққослаш, қиёслаш ва таснифлаш малакаларини шакллантириш имконини беради, деган Г.А.Красношчекова[67]нинг фикрига қўшиламиз.

Ш.Убайдуллаев[113] томонидан ишлаб чиқилган чет тил машғулотларида матн ёрдамида нутқ ўстириш технологиясидан тиббиёт ОТМларида соҳага оид терминларни ўргатишда фойдаланиш мумкин.

Матн ёрдамида нутқни ўстириш технологияси

Босқич	Босқич вазифалари	Босқичларда талабалар бажарадиган коммуникатив вазифалар			
Матн-гача бўлган босқич	Матн маз-унини ташхис қилиш	Матн мазмунини олдинги билимлар асосида (сарлавҳа, иллюстрация ёрдамида) тахминан фаҳмлаш			
	Ўқиш турлари	Танишув ўқиш	Ўрганув ўқиш	Кузатув ўқиш:	
	Лисоний қийинчи-ликларни бартараф этиш	– талаффуз қилиш	– нотаниш лексика билан танишиш	– лексиканинг семантизацияси	
		– лексика семантизацияси	– грамматик материални шарҳлаш	– соҳага оид сўзларни шарҳлаш	
		– соҳага оид сўзларни шарҳлаш	– сўзларни шарҳлаш		
Матн билан ишлаш	Матн мазмунини аниқлаш, ахборот олиш	– бир марта ўқиш – матн мазмуни билан танишиш, зарурий вазиятда луғатдан фойдаланиш	– такрор ўқиш; – матн мазмунидаги тафсилотларни ўрганиш учун қисман таржима қилиш	– матн моҳияти қайси соҳага дахлдорлигини аниқлаш	
Ўқиб тушунганликни текшириш	Матндаги мазмунни тушунганликни назорат қилиш	Н О В Е Р Б А Л	– кулиш, бошни қимирлатиш – расмлар ёрдамида кўрсатиш; – тест	– мазмунга муносабат билдириш; – тест	– матндан ахборотни топиш (топилди/топилмади)
Ахборотни ўзлаштириш	Ахборотни тўлиқ тушуниш учун матнни такрор ўқиш	В Е Р Б А Л	– сарлавҳани номлаш – асосий ғояни топиш – саволга жавоб бериш – матнни мазмуний қисмларга ажратиш – ўз фикрини билдириш (ёқди/ёқмади, қизик/қизик эмас).	– сарлавҳани номлаш – асосий ғояни топиш – саволларга жавоб бериш – саволлар тузиш; – грамматик шаклни танлаш – сўзлар ўрнини алмаштириш – қайта ҳикоя қилиб бериш	– олинган маълумотни оғзаки нутқда қўллаш олиш – асосий мазмунни тўлиқ тушуниш

Демак, тиббиёт соҳасини танлаган талаба бир неча йиллар давомида олиб борган меҳнати натижасида таҳсил олиш имкониятига эга бўлади. Узоқ вақт давомида аниқ фанлар билан шуғулланган инсон учун инглиз тили каби

тасаввурни кенгайтиришни таълаб қилган фанни чуқурроқ ўрганиш бир қанча муаммоларни юзага келтиради:

1. Талабаларнинг педагогга ҳаддан ортиқ суяниб қолиши. Биз бу ҳолатни гуруҳларга бўлиниб ишлаш жараёнида ҳам, алоҳида талабалар билан ишлаш жараёнида ҳам кўп кузатдик. Талабалар баъзи саволларнинг тўғри жавобларини билмай қолишса, жим қолган ҳолатда педагогнинг тўғри жавобни айтишини кутади. Балки бу талабанинг ўрганиш психологиясига боғлиқдир. Аммо бундай вазиятларда, бизнингча, педагог талабани мустақил фикрлашга, керак бўлса, китоби ёки дафтаридан фойдаланиб бўлса ҳам, жавобни мустақил равишда топишга ундаши тўғрироқ бўлади. Педагогга ҳаддан ортиқ боғланиб қолишни ҳатто тўғри жавобни билган ва уни айта олган талабаларда ҳам кузатиш мумкин. Сиз савол берасиз, талаба тўғри жавобни билади, жавобни айтади, аммо барибир сизга тўғри жавобни олиш нигоҳи билан қарайди. Бу ҳатти-ҳаракатни жавобнинг тўғрилигини билиш эмас, кўпроқ ўз жавобига ишонмаслик ҳисси, деб ҳисоблаймиз. Номутахассис йўналишларда таҳсил олувчи талабаларда бундай ҳолатларни камайтириш, имкон қадар уларнинг мустақил фикрлашларига ёрдамлашиш мақсадида ҳар бир инглиз тили фан ўқитувчиси уларни руҳлантириб туришлари керак. Руҳлантириш бу вазиятда жуда муҳим, чунки у орқали талабада ўзига ишонч ҳисси ошади.

2. Она тилидан кўп фойдаланиш. Инглиз тили амалий машғулотларида тўлиқ инглиз тилида гапириб, амалий машғулот ўтишнинг имкони йўқ. Балки ОТМнинг юқори курсларида, айниқса битирувчилар билан бу йўсинда амалий машғулот ўтиш мумкиндир, аммо дастлабки курс ўрганувчилар билан ўзбек тилини ишлатмасдан инглиз тилини ўргатиш имконсиз. Аммо биринчи тил (она тили)ни ҳам ҳаддан ортиқ кўп ишлатиш талабаларнинг чет тилни ўрганишларига катта тўсиқ бўлиши мумкин. Инглиз тили амалий машғулооти вақтида педагогнинг инглиз тили ва ўзбек тилидан фойдаланиб амалий машғулот ўтиши ўртасида мувозанат бўлиши керак. Аммо бу меъёрни қандай қилиб топиш мумкин? Агар ўзбек тилида кўп гапирилса-ю,

инглиз тилида талабаларга етарлича гапирилмаётгандек туюлса ёки бутунлай буни акси, англиз тилида кўп гапирилиб, натижада талабалар нима ҳақида гапирилаётганлигига тушумай қолишса, баъзи топшириқларни тўлиқ англаб олишолмаса. Ҳар қандай ҳолатда ҳам она тили ва англиз тили ўртасидаги гуруҳларда тилнинг ишлатилиш меъёрига алоқадор муаммо, бизнингча, кўпчилик педагогларни ўйлантиради.

3. Талабаларнинг зерикиб қолиши. Зерикарли тарзда ўтилаётган амалий машғулотларда талабаларнинг, ёшларидан қатъий назар, тез-тез зерикиб қолишлари табиий ҳол. Амалий машғулотларни янада қизиқарлироқ ўтказиш учун педагоглар гуруҳдаги ҳар бир талаба билан суҳбатлашиб бўлса-да гуруҳ аъзоларининг шахсий қизиқишлари ҳақида билиб олиши ва гуруҳнинг умумий қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда мавзунини тушунтиришга ўтиши керак.

4. Битта ёки бир нечта аълочи талабанинг доимий устунлик қилиши. Аълочиларнинг доимий аълочи бўлиши ва қизиқмаётганларнинг ҳар доим ортда қолиб кетаверишларига сабаб бўладиган бу ҳолатга англиз тили амалий машғулотларида йўл қўймаслик керак. Инглиз тили амалий машғулотларида ҳамма тенг иштирок этиб, ҳамма тенг ўрганиши керак. Бошқаларга нисбатан билимлироқ бўлган талабаларга амалий машғулотда яхши баҳолар, маълум даражада кўпроқ рағбатлантиришлар берилса ҳам, уларга нисбатан сустроқ ўзлаштираётган ёки амалий машғулотга тўлиқ қатнашмаётган талабаларни бутунлай унутиб қўймаслик керак. Уларни бошқаларга нисбатан кўпроқ руҳлантириб, амалий машғулотда фаол қатнашишларига имкон яратиб бериш керак.

5. Талабаларнинг амалий машғулотга тайёрланмай келишлари. Бу ҳолатнинг биринчи сабаби ўзлаштирган амалий машғулот мавзусига оид топшириқнинг бажарилишини педагог томонидан етарли даражада эътибор билан талаб қилинмаслигида. Агар педагог ҳар бир амалий машғулотнинг белгиланган қисмини фақат ўтилган мавзу асосида берилган топшириқларни текшириш учун сарфласа ва бунда гуруҳдаги ҳеч бир талаба четда

қолдирилмаса, гуруҳнинг амалий машғулотга тайёр ҳолда келишлари сезиларли даражада ошади. Амалий машғулотга тайёрланмай келишнинг иккинчи сабаби талабаларнинг “тушунмадим” деган сабабга кўра уйга вазифани бажаришмай келишлари бўлиши мумкин. Бундай ҳолатнинг олдини олиш учун эса ҳар амалий машғулот сўнгида педагог уйга топшириқни аниқ тушунтириши, ҳар бир талаба тушунганлигига ишонч ҳосил қилиши ва, керак бўлганда, талабалар билан амалий машғулотдан кейин алоҳида ишлаш орқали топшириқларни тўғри бажариш ҳақида кўрсатмалар беришлари керак.

Бу ҳолатларни тадқиқот ўтказиш учун танлаган бир нечта тиббиёт олий таълим муассасаларида ҳатто биология ва химия йўналишида таҳсил оловчи талабаларда ҳам кўрдик.

Олиб борилган кўп сонли амалий машғулотлар шуни кўрсатдики, биз фармация ва унга яқин йўналишлардаги талабалар учун инглиз тилини ўргатиш учун тилнинг барча компетенцияларини бир амалий машғулот жараёнига интеграцияланган ҳолда бириктира олмаймиз. Сабаби талабага янги бўлган ақлий фаолиятга кўпроқ куч бериш билан уни тилга бўлган қизиқиши тез сўниб қолиши ёки умуман шаклланмай қолиши, яъни кўрқув ҳосил бўлишига олиб келиши кузатилади. Ушбу ҳолатда номутахассис бўлган йўналишда ташкил этилиши кутилган инглиз тили амалий машғулотлари бир ёки икки компетенцияни шакллантирувчи, ўзида жамловчи амалий машғулот жараёни билан олиб борилса, мақсадга мувофиқлашади.

Сўнги пайтларда аудитория маҳоратини янада оширишга катта эътибор берилмоқда, чунки тилни равон билиш инглиз тилини турли хил сезги органлари томонидан, асосан ўқиш, ёзиш орқали равон тушунишни ҳам назарда тутди. Ушбу турдаги тилнинг ривожлантириш фаолиятига эгалик қилиш одамга маърузани тушунишга, ўзи учун керакли маълумотларни ажратиб ёзиб олишга шу орқали суҳбатдош нутқига жавоб беришга, керакли маълумотларни талаффуз қилишга ёрдам беради.

Ҳар қандай тилни (она тилидан ташқари), биринчи навбатда, она тилида ўқиб ўрганишдан бошланади, биз товушларни, сўзларни тўғри талаффуз этамиз, ҳар қандай маълумот оқимини ўқиш орқали идрок қиламиз, шундан кейингина нутқда (оғзаки ҳолатда) такрорлашни ўрганамиз, кейинчалик ёзиш қобилиятларини ўрганамиз. Шундай қилиб, ўқиш ўқув жараёнида тилнинг муҳим ва биринчи бўғинидир. Тиббиёт институтимизнинг ҳар бир амалий машғулотида ўқиш мавжуд – бу педагог томонидан танланган соҳага оид матн, талабаларнинг тайёрлаб келган вазифалари, баъзан маърузачиларнинг маъруза ёзувлари. Матнларни ўқиш келажак соҳада нутқ қобилиятини, ёзиш қобилиятини ва ҳатто тинглаш қобилиятини ривожлантиришнинг асосий асосий қисмидир.

Фармация йўналиши талабалари учун амалий машғулотларимиз давомида биз тақдиротдан ҳам фойдаланамиз ва бу ҳолда тинглаб ўқиш асосий даражали рол ўйнайди. Тинглаб ўқитишда асосий омил – бу мотивация. Талабага танланган матнни ўқиш учун эҳтиёж бўлиши керак.

Тиббий ОТМ талабаларига инглиз тилини ўргатишдан кўзда тутилган мақсад – ўқиш, оғзаки нутқ (гапириш ва тинглаб тушуниш) ва ёзувга оид малака ва малакаларни шакллантиришдан иборатдир.

Талабалар учун қизиқарли ва мазмунли (масалан, тиббий мақсаддаги матн), уларнинг ёш хусусиятлари, қизиқишлари ва тиббий муаммоларига мос келадиган мос матнни танлаш муҳимдир. Ҳозирда маъруза ёзувлар, китоблар, кўргазма учун яратилган тақдиротлар, инглиз тилидаги дори тайёрлаш йўриқномалари, тиббий терминларни ўз ичига олган жуда кўп ўқишни ривожлантириш воситалари мавжуд.

Фаолиятнинг ижро, амалга ошириш босқичи гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзув сифатида намоён бўлади. Фикр нутқ фаолиятининг предмети, тил унинг воситаси, нутқ эса чет тил амалиёти учун фикрнинг шаклланиш ва ифодаланиш усули деб белгиланади [103:143–144].

Шу билан бир қаторда инглиз тилини фармация йўналишида таҳсил олаётган талабаларга инглиз тилини ўргатишда ўқиш жараёнини ёзиш

жараёни билан боғлаш тавсия этилади. Бу эса ўз вақтида суҳбат мавзуси доирасида илгари киритилган лексик материал билан ишлаш вақтини қисқартиради ва мантиқий ахборот занжири боғланиб қолади.

Ўқиш учун матн танлашда биз талабанинг тайёргарлик даражаси, матннинг ҳажмини ҳисобга оламиз. Бу ерда педагогнинг вазифаси идрок этиш жараёнини енгиллаштириш, матнни билан танишишдан олдин ҳам фонетик, лексик, грамматик қийинчиликларни олиб ташлашдир.

Ўқишнинг шахс тарбиясидаги ўрни бекиёс бўлиб, у том маънода маънавий – маърифий озуқа олиш йўлидаги нутқий фаолият, ҳаракат туридир. Рецепттив нутқ фаолияти тури ҳисобланмиш ўқишни ўргатишдан инглиз тилида умумтаълимий мақсад кўзда тутилади.

Ўқиш график коддаги ахборотни ундан бутунлай фарқ қиладиган товуш кодига ўтказиш жараёни, ҳарфий белгиларда ифодаланган ёзма нутқий ахборотни идрок этиш ва унинг мазмунини тушуниш, ўзлаштиришга қаратилган нутқий фаолият туридир [51: 218].

Амалий машғулотга қўйилган мақсадга қараб ўқишнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- матнни тўлиқ тушунган ҳолда ўқиш, ўқиладиган материал ҳақида умумий тасаввурга эга бўлишни ўз ичига олади. Унинг мақсади мавзудаги энг умумий ғояни ва матнда муҳокама қилинадиган масалалар доирасини олишдир. Матнни қисмларга бўлган ҳолда фақат маълумот учун керакли бўлиминигина ўқиш билан кифояланувчи ҳолат;

- асосий таркибни тушунган ҳолда ўқиш(батафсил маълумотни тинглаш). Инглиз тилида янги сўзларни керакли ибораларни ўрганиш учун ўқиш матндаги барча маълумотларни тўлиқ, аниқ ва танқидий тушунишни таъминлайди. Шошилмасдан ўйланган ҳолда ўқиш матннинг лингвистик қоидалари ва мантиқий алоқалари асосида ўқилган қисмини мақсадга мувофиқ таҳлил қилишга имкон яратади. Ушбу турдаги ўқишда ўрганиш объекти бу лингвистик материал эмас, балки матн таркибидаги маълумотлардир;

– когнитив ўқиш, унда бутун асардан айрим маълумотларни олиш нияти талабанинг диққат мавзусига айланади. Ундаги асосий коммуникатив вазифа – бу бутун матнни тез ўқиш натижасида таркибидаги асосий маълумотларни чиқариб олиш, яъни матнда қандай масала қай ҳолатда ҳал қилинганлигини, ундаги масалалар бўйича аниқ нима дейилганини ва бошқаларни билиб олишдир. Бунинг учун бирламчи ва иккиламчи маълумотларни бир–биридан фарқлаш қобилияти зарур;

– изланишли ўқиш – маълум бир маълумотни (фактлар, рақамли кўрсаткичлар, кўрсатмалар) танланган матнлардан тезда топишга қаратилган. Бу матндан аниқ маълумотларни топишга йўналтирилади. Таълим шароитида изланишли ўқиш кўпроқ машқларга ўхшайди, чунки у ёки бу маълумотни қоида тариқасида излаш педагогнинг кўрсатмаси билан амалга оширилади.

Амалий машғулот жараёнида инглиз тилини ўрганиш учун танланган матн нотаниш ва янги бўлса, у ёрдамида оғзаки машқлар бажаришдан узоқлашиш керак, сабаби оғзаки жавоб бериш талаб этилган ҳолатда матн билан ишлаш қисмларга бўлиниб кетиши ва у тўлиқ маълумот олиш имкониятини чеклаб қўйиши мумкин.

С.Мисиров[85] ўқишдан ахборот олиш мақсадида унинг танишув, ўрганув, кузатув турларига ажратган.

Танишув ўқиш матндан ўзи учун фойдали ва қизиқарли маълумотларни олиш ҳамда умумий мазмунини тушунишни назарда тутати. Ўқишнинг мазкур турида ахборотнинг 75 фоизигача тушунарли бўлиши лозим. Бундай матнларнинг ҳажми катта, тили равон бўлиши тавсия этилади. Танишув ўқишни назорат қилишга қўйиладиган топшириқлар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин: (1) матннинг асосий мазмунини баён этинг; (2) матннинг таянч сўзларини топинг; (3) муаллиф хулосалари учун асос бўлиб хизмат қиладиган фактларни санаб ўтинг; (4) матнда акс эттирилган ҳодисаларнинг қайсилари асосий, қайсилари иккинчи даражали эканлигини аниқланг ва ҳ.к.

Ўрганув ўқиш – матнни, жумладан, тилнинг ифодавий воситаларини ўрганиш, таҳлил қилишни назарда тутати. Ўқишнинг ушбу тури

Ўзлаштирилган ахборотни тўлиқ тушуниш ва кейинчилик уни қайтадан тиклашни тақозо этади. Тушуниш юқори даражага етказилади. Матннинг қийинчилик туғдирган, тушунилмаган қисмларини такрор ўқиш мумкин. Ўрганув ўқиш аввал синфда, сўнгра уйда бажарилади. Тушунганликни текшириш усулларида бири сифатида таржимадан фойдаланилади. Одатда, матннинг қийинчилик туғдирадиган қисмларинигина таржима қилинади. Матннинг ҳажми унчалик катта бўлмаслиги тавсия этилади. Матн камровидаги ахборот синчиклаб ўрганилади. Ўрганув ўқишда талаба матн мазмуни бўйича ўз муносабатини билдириши, танқидий фикрлаши, изоҳлай олиши, ахборотларни қиёсий таҳлил қила олиши лозим.

Кузатув ўқиш – матн мазмуни ҳақида умумий тасаввур ҳосил қилишга қаратилган ўқиш туридир. Мазкур ўқишда талаба кўпроқ сарлавҳа, кичик сарлавҳачалардан бошлаб, матнни тўлиқ ва тезликда ўқиб чиқиши талаб этилади. Кузатув ўқишда тил материални таниш бўлиши, талаба матндан муайян ахборот(рақам, цитата каби)ларни қидириши талаб этилади. Кузатув ўқиш матндан қўйилган саволга жавоб топиш, ўқиш жараёнида ўзлаштирилган ахборотни кейинчалик, албатта, ишлатилиши лозим эканлигини тушунилишига асосланган ўқиш туридир.

Маълумки, ўқиш тил билан алоқа қилиш малакаларини ривожлантиришнинг энг муҳим воситаси бўлиб, ёзиш эса матндан маълумот олиш жараёнидир. Ўқишга ўргатиш пайтида матнни шунчаки ўқиш эмас, балки ўқув фаолиятининг ҳар хил турларига кириб бориш, янги таълим маълумотларини яхлит идрок этиш ва уларни бир вақтда ёзиш орқали ифодалаш натижасида ўзлаштириш янада юқорилаши амалга оширилади. Бинобарин, бу орқали талабалар фармацевтикага оид матннинг асосий лисоний хусусиятлари ва грамматик тузилмалари билан танишиш имкониятига эга бўладилар.

Амалий машғулот жараёнида тил ўрганишни мустаҳкамлаш учун қаратилган ёзиш компетенциясини қамраб олган машқлар талабаларни нутқ услубларини турли хил йўналишда олиб боришни ва инглиз тилининг турли

хил бирикмаларини, жумлаларни боғлаш учун керакли сўзларни, гапларнинг сўроқ ва инкор шакллари билишда муҳимдир.

Ҳар бир тил ўрганувчи чет тилда ёзиш малакасига эга бўлиши CEFR талабларидан бири ҳисобланади. Илмий адабиётларда кўрсатилишича ёзиш малакаси қуйидаги ҳолатлар учун жуда муҳим ҳисобланади:

–коммуникатив эҳтиёжлар туфайли (Email, расмий хатлар, табрик хатлари, формулярлар, уй вазифаларини ёзиш каби);

– дарсда келиб чиқадиган эҳтиёжлар туфайли (уй вазифалари, тестлар, грамматика ва сўз бойлиги устида ишлаш учун топшириқлар, қайдлар қилиш учун);

–ўрганишга оид психологик тадқиқотлар туфайли (кўпроқ қабул каналлари орқали ўрганиш ва бу орқали эслаб қолишни ривожлантириш каби);

Ёзув деганда, сўзларни ёзиш учун тилнинг график (товуш-ҳарф муносабати ёки ҳарфнинг маъно билдириш хусусияти) ва имло (орфографик) тизими ҳамда фикрни ифода этиш учун сўзларни ёзма шаклда бир-бирига боғлаш кўзда тутилади [88:247]. Бошқача айтганда, ёзув нутқий фаолиятнинг репродуктив тури бўлиб, фикрни грамматик ва имло қоидаларига риоя қилган ҳолда ёзма баён этишни назарда тутди [111].

Яна бир таърифга кўра, ҳарф ва ҳарф бирикмаларидан фойдаланган ҳолда сўзларни яшаш ёзиш техникаси, нутқда лисоний воситаларни қўллаб ёзма фикр баён этиш эса ёзма нутқ дейилади. Фаолият назариясига биноан ёзув, гапириш сингари, фикрни шакллантириш ва ифода этиш усулидир. Ёзаётган талаба ўзининг ва бошқаларнинг фикрини ёзма баён қилади. Ёзувда маъно, товуш ва ҳарфий тимсоллар ўзаро боғланади.

Ёзиш деганда эса нутқда тил белгиларини қайд қилиш тушунилади [103]. Бошқа бир таърифда ёзиш нутқнинг тил белгиларини ёзма қайд қилиш маъносига таърифланади [100:155].

Р.Боннинг фикрича, ёзишда қуйидагиларга эътибор бериш керак [135]:

– ёзишда лексика, синтаксис ва расмиятчилик оғзаки нутққа қараганда бошқача бўлади;

– тасвирлаш имкониятлари чекланган бўлади;

– қайта сўраш имконияти мавжуд эмас;

– гапириш малакасига эга бўлиш ёзиш малакасини ҳам эгаллаганликни кўрсатмайди;

– ёзиш малакаси режалаштириш билан узвий боғлиқ;

– ёзиш хатоларни тўғрилаш ва қайта ишлаш учун керак;

– ёзиш малакасини шакллантириш орфографик, сўз бойлиги, прагматика (мурожаат) каби масалаларда учрайдиган муаммоларни ҳал қилишда ёрдам беради;

– ёзиш секин, автоматлашмаган ҳисобланади.

Янги давр тадқиқотларда акс этаётган нейрopsихологик изланишлар барча тил малакаларини (ёзиш, гапириш, эшитиб тушуниш, ўқиш) узвий боғлиқ эканлигини таъкидлайди. Чет тил дарсларида ёзиш малакасини ривожлантириш икки босқичдан иборат деб кўрсатилади: 1-босқич машқларни тақсимлаш, тайёрлаш, бошқариш, бошқа малакалар (эшитиб тушуниш, ўқиб тушуниш, гапириш, грамматика, сўз бойлиги, талаффуз)ни баҳолаш. Иккинчи босқич эса айнан фақат ёзув малакасини шакллантириш босқичи ҳисобланади[134].

Ёзиш учун ажратилган машғулотларни 4 босқичга бўлиш мумкин:

– Ёзишдан олдин

– Ёзиш пайтида

– Қайта текшириш

– Алмашинув

Юқоридаги ҳолатни Андижон давлат тиббиёт институтининг фармация йўналишида таҳсил олувчи гуруҳлар билан амалий машғулотдаги ўзига хос мисоллар билан кўриб чиқамиз. 1-курс талабалари учун берилган "Biology" мавзусини ўрганиш доирасида талабаларга айнан шу мавзу доирасида кичик ҳолатда маълумотлар ёзиш топширилади. Барча талабалар алоҳида ишлаган

ҳолатда вазифани аъло даражада бажариб якунлайди, энди вазифани мураккаблаштирамиз, яъни бир талаба ёзган маълумотни ўқиб беради, иккинчи талаба эса ушбу маълумотларни ёзиб боради. Дастлабки тушунмовчилик юзага келади, сабаби якка ҳолатда ишлашга кўниккан тиббиёт талабалари жуфтлик асосида бир–бирининг тезлик даражасига тушган ва тушунган ҳолатда ишлаши кутилган эди. Бир неча талабаларда ушбу ҳолатни синаб олганимиздан сўнг, ўзлаштириш даражаси биров юқори бўлган талабанинг ёзган маълумотларини ўқиб беришни сўраймиз, қолган талабалар эса кичик гуруҳларга бўлинган ҳолатда матнни ёзишлари сўралади. Дастлаб гуруҳ билан ишлаш малакаси мавжуд бўлмаган талабаларда жуфтлик ҳолатида ишлашдан сўнг шаклланган тажриба амалда қўлланилади, қарабсизки натижа яхшироқ. Барча талабанинг ёзилган ишлари йиғиб олинади ва алмаштирилган ҳолатда тарқатилади. Хато-камчиликлар тўғриланиб ёзилган луғат ва грамматикага алоҳида эътибор қилинган ҳолатда қайта кўриб чиқилган маълумот талабаларнинг ўз қўлларига текширилган талаба томонидан тушунтириб қайтариб берилади. Бир яратилган матн билан ишлаш давомида амалий машғулоти жараёнида фармация йўналишида таҳсил олаётган талабаларга номаълум бўлган айрим йўналишлар: биргаликда ишлаш, жуфтлик билан ишлаш ва хатони тушунтириб бериш қобилиятлари ҳам шакллантирилади.

Ушбу турдаги топшириқ: жумлаларни янги сўзлар билан бойитиш, ўз тенгдошларининг мисолларини диққат билан тинглаш, тезкор равишда оғзаки ўз она тилига таржима қилиш, диққатни бир жойга жамлаш учун ҳам самаралидир.

Шундай қилиб, ёзиш малакасини шакллантириш учун ташкил этилган амалий машғулоти жараёнида ўқиш малакаси ҳам эътибордан четда қолмайди.

Ёзиш малакасини шакллантириш учун бир неча машқлар типологиясини келтириш мумкин. Унга оид энг яхши маълумотларни Кастнинг “Fertigkeit Schreiben” номли асарида ўқиш мумкин [148]. Унга кўра:

1. Тайёрловчи машқлар – бундай машқлар айнан ёзиш малакаси учун махсус мўлжалланмаган бўлиб, келгусида ёзиш малакасини шакллантириш учун хизмат қилади. Масалан: сўз бойлигини устида ишлаш, уни кенгайтириш, мустаҳкамлаш, мавжуд билимларни фаоллаштириш, ибораларни мустаҳкамлаш, тўғри ёзиш машқларини амалга ошириш каби. Бундай машқлар ўйин сифатида ҳам амалга оширилиши мумкин.

2. Топшириқли машқлар – бундай машқлар асосан ёзиш малакасини шакллантиришда учраши мумкин бўлган маълум муаммоларга қаратилган бўлиб, унда талабалар ўзлари матн ишлаб чиқармасдан, мавжуд матн билан ишлаб, уни вариантларга ажратиб, ўқиб тушуниш ва ёзиш малакасининг фарқли ва ўхшаш томонларини ўзлаштиришади.

3. Структуралашга хизмат қилувчи машқлар – бундай машқларда асосан талабанинг меҳнати талаб этилади. Машқ натижасида оғзаки ёки ёзма матн юзага келади. Бундай машқларга диалогларни матнга ёки қисқа хабарга айлантириш, матнларни тўлдириш, матнга хулоса ёзиш, расмларга оид ҳикоя тузиш, матн шаблонларини янги мазмун билан бойитиш кабилар мисол қилиб келтирилиши мумкин.

4. Креатив ва эркин ёзиш учун машқлар – бундай машқ турлари матн намунасиз эркин матн яратишни талаб этади. Буни шахсий ёзиш сифатида ҳам тушуниш мумкин. Матн яратувчиси ўз матнида ўзининг фикрларини, ҳиссиётларини акс эттиради. Креатив ёзиш деганда ижодий ёзиш тушунилади. Бундай машқ турларига ассоциограмм, кластер, аудио, визуал ёки вербал туртки ёрдамида гипотеза яратиш кабилар қиради.

Каст кооператив ёзиш ҳақида фикр билдириб, матн бир инсоннинг эмас балки бир жамоа иштирокчиларининг фикри маҳсули бўлиши ҳам мумкинлигини айтиб ўтади [148]. Бундай ёзиш шакли талабаларга мотивация бериши, кучсиз талабаларни дадил қилиши, ёзишдан қўрқини енгишга хизмат қилишини таъкидлайди.

5. Ҳаққоний коммуникатив жараёнларга боғлиқ бўлган машқлар – бундай машқлар ҳаётимизда учрайдиган реал жараёнларда йўналтирилган

машқлар бўлиб, табрик хатлари, хатлар, баённомалар, формулярлар ва шунга ўхшаш нарсалар бўлиши мумкин. Ёзишнинг энг асосий компонентлари адресат, ёзиш усули ва адресант кабилар ҳисобланади. Ёзилаётган матн ёки хатнинг ким учун эканлиги жуда муҳимдир. Бундай машқларга туғилган кун ёки байрамлар учун карточкалар тайёрлаш, график ёки схемаларни вербаллаштириш кабиларни мисол қилиб келтириш мумкин [147].

Юқорида келтирилган машқ турларининг чет тил амалий машғулотларига жорий қилиниши талабаларда ёзиш малакасини шакллантиришга хизмат қилади.

Амалий машғулот фаолиятида ёзиш малакасини ривожлантириш учун яна қўллаш мумкин бўлган бир нечта содда усулларни изоҳлаймиз:

Маълумот ёзиш – бугунги кунда маълумот ёзиш, фикрлар, қизиқишлар, бирор мавзу юзасидан мулоҳазаларни билдириш кенг тарқалган. Талабага ўзининг соҳасини ёритиш учун инглизча бир интернет саҳифа очиш топшириғини бериш мумкин. Бошида қийналиши табиий, аммо хотирадаги сўзларни “уйғотиш” учун бу усул жуда катта ёрдам беради.

Янги сўзларга эътибор қилиш – бу фармацевтика талабаларига жуда таниш усул. Янги сўзларни ёзилган қоғоз парчаларини тез-тез кўзи кўринадиган жойларга ёпиштириш ва уларни ҳар куни ҳудди дори номларини ёдлаганидек ўқиб бориш. Бунинг натижасини эса бир неча кунда билинади!

Кундалик юритиш – талабаларнинг ҳаёти тиббиётга кирган кундан бошлаб, ундаги барча сўзлар билан узвий боғланади, демак кундалик ҳаётда содир бўлган иш жараёнларини ёзиб бориш нафақат инглиз тилидаги сўз бойликни балки ёзиш малакасидаги граматик қоидаларни ҳам мустаҳкамлашда кўмаклашади.

Юқоридаги ҳолатларни талабалар гуруҳларининг ўзлаштириши ва амалий машғулотга қўйилган мақсадларига қараб алмашган усулда қўллаш мумкин.

Кўпгина олимлар номутахассис йўналишларда инглиз тили ўқитиш бўйича тадқиқотлари шуни кўрсатмоқдаки: тил ўрганишда муҳим ҳисобланган ёзиш ва ўқишдаги камчиликлар бу ўзига бўлган ишонч ёки ўз малакасини англаш ўртасида боғлиқликдандир. Ўқиш ва ёзиш малакалар ўртасидаги мустаҳкам алоқаларга бағишланган кенг қамровли тадқиқотлар мавжуд бўлиб, улар сўз бирикмаси билан чамбарчас боғлиқдир. Кўп жиҳатдан яхши ёзиш қобилияти талабанинг сўз билиши билан белгиланади. Номутахассис йўналишида таҳсил олувчи талабалар учун нотаниш ўқиш матни билан дуч келиш энг катта муаммо бўлиб, аксарият талабалар сўзларни биламан деб ишонишади ёки ўзлари билмаган сўзларни эътиборсиз қолдиришга қарор қилишади. Инглиз тилида яхши ёзиш қобилияти талабаларнинг грамматикани тушуниш ва ундан фойдаланиш қобилиятига ҳам юқоридаги ҳолат билан чамбарчас боғлиқдир. Бундай талабалар кўпинча кўплаб хатоларга йўл қўйишади. Шундай экан, тилшунос бўлмаган университетда инглиз тилини ўқитишнинг концепцияси ва терминологияси, лексико-синтактик ва грамматик хусусиятлари, оғзаки ва ёзма матнларнинг формати ва вазият хусусиятларини эътиборга олиш лозим

Бу бизнинг ҳолатимизда тиббий муаммолар ва уларни амалий ҳал этиш йўллари, шунингдек, мумкин бўлган коммуникатив вазиятларни акс эттирувчи тематик ва грамматик жиҳатдан танланган материал асосида аниқ касбий аҳамиятга эга мақсад ва вазифаларга мувофиқ равишда қурилса мақсадли бўлади.

1.2–жадвал.

Инглиз тилини ўргатишда ёзма коммуникатив компетенциянинг тузилиши

Тилнинг ёзма коммуникатив компетенцияси	Билиш	Қўллаш олиш	Билар эди
	– имло сўзлари – тилнинг лексикаси ва грамматикаси – ёзма матнлар композицияси	– ҳар хил турдаги ёзма матнларни яратиш	– ёзма нутқнинг мазмуни ва шакли – фикрни ёзма равишда ифодалаш усуллари, коммуникатив ёзма нутққа эга бўлиш

Кўп ҳолларда юқоридаги ёзма коммуникатив компетенциялар тузилиш жиҳатда ўрин алмашиб ҳам амалда қўлланилиши мумкин.

Фармация йўналиши талабаларига ёзиш малакаларини ўргатиш мақсадида амалда қўлланилаётган ҳар қандай усул умумий амалий тажрибага ҳам йўл очиши мумкин. Буларга қуйидагилар киради:

- намунавий матндан олинган маълумот ва терминлардан амалий жараёнда ёрдамчи сифатида фойдаланиш;
- намунага нисбатан ёзилган нарсаларни қўллаш орқали керакли матнларни текшириш;
- маълумотномалар ва луғатларга мурожаат қилишни шакллантириш;
- амалиётда қўлланилаётган ёзма матнни соддалаштиришни ўрганиш;
- янги терминлар билан ҳам оғзаки, ҳам ёзма танишиш орқали умумий тушунчаларни тавсифлаш;
- синонимик алмаштиришни ўрганиш;
- тажрибадан ўтган ва ишончли манбаалар орқали хорижий ҳамкорликларни ривожлантириш орқали янги тажриба олиб кириб, соҳавий амалиётга боғлаш имконият даражасини юзага келтиради.

Бугунги кунга келиб тиббиёт ОТМларида инглиз тилидаги ёзиш малакасини шакллантириш мақсадида “ижодий ёзиш” деб аталувчи тажриба–синов методи кенг қўлланилиб келинмоқда. Бу турли даражадаги мураккабликдаги шакли ва мазмуни турлича бўлган самарали характердаги машқларни амалий машғулот жараёнининг исталган босқичида фойдаланиш имкониятини беради. Биз тақдим этаётган машқлар тўплами

- ижодий ёзиш;
- ўқув мақсадлари;
- таълим тамойиллари, усуллари ва усуллари;
- тарбиявий назоратини ўз ичига олган янги технологияга асосланган кўплаб машқларни ўз ичига олади. Улар ёзма равишда бажарилади ва мазмуни жиҳатидан ижодий ёки ярим ижодий нутқ шакллантиришга хизмат қилади.

1.3–жадвал

“Ижодий ёзиш” га доир машқ турлари	Ўзига хос хусусияти	Ташкил этилаётган иш турлари ва шакли
Хат	Кўп хусусиятли. Ёзиш учун талабага қуйидагилар керак: а) намунавий формулалар (саломлашиш, хайрлашиш, маълумот сўраш, раҳмат); б) инглиз тилидаги қатъий ёзиш қоидалари матн, манзилларни ёзиш қоидалари; б) имло ва тиниш белгиларига риоя қилиш	–расмий; –норасмий; – таклифнома; – миннатдорчилик; –тасдиқлаш ва рад этиш; – сўров; – хулоса; – шикоят; – суриштирув; –буюртма; – эълон
Иншо	Иншо (араб. қуриш) деб бир муаллиф нуқтаи назаридан ёзилган кичик ҳажмдаги матнга айтилади. Иншолар турлича бўлади: манифест, танқид, тарғибот, кузатув ва ҳк. Деярли барча иншолар наср шаклида ёзилади.	– мақолалар; –ижобий ва салбий томонлар; – шахсий фикр; – ечим таклифи – муаммолар
Такдимот	Ўқилган ёки эшитилган матн ёки видео тасвирни ёзма равишда такрорлаш	–радио ва теледастурларнинг мазмунини такдим этиш; –газетадаги мақола такдимоти; –ўқилган матнни дўстга хат тарзида ёзиб олиш;
Диктант	(лот. дисто — айтиб туриб ёздираман) — ўрганувчига имло ва тиниш белгиларига доир қоидаларни ўргатишда ҳамда ҳосил қилинган малакани текширишда қўлланиладиган ёзма иш.	–репродуктив; –индивидуал ижодий; –жуфтланган ижодий; –жамоавий ижодий;
Аннотация	Аннотация (лотинча: аннотатіо – қайд) – қисқача таъриф. Китоб, мақола, қўлёзма мундарижасини, ғоявий-сиёсий йўналишини ва бошқа жиҳатларини очиқ беради. Аннотацияни, масалан, китобнинг ўзида, библиографик кўрсаткичларда ва кутубхона каталогларида учратиш мумкин. Унинг вазифаси талабаларда муайян китоб, мақола, қўлёзма тўғрисида умумий тасаввур туғдириш ва уларга адабиётлар танлашда ёрдам кўрсатишидир.	Ҳикоялар, мақолалар учун изоҳлар

1.2. Фармацияга оид терминларнинг синтактик хусусиятлари унинг мазмунини семантик идрок этишга таъсири

Глобаллашув жараёни нафақат инсонларнинг турмуш тарзи ва маданияти, балки кишилар мулоқотининг асосий воситаси бўлган тилга ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Ҳозирги кунда янги соҳаларнинг юзага келиши ва кундан-кунга янги терминларнинг пайдо бўлишига олиб келмоқда. Инсоният тарихида XX аср илм-фан, техника ва технология ривожланган давр сифатида тарихда қолди. XXI аср эса ахборот ва юқори технологиялар асри бўлмоқда. Дарҳақиқат, илм-фан ва техниканинг ривожланиб бориши билан инсонларга олдин маълум бўлмаган терминлар пайдо бўлади. Тилшунослик фанида бундай тушунчаларни номлаш ва янги пайдо бўлган терминларни тартибга солиш механизми вужудга келди.

Замонавий юқори технологиялар дунёсида терминологик луғатларга алоҳида ўрин берилган. Илмий билимларнинг моддийлашган компонентлари терминологик луғатларда қайд этилган. Айнан шу луғатлар ва маълумотномалар илмий-техникавий ахборот соҳасидаги ишлар учун асос бўлиб хизмат қилади. Илмий-техника тараққиётининг муҳим таркибий қисми терминографиянинг жадал ривожланиши бўлганлиги сабабли, яъни терминологик луғатни тизимлаштириш ва маънолаштириш ҳозирги замон тилшунослик фанининг долзарб вазифасига айланди [40; 287].

Матнларни автоматик таржима қилишда илмий ва техникавий терминларни ўрганиш ва уларнинг муқобил вариантларини таржима қилишда терминография (терминологик луғатшунослик) муҳим масала ҳисобланади. “Кўп тилли терминографиянинг долзарблиги тез фурсатда ўсиб бораётган автоматлашган луғатлар ва терминологик маълумотлар банкининг пайдо бўлгани билан изоҳланади”. Айрим статистик маълумотларга қараганда XX асрда Германияда барча илмий–техникавий терминлар бир миллионни ташкил этган. XX аср ўрталарига келиб электротехникага оид терминлар миқдори 4 миллионга етган.

Терминологик луғатларни соҳага доир структуралаш ва уларни маълумотлар базасида лойиҳалаш катта аҳамиятга эга. Машина ёрдамида таржима қилиш эса терминологияни доимий равишда ўзгариб бориши боришини ҳисобга олган ҳолда замонлар оша сифатсизлик даражасига келиб қолганини ва бу соҳа жиддий ёндашувни талаб қилаётганини кўрсатиб берди. А.А.Реформатский[96] олиб борган терминологиянинг роботлаштириш доирасидаги изланишлари ҳам бизнинг юқоридаги фикримизни яққол исботлай олади.

“Ўқув терминологик луғати” термини иш жараёнида луғатларнинг лексикографик, типологик таснифи асосида қоғоз ва электрон маълумотномаларда тил материалини тақдим этишнинг мавжуд шакллариининг хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилди. Ўқув луғати бевосита таълим жараёни билан боғлиқ бўлиб, унинг асосий мақсади маълум бир тоифадаги китобхонлар учун маълумотларни тақдим этишдир.

О.М.Карпованинг тадқиқоти “Фармация” ихтисослиги бўйича терминларни инглиз тилида қўлланилишига бағишланган [59; 45]. Турли хил ихтисослаштирилган луғатлардан энг яхши хусусиятларни ўз ичига олган ўқув лексикографияси ўзининг асосий тамойилига – адресатга эътибор қаратиш ёки бошқача қилиб айтганда, фойдаланувчи нуқтаи назарини ҳисобга олган ҳолда ўз маҳсулотларини яратади ҳамда ривожлантиради.

Илмий-техника тараққиётининг жадаллашуви шароитида терминология маълумот манбаи, мутахассисликни ўзлаштириш қуролидир. Ҳар қандай фан ва техника соҳаси терминларда ўз ифодасини топади. Терминологияни билмасдан ўрганиш мумкин бўлган деярли бирорта билим соҳаси мавжуд эмас. Тиббиёт терминлар луғати тилнинг илмий-техник тизимларида ишлайдиган махсус ва умумий тиббий номларни бирлаштиради. Тиббиёт луғатининг асосий қисмини тиббий терминология ташкил этади.

Маҳаллий ва хорижий адабиётларда тиббиёт терминологиясига бағишланган кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилганига қарамай, тиббиёт терминологик луғатини ўрганишнинг лингвистик жиҳати ҳали ҳам

етарли даражада ўрганилмаган. Ушбу лексик қатлам муаммоси бугунги кунда ҳам тилнинг янги сифатлари, томонлари, хусусиятларини очишга тилшунос олимлар-тадқиқотчилар эътиборини қаратиб келмоқда.

Айнан илм-фан ва техниканинг жадал ривожланиши фанда янги предмет – терминологиянинг шаклланишига сабаб бўлди. Мазкур фан тилшунослик, мантик, семиотика, информатика ва бошқа бир қатор фанлар туташган жойда пайдо бўлиб, В.М.Лейчикнинг таъкидлашича, у бир неча ривожланиш босқичларига эга бўлди. Бу босқичлар мобайнида терминология лексикологиянинг махсус бўлими сифатида шаклланишдан то ўзининг методларига эга бўлиб, уларни фан, техника ва бошқарувнинг турли соҳаларида қўллашгача бўлган жараёнларни босиб ўтди [71;6].

Терминларни ўрганиш билан шуғулланувчи терминология фани XX асрнинг 30 йилларида лексикологиянинг бир бўлими сифатида пайдо бўлган. Австриялик олим Э.Вюстер терминология фанининг асосчиларидан ҳисобланади. У узоқ вақт давомида Австрия терминология мактабининг етакчиси бўлиб келган. Унинг ишлари Х.Фельбер томонидан давом эттирилди. 1984 йилда унинг «Terminology Manual» деб номланган терминология масалалари бўйича биринчи халқаро ўқув қўлланмаси чоп этилди. 1987 йилда мазкур илмий асар ЮНЕСКО томонидан Парижда нашр этилди [138]. Терминнинг таърифи ҳақида кўплаб олимларнинг фикрлари турличадир.

Б.Н.Головин ва Р.Ю.Кобринлар томонидан олиб борилган тадқиқотларга кўра XX асрнинг фақатгина 80 йиллари давомида терминология масалалари бўйича 2000 дан ортиқ тадқиқот нашр этилган [41;6]. В.П.Даниленко “термин” тушунчасининг 19 хил таърифини келтиради ва ушбу таърифлар рўйхатини давом эттириш мумкин, деб таъкидлайди [46;83–86].

Кўплаб тилларда терминологик тизимларнинг шаклланиши, ривожланиши, шунингдек, уларнинг ўзига хос лингвистик хусусиятларини ўрганишга бағишланган кўплаб тадқиқотлар амалга оширилди [28; 50; 58; 79;].

Ҳар бир соҳа ўзининг юқори ихтисослашган луғатига эга. У бошқа соҳаларда эмас, фақат шу соҳада ишлатиладиган сўз ва тушунчаларни ўз ичига олади.

Ҳар қандай сўз каби термин ҳам мазмуни, ёки маъноси (семантикаси), шакл-товуш мажмуаси бўлган лисоний белгидир. Маънолари кундалик тушунчаларга мос келадиган умумий луғат сўзларидан фарқли ўлароқ, терминларнинг маънолари илмий тушунчаларни ташкил қилади.

Терминнинг барча мантикий таърифларида биринчи навбатда унинг тушунча билан боғлиқлиги илгари сурилади [72]. “Терминлар махсус сўзлар бўлиб, ўзининг махсус мақсади билан чегараланади; тушунчалар ва нарсаларни номлашнинг аниқ ифодаси сифатида бир маъноли бўлишга мойил сўзлар” [96;110]; “Термин – бу фан ва техниканинг маълум бир соҳаси тушунчалари тизимидаги тегишли тушунча билан боғланган сўз (ёки ибора)нинг лисоний белгиси” [62; 35]; “Термин махсус тушунчаларни аниқ ифодалаш ва махсус объектларни белгилаш учун яратилган (қабул қилинган) махсус (илмий, техник) тилнинг сўзи ёки ибораси” [19; 474]; “Термин – бу фан ва техниканинг маълум бир соҳаси тушунчалари тизимидаги товуш белгиси ва унга боғлиқ бўлган тегишли тушунчанинг бирлиги бўлган сўз (ёки ибора)” [76; 19–20].

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида: “Термин – фан, техника, касб-ҳунарнинг бирор соҳасига хос муайян бир тушунчанинг аниқ ва барқарор ифодаси бўлган сўз ёки сўз бирикмаси; атама” дея таърифланган[113].

Замонавий тиббиёт фанида асосан лотинча атамалар ёки юнон тилининг лексик элементларидан фойдаланилади. Баъзи тиббий терминлар эскириб фойдаланилмай қолмоқда, бошқаларининг маъноси ўзгармоқда ва янги илмий тушунчалар ифодаси учун замонавий атамалар пайдо бўлмоқда[125].

Тиббиёт терминологияси – бу турли мутахассисликлар шифокорлари томонидан қўлланиладиган тил. Тиббиёт терминологияси – бу соҳага хос,

табiiй равишда шаклланган терминологик тизим бўлиб, у тушунчаларнинг деярли барча синфлари – умумий ва ўзига хос, аниқ ва мавҳум тушунчаларнинг жуда хилма-хиллигини ифодалайди. У нарса, жараён, моҳият, ҳодиса, белги, хусусият, сифат, миқдор, муносабат, ўзаро таъсир, сабаб–оқибат ва бошқа баъзи категорияларни қамраб олади. Фан соҳаларидан бирига, масалан, анатомия, гистология, эмбриология, микробиология ва бошқаларга тегишли бўлган ягона агрегат объектларини билдирувчи, маълум қоидаларга мувофиқ тизимлаштирилган номлар рўйхати "номенклатура" деб аталади.

Инглиз тилининг тиббiiй терминологияси кўпсонли тизимдир. Тиббиёт ва тиббiiй терминларнинг умумий сони икки юз мингдан ортиқ.

Ушбу тизим доирасида тиббiiй номенклатураси қуйидаги тизимларга ажратилади.

1. Тананинг турли соҳалари, аъзолар, уларнинг қисмлари ва тўқималарининг номларини ўз ичига олган анатомик терминлар.

2. Одамнинг морфологик шаклланишлари ва жараёнлари, касалликлари ва патологик ҳолатини ўз ичига олган клиник; касалликнинг кечиши ва белгилари, синдромлари, диагностикаси, олдини олиш ва даволаш усуллари; даволашнинг оператив усуллари, жарроҳлик операциялари ва бошқа терминлар.

3. Фармацевтика терминологияси – дозалаш шакллари, ўсимлик ва кимёвий маҳсулотлар, рецепт бўйича формула номлари.

Фармацевтика юнонча “pharmakon” сўзидан олинган бўлиб, “дори” деган маънони англатади. Фармация деб аталадиган комплексга ўсимлик, минерал, ҳайвонот ва синтетик келиб чиқадиган дори воситаларини топиш, ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланишни ҳар томонлама ўрганадиган бир қатор махсус фанлар киради. Ушбу мажмуага киритилган фанларнинг терминологиялари фармацевтика терминологиясини ташкил қилади. Фармацевтика терминологияси қуйидагиларни ўз ичига олади:

– ўсимлик ва ҳайвонлардан олинган доривор хом ашёни ўрганувчи фармакогнозия терминологияси (юнонча *pharmakon+gnosis*). Фармакогностик терминологияга ўсимлик аъзолари, ўсимлик ва ҳайвонот маҳсулотлари, ўсимликларнинг номлари киради. Ўсимликлар таснифи лотин тилида Халқаро ботаника номенклатураси шаклида тақдим этилган.

– фармацевтик кимё терминологияси, дори воситаларининг синтези, хоссалари ва таҳлилини ўрганиш. Ушбу фаннинг терминологияси дори воситалари номенклатурасини ва маълум тамойиллар бўйича тузилган баъзи кимёвий бирикмаларнинг номенклатурасини ўз ичига олади.

– дори воситаларини ишлаб чиқариш усулини ўрганувчи дори воситалари технологияси термини. Ушбу фан терминологиясини лотинча дозалаш шакллари ва дори воситалари билан баъзи ишлаб чиқариш оператсияларининг қисқача белгилари эгаллайди.

– фармакология терминологияси (юнонча *pharmakon+logia*) – дори воситаларининг организмга таъсирини ўрганадиган фан. Фармакологик терминологияга дорилар гуруҳлари номлари (масалан, пиретик – антипиретиклар) ва дори воситаларининг номенклатура номлари киради. Дори воситаларининг номенклатураси доимий равишда ўзгариб туради: эскирган дорилар янги, самаралироқ бўлганлар билан алмаштирилади.

Тиббиёт терминологияси лексик фондининг ўзига хос хусусиятларига эга қатламидир. Тиббиёт терминологиясини фан тилининг луғат таркибига кирувчи тизим доирасида таҳлил қилинади. Терминология бевосита бошқа лексик тизимга кирмайди. Терминологиянинг ўзига хос мақсади бор, уни амалга ошириш фақат фан тилида мумкин. Терминлар умумий эмас, балки илмий ва амалий фаолиятнинг тегишли соҳаларида юзага келадиган махсус тушунчаларни билдиради.

Замонавий тиббиёт терминологияси жаҳон тиббиёти ва тиббиёт фанининг кўп асрлик тараққиёти натижаси ҳисобланади. Тиббиёт терминологияси қайси миллий тилда тақдим этилишидан қатъий назар, у лингвистик келиб чиқишида умумий бўлган лексик ва дериватив

бирликларнинг муҳим қисмини, шунингдек, умумий тизимли моделларни ўз ичига олади. Бу қадимги дунёнинг икки классик тили – қадимги юнон ва латин тилларининг кўп асрлар давомида тиббий терминологияда бўлган ва ҳозирги кунгача таъсир кўрсатаётган ҳар томонлама доимий таъсири билан боғлиқ.

Тиббиёт олий ўқув юртларида чет тилни ўқитиш жараёни сифатини оширишнинг самарали усуллари излаш узоқ вақтдан бери ва бир неча йўналишда узвий равишда давом этмоқда. Нофилологик таълим йўналишлари талабалари учун чет тил (инглиз тили) курси уларни касбий-ишбилармонлик ва ижтимоий-маданий алоқа соҳаларида нутқий ўзаро таъсирга мақсадли тайёрлашни назарда тутди[68]. Ушбу соҳада иш олиб бораётган илмий тадқиқотчилар турли йўналишларда фаолият олиб бораётган бўлса-да, С.К.Лелюшкинанинг фикрича, улардаги ягона мақсад – талабаларга чет тилдаги нутқ ҳаракатларининг самарали ўзлаштирилишини таъминлаш, янги ва инновацион ечимларни яратиш, сўзларни тез ёдда сақлаб қолиш, янгича тил ва нутқ воситаларини шакллантириш усуллари топишга қаратилгандир[74].

Кўпгина таҳлил қилинган нашрлар фармацевтика терминларининг мантикий ва концептуал жиҳатларига бағишланган. Бундай тадқиқотларнинг мақсади, одатда, янги ёки узоқ вақт давомида фармацияда қўлланиладиган терминларнинг маъносини аниқлаш, терминни ишлатишнинг тўғрилигини баҳолаш, тушунчалар мазмунини асослаш, қайта кўриб чиқиш ёки уларнинг таснифини берилишига бағишланган. Бундай тадқиқотларнинг асосини эмпирик далиллар ташкил этади.

1980–йилларнинг бошларида А.И.Тенцова фармация соҳасида терминологик тадқиқотларнинг фундаментал дастурини ўз ичига олган мақола чоп этди. Турли сабабларга кўра дастурни амалга ошириш тугалланмаган, лекин унинг кўплаб қоидалари бугунги кунда ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Аммо бу кунга қадар ўрганилган соҳада тиббиёт олий таълим муассасаларининг фармация йўналишидаги қўлланиб келинадиган терминлар базаси мукамал тарзда ўрганилмаганлиги айтиб ўтиш лозим. Ушбу соҳани чуқур ўрганишда қуйидагиларни ҳисобга олиш кўзда тутилган:

- 1) соҳага оид у ёки бу терминнинг иккинчи бир тилда айнан мавжуд бўлмаслиги;
- 2) терминларнинг сўз бирикмалари тарзида ифодаланишидаги фарқлилиқ;
- 3) матннинг услубини аниқлаш ва илмий терминларнинг маъноларини услубга кўра ўзгариши;
- 4) фармация соҳаси доирасида бир лексеманинг турли маънода қўлланилиши.
- 5) фармацияга оид терминларнинг бир неча соҳада турли шаклда ифодаланиши.

Инглиз тилини фармация йўналишидаги талабаларга контекстли ва касбий йўналтирилган ҳолатда ўқиш ва ёзиш малакаларини ўқитиш умумэътироф этилган йўналишдир.

Талабаларнинг келажакдаги касбий фаолиятига боғлиқ соҳавий терминларни ўргатишдан асосий мақсад, ўрганилаётган тилни касбий йўналтириб ўқитишнинг асосий тушунчасидир. А.А.Вербицкий[31]нинг фикрига кўра, ўқиш ва ёзишга нофилологик соҳа вакиллари ўргатиш – бу мутахассиснинг келажакдаги касбий фаолиятининг предмети ва ижтимоий мазмунини ўзлаштиришга олиб келади. Шу билан бирга, соҳавий терминларни босқичма-босқич ўқитиш натижасида мутахассис шахсининг иш жараёнидаги зарур фанга хос касбий ва ижтимоий фазилатларини тарбиялашни таъминлайдиган шахсий фаолият шакли сифатида ишлайди. Анъанавий ўқитишда бўлгани каби фанга доир бўлган терминлар ўқув материали давомийлигида ўзлаштирилиши керак бўлган маълумотларни ўз ичига олган белгилар тизими сифатида ўқув матнлари шаклида соҳага мос тарзда тақдим этилади. Аммо бу маълумотларнинг орқасида таълим

вазифалари, муаммоли вазиятлар билан бирга ўқув жараёнини бир мақсадда амалга ошириш, фаолиятнинг ўтмишдан ҳозирги кунгача, ўқишдан ва ёзиш муқобиллик ҳолатидан ишга ўтиши учун имкониятлар яратади.

Фармация йўналишида таҳсил олаётган талабаларнинг келажақдаги касбий фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда. П.И.Образцов ва О.Ю.Иванова[87]нинг фикрига кўра, уларнинг касбига оид терминларни семантик–синтактик хусусиятларини ўқиш ва ёзиш жараёнида идрок этиш талабаларнинг муайян касбий ва илмий соҳаларда инглиз тили коммуникатив компетенцияларини шакллантиришни таъминлайди, яъни, касбга йўналтирилган чет тилдаги мулоқотни ўргатишда тилдаги ўқиш ва ёзиш жараёнларини семантик таҳлиллаш, ўргатилаётган тилнинг коммуникатив компонентлари касбий нутқ фаолияти контекстида шакллантиради.

Сўнгги йилларда нофилологик олий таълим муассасалари талабаларини компетенциявий ёндашув асосида касбга йўналтирилган ҳолда ўқиш ва ёзиш муаммоларини ҳал этиш бўйича тадқиқотлар олиб борилганлигини айтиш билан тиббиётга оид таълим муассасаларида инглиз тилини ўқитиш муаммоларини ўрганишнинг устувор йўналишларидан бири инглиз тилини касбга йўналтирилган ҳолда ўқитишлишини айтиб ўтиш лозим. Бугунги кунга келиб фармация йўналишида таҳсил олаётган талабаларга чет тилни ўқиш ва ёзиш малакаларасосида ўқитиш муаммолари бўйича тадқиқотнинг яна бир хусусияти маданиятлараро мулоқоти ҳамдир. Ушбу йўналишда таҳсил олаётган талабалар нафақат бир миллат ёки ҳудуд билан, балки турли давлатнинг бир тармоқ шаклини боғловчи ҳисобланганлиги сабабли ҳам улар орасида энг муҳими, бизнинг фикримизча, маданиятлараро коммуникатив компетенцияни шакллантиришдир. Ушбу йўналишнинг асосчиси Н.И.Алмазова[17] нофилологик олий таълим муассасаларида чет тилни ўқитиш жараёнида маданиятлараро коммуникатив компетенцияни шакллантиришнинг концептуал ва услубий асосини ишлаб чиқди.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.Каримов: “Бизнинг мақсадимиз – дунёнинг барча халқлари билан тенг бўлиб, уларнинг бахт-саодатидан қувониб, улар билан дўст ва ҳамкор бўлиб яшаш. Униб-ўсиб келаётган фарзандларимизни ҳам мана шу руҳда тарбиялаймиз”, – деб таъкидлагандилар[9].

Тил ва маданият муносабати мураккаб ва кўп томонлама муҳокама талаб қиладиган масала ҳисобланади. Тил ва маданиятни тадқиқ этиш, эҳтиёткорлик билан ёндашишни талаб этади. Бу икки тизимнинг ўзаро ўхшаш, умумийлик томонлари мавжудлигини эсдан чиқармаслик керак. В.Н.Телия[108] бундай умумийликни қуйидагиларда кўради: (1) маданият, худди тил сингари, инсон дунёқарашини ўзида акс эттирувчи онг шаклидир; (2) тил ва маданият ўзаро муносабатда бўлади; (3) тил ва маданиятнинг субъекти – бу доимо индивид ёки ижтимоий гуруҳ – жамоа шахс ёки жамият; (4) меъёрийлик (норма) тил ва маданият учун умумий хусусиятдир; (5) тарихийлик – тил ва маданиятнинг муҳим хусусиятидир; (6) тил ва маданиятга “динамика ва статика” қарама–қаршилиги бир хилда ҳосдир.

Юқоридаги ҳолат эса фармация йўналишини битирувчи талабага меҳнат бозоридаги рақобат курашида устунлик беради, унинг мартаба ўсишига ҳисса қўшади ва охир–оқибат ҳаётдаги муваффақиятни белгилайди.

Бундай мутахассиснинг афзалликлари янги ахборот воситаларига мослашиш, турли тилларда ахборот оқимларини қабул қилиш (ўқиш малакаси орқали) ва қайта ишлаш (ёзиш малакаси орқали) учун янги ахборот технологияларидан фойдаланиш қобилиятидир. Дидактик маънода муаллиф монотон педагог марказлашга машғулотларни минималлаштиради, анъанавий усулдаги шу давргача қўлланиб келинган тарқатмалар фақат ёрдамчи ўқитиш воситаси сифатида фойдаланилади ва материални асосий, идрок этиш даражасида ўзлаштириш вазифаларидан материални юқори, концептуал, идрок этиш даражасига ўтишни таклиф қилади, когнитив схемалар шаклида тасвирлаш, бу ерда касбга оид терминларни қўлланилиш жиҳатидан фарқларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Таниқли методистлардан Т.Қ.Сатторов[104] чет тил предметини куйидаги педагогик-психологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда таснифлайди:

1. Она тили ва инглиз тилида мулоқот учун нутқий муҳит кескин фарқ қилади. Амалий машғулотдан ташқари пайтларда талабада инглиз тилида мулоқот қилиш учун муҳит деярли мавжуд эмас. Она тили учун доимо табиий муҳит мавжуддир.

2. Она тили инсоннинг кундалик фаолиятига сингиб кетади. Инглиз тили учун эса бундай имконият мавжуд эмас. Инглиз тили амалий машғулотларида талабаларга мулоқотни ўргатиш мақсадида сунъий нутқий вазиятларни вужудга келтириш зарур.

3. Инсон боласи теварак-атрофни она тили ёрдамида идрок этиб тушунади ва кишилар билан мулоқотга киради. Чет тилни ўргатишда аҳвол умуман ўзгача. Тилнинг талаффуз, грамматик ва лексик томонлари ўрганилади, чет тилда фикр баён этиш ва идрок этиб тушуниш амалий мақсад мақомини олади.

4. Т.Қ.Сатторов билим ва малаканинг ўзаро муносабати нуқтаи назардан ўқув предметларини (а) билим ва назария берувчи фанлар (тарих, адабиёт, география); (б) амалий малакани шакллантиришга йўналтирилган фанлар (расм, меҳнат таълими, жисмоний тарбия) каби гуруҳларга таснифлайди. Бу борада чет тил ўқитиш умумий методикаси муаллифларининг фикрига қўшилади ва инглиз тилини юқоридаги икки гуруҳ ўртасидаги предмет деб ҳисоблайди.

Биз ишонамизки, Н.И.Алмазова[17] томонидан ишлаб чиқилган инновацион концепцияси нофилологик олий таълим муассасаларида, айниқса, тиббиёт соҳасидаги фармация йўналишида таҳсил олаётган талабалар учун чет тилларни ўқитиш амалиётига нафақат таълимнинг илғор босқичида, балки бошланғич босқичида ҳам жорий қилиш мақсадга мувофиқ бўлади, чунки инглиз тилини ўқитишнинг бошланғич босқичида тилшунос бўлмаган фармация талабаси учун материални юқори, концептуал даражада

тушуниш учун лингвистик жиҳатдан етарли билимга эга шахсга айланиши лозим. Инглиз тилини ўқитишнинг фанлараро парадигмаси ҳам шу ёндашувни амалга ошириш ушбу соҳа талабаларини интегратив компетенцияларини шакллантиришни таъминлайди. Шу ўринда, Н.В.Попова[93]нинг хулосаси ҳисобланган лингвокомпьютер компетенциясининг алоҳида ролини таъкидлаш лозим, унга эга бўлиш мутахассиснинг энг муҳим касбий фазилатларидан биридир.

Бундай функциялар орасида А.Н.Шамов[124] қуйидагиларни таъкидлаб ўтган: (1) объектив дунёни кўрсатиш воситаси; (2) фаразларни илгари суриш ва текшириш воситалари; (3) когнитив фаолият компонентлари ҳақидаги билимларнинг ҳақиқат мезони воситалари; (4) илмий билимларнинг ўқитиш амалиёти билан алоқасини таъминлаш воситаси. “Модел ўз ролини унинг мувофиқлик даражаси етарлича аниқлангандагина бажаради. Модел ва реал объект ўртасида қандайдир ўхшашлик бўлиши керак”. Ўрганилаётган матн ҳамда контекстнинг реалликка ҳаётий тажрибада учратиш ва ишлатиш даражасининг юқори эмаслиги таъкидланган.

В.А.Штофф[126] эса ушбу ҳолатни “Тадқиқот объектини кўрсатиш ёки кўпайтириш орқали уни ўрганиш ушбу объект ҳақида янги маълумот берадиган тарзда алмаштиришга қодир бўлган ақлий тасаввур қилинган ёки моддий жиҳатдан амалга оширилган тизим” деб тушунади.

Педагогика фанида моделлаштириш бир қатор дидактик муаммоларни ҳал қилишда муваффақиятли қўлланилади, яъни:

- ўқув материали тузилишини оптималлаштириш;
- ўқув жараёнини режалаштиришни такомиллаштириш;
- когнитив фаолиятни бошқариш;
- ўқув ва когнитив жараённи бошқариш;
- диагностика, прогнозлаш, ўқитишни лойиҳалашда

Шу нуқтаи назардан, У.Федорова[114]нинг фикрига кўра чет тил амалий машғулоти жараёнлари ташкил этишда ўқиш ва ёзма малакаларни шакллантириш мақсадида инглиз тилини фанлараро алоқаларга мотивацион,

мазмунли, жараёнли ва рефлексив даражаларда амалга ошириш амалий машғулоти сифатини интеграциялаш ва натижавийлигини оширади.

П.И.Образцов, О.Ю.Иванова[87]ларнинг фикрича, фармация соҳасида таҳсил олувчи талабаларга инглиз тилини ўқитиш жараёнида соҳавий терминларни ўргатишда чет тил амалий машғулоти куйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олиши керак:

- танлаб олинган матннинг ёки мавзунинг мақсад ва вазифа бирлиги, мутаносиблиги;

- мотивацион чет тилни ўзлаштириш, уни такомиллаштириш, амалиётда қўллаш истаги мавжудлиги;

- ўқув материалининг мазмунини танлашни ўз ичига олганлиги;

- инновацион ўқитиш усуллари, шакллари ва воситаларини танлашни таъминлаганлиги;

- назорат ва баҳолаш компоненти педагогик жараённинг боришини даврий текшириш ва унинг натижаларини баҳолаш билан боғлиқлиги.

Амалий машғулотнинг ҳаётий жараёнга тадбиқ этилиши ёки машғулоти жараёнидаги мукамалликни ошириш эса когнитив (моделлар билимларни ифодалаш ва ташкил этиш шакли, янги билимларни эгаллаш воситасидир) ва прагматик (амалий ҳаракатларни ташкил этиш воситаси, фаолият ва унинг натижаларини тақдим этиш усулидир) ҳолатга кўра талабанинг ўзлаштириш вақтига қараб статик ва динамик усулда орттирилиб борилади.

Тадқиқотни амалга оширишда биз В.В.Давыдовнинг куйидаги фикрини ҳам кўриб чиқдик. Унга кўра терминларни соҳага оидларини танлаб олиш ва ўқиш орқали таҳлиллаш моделни объект ёки объектлар тизимининг шартли тасвири, моделлаштиришни эса аниқликдаги умумий дидактик тамойилининг таркибий қисми сифатида тушунилади, ўзига хос кўриниш ва концепциянинг уйғунлиги сифатига эгадир. Уларнинг нисбати муаллиф томонидан куйидагича аниқланади: “... ўрганиш мазмуни терминларнинг ташқи хусусиятлари бўлса, тасвирий кўриниш тамойили ўзини оқлайди. Аммо субъектлар ўртасидаги алоқалар ва муносабатлар ўқув мазмунига

айланган жойда, етарли даражада аниқлик мавжуд эмас. Бу ерда моделлаштириш тамойили кучга киради, яъни назарий жараёни амалиётга тадбиқ этиш ҳолатигина ўрганилган маълумотларни реалликда ҳаётий тажриба ҳолатига боғлай олади[45]”.

Бугунги кунга келиб, чет тил машғулоти жараёни қай усулда ташкиллаштирилишидан қатъий назар фармация оид терминларни ўргатишни икки компонент ўқиш ва ёзиш малакаси орқали ўқитиш ахборот-коммуникация технологиялар ёрдамида чет тил машғулоти ташкил этиш эса қуйидагиларни қамраб олгандагина самарали деб ҳисобланади:

- кўп даражали ахборот Интернет ресурслари;
- турли хил функционал турдаги Интернет ресурслари;
- мультимедиа ресурслари;
- ҳужжатларнинг гиперматнли тузилиши;
- шахсий фойдаланувчи кабинетини яратиш имконияти;
- тўғридан–тўғри алоқани ташкил қилиш қобилияти;
- талабаларнинг ўқув фаолиятини бошқаришни ахборот-методик таъминлаш ва ташкил этиш жараёнларини автоматлаштириш, уни назорат қилиш имконияти;
- талабаларнинг индивидуал таълим траекториясини қуриш;
- педагогик ўқитиш технологиясини ҳамкорликда амалга ошириш;
- мустақил ўқув фаолияти малакаларини ривожлантириш.

Юқори лингводидактик потенциални ҳисобга олган ҳолда ахборот-коммуникация технологиялари фармация соҳасида қўлланилиш даражаси юқори бўлган соҳага оид терминларни ўқитишнинг энг нуфузли воситаси мақомини олади.

1.3. Тиббиёт институтларининг фармация йўналиши талабаларга ўқиш ва ёзиш компетенциясини ўқитишнинг психологик ва лингвистик жиҳатлари

Берилган машқлар 1.3–жадвалдаги турлар бўйича бўлинган. Шундай усулда ташкиллаштирилган ёзма малакаларни шакллантиришга қаратилган

амалий машғулоти шакллари фармация йўналишида таҳсил олаётган талабаларни муваффақиятли ўқишини яхшилашга ёрдам беради, унинг якуний натижаси шахсий хат ва иншо (С1, С2 даражадаги) ёзишдан иборат бўлган битирув ишларини ҳам амалий жараёндаги фаолиятини ҳам инглиз тилида бемалол ёзма шаклда тўлдиришга кўмак беради.

Ўқиш ва ёзиш – нутқ фаолиятининг рецептив тури фаол, мақсадли, тил тизими ва хабарни узатиш ва қабул қилиш жараёни билан боғлиқ бўлган, мулоқот ҳолати билан шартланган жараёндир[53]. “Ўқиш – бу маълум бир тил тизимига мувофиқ график кодланган маълумотларни идрок этиш бўлса, ёзиш семантик қайта ишлаш жараёни”[63]. Қисқа қилиб айтганда, икки компетенция перцептив ва семантик маълумотларни қайта ишлашдан иборат.

Чет тил ўргатишнинг амалий мақсади нутқ фаолияти турларини эгаллашни ва чет тилда оғзаки (гапириш ва тинглаб тушуниш) ва ёзма (ўқиш ва ёзув) мулоқот юритиш малака ва малакаларини шакллантиришни кўзда тутати. Ахборот олиш ёки бериш мақсади мулоқот (коммуникация) юритиш заруриятини пайдо қилади. Шундай қилиб, ўқишда мазмун режаси (матннинг маъноси) ва процессуал режа (матнни қандай ўқиш ва овозли қилиш) фарқланади. Мазмун жиҳатидан фаолият натижаси матнни тушуниб қайта етказиб бериш (ёзиш), процессуал маънода – ўқиш ва ёзиш жараёнларининг узвийлик жараёнининг ўзи, яъни графемаларнинг фонемалар билан ўзаро боғлиқлиги, ички нутқ эшитишининг шаклланиши, ташқи талаффузга, ички талаффузга қисқартиришга ва ҳоказоларни мазмунли режага (яъни тушуниш) ўтказиш учун процессуал ўқиш ва ёзиш режасини яхши ишлаб чиқиш керак. Чет тил ўқитиш методикасида машқларни рецептив ва репродуктив турларга ажратилади. Рецептив машқларга тинглаб тушуниш ва ўқиш машқлари мисол бўла олади. Репродуктив машқларга гапириш ва ёзувни ўргатиш машқлари киради.

Ўқиш ва ёзиш компетенцияларни узвий боғлаш фармацияда таҳсил олаётган талабаларни соҳавий жиҳатдан ривожлантиради. Ўқишнинг ўзига хослиги, бошқа тил аспектларидан фарқли ўлароқ, ўрганилган мавзунини

исталган вақт қайта ўзлаштириш имкониятини беради. Ўрганилган матнни мустаҳкамлаш мақсадида эса бир мавзу асосида ёзиш аспекти билан шуғулланиш мақсадга мувофиқлашади, чунки икки жараён бирлашса, мавзунини ўрганиш қизиқарли, завқли, қувончли, лекин биров вақт талаб этувчи иш ҳисобланади. Талаба ушбу ҳолатда мустақил тарзда ишлаш имкониятига эга бўлади[92].

Ўқиш тинглаш каби қабул қилувчи жараён бўлса ёзиш гапириш каби маълумот етказиб берувчи ҳодисадир. Шунинг учун, ўқиш ва ёзиш ҳақида юритилган кўплаб фикрлар юқорида келтирилган икки қўшимча аспектларга ҳам тегишлидир. Таққослаш учун ўқиш, ёзиш, гапириш ва тинглаш жараёнида нутқни идрок этиш жараёнини жадвал шаклида тақдим этамиз.

1.4–жадвал

№	Ўқиш	Тинглаш	Ёзиш	Гапириш
1	Матнни қайта ўзлаштириш имконияти мавжуд	Маълумот келиш маълум вақт давом этиши	Маълумот сақланиб қолиш имконияти юқори	Маълумот етказиб бериш тезлиги мавжуд
2	Вақт ўрганувчи имкониятида келиб чиқади	Тил билиш даражасида бир хиллик талаб этилади	Қайта хатолар устида ишлаш имконияти беради	Сўз бойлик юқорилик муҳим
3	Тушунмаган қисм билан ишлаш мумкин	Диққатли бўлиш керак	Сўзларнинг турли маънолари ўрганилади	Матн юзасидан маълумот катта ҳажмда бўлиши керак

Психологик нуқтаи назардан, ўқиш ва ёзиш техникаси тушуниш ва хулоса қилишни бирлаштира олиш имониятига эга (яъни, процессуал ва мазмунли жиҳатлар) жараёндир. Тушуниш мақсад ва восита сифатида ёзиш ва ўқиш техникаси билан боғлиқ. Фаолият сифатида ўқиш тузилишида мотивни (ёзилган матн ёрдамида мулоқот қилиш), мақсадни (талабани қизиқтирадиган маълумотни исталган пайтда олиш), фаолият шартларини (тилнинг график тизимини ва маълумот олиш усуллариини ўзлаштириш) ажратиш мумкин. Ёзиш тузилишида натижа (тушуниш олинган билимга аниқлик киритиш), устуворлик (олинган маълумотни имконият даражасида бойитиш)ни беради.

Ўқиш жараёни техник томонга, яъни лингвистик ҳодисаларнинг уларнинг маъноси билан автоматлаштирилган визуал-нутқ-эшитиш алоқаси бўлган малакаларга асосланади, бунинг асосида ёзма белгилар ва ёзма матнни тушуниш мумкин бўлади[54].

Структуравий жиҳатдан ўқиш ва ёзиш ишни белгилайдиган босқичли характерга эгадир. Ўрганилган кўплаб методлар орқали қуйидаги босқичларни аниқлайдилар:

- 1) эришилган натижа ёрдамида рағбатлантириш;
- 2) аналитик ва синтетик таҳлил;
- 3) назорат ва ижро этувчи ҳолат.

Шунинг учун ўқиш жараёнини такомиллаштириш ёзиш жараёни билан биргаликда олиб борилса, мотивация, ўқишга тайёргарлик, матн ва матндан кейинги босқичларни тартиби билан амалга оширади ва охириги босқич қайта ишлаш, олинган маълумотларни тушуниш, унинг тўғрилигини назорат қилиш билан якунлаш осон бўлади.

Ўқиётганда одам нафақат матнни кўради, балки уни ўзига талаффуз қилади ва шу билан бирга, гўё ўзини ташқаридан эшитади. Ички талаффуз механизми туфайли график ва эшитиш-мотор тасвирларни таққослаш амалга оширилади. Ушбу механизмнинг ҳаракати янги бошланувчи талабаларда (пичирлаб ўқиш) энг аниқ кузатилади. Аста-секин, тажриба тўпланиши билан, ички талаффуз янада қисқаради ва ниҳоят, бутунлай йўқолади[18].

Ёзув нутқ фаолиятининг бир тури сифатида инсоният тарихида тўпланган тажрибани қайд этиш учун пайдо бўлган ва узоқ вақт давомида чет тилни ўқитишда иккинчи даражали рол ўйнаган. Ҳозирги вақтда ёзиш нутқ фаолиятининг бошқа турлари қатори коммуникатив фаолиятнинг ривожланиши билан боғлиқ ҳолда зарурдир. Ёзув нутқ фаолиятининг бошқа турларини ўргатиш воситаси сифатида, талабаларга дастур тили материаллини яхшироқ ўзлаштиришга имкон берадиган восита, нутқ малака ва малакаларини шакллантиришни назорат қилиш воситаси сифатида фаолиятни намоён қилади.

Ўқиш жараёнининг муҳим психологик компоненти семантик ва оғзаки даражада намоён бўладиган механизмидир. Семантик башорат – матн мазмунини башорат қилиш ва сарлавҳа, биринчи жумла ва бошқа матн сигналлари асосида воқеаларнинг кейинги ривожланиши ҳақида тўғри тахмин қилиш қобилияти. Оғзаки башорат – сўзни бош ҳарфлар бўйича тахмин қилиш, биринчи сўзлар бўйича жумланинг синтактик қурилишини ва биринчи жумла бўйича параграфни кейинги қуриш қобилияти[64].

Дарҳақиқат, бу борада ёзишнинг аҳамиятини ортиқча баҳолаб бўлмайди. Аммо бугунги кунда ёзишни қайта тиклаш ва нутқ фаолиятининг нутқ, тинглаш, ўқиш каби турларидан ўзининг муносиб ўрнига қайтариш зарур кўринади. Ҳозирги вақтда ёзишга бўлган муносабат, талабаларга ўз фикрини ёзма шаклда ифода этиш қобилиятига ўргатиш кескин ўзгарди. Ёзиш ўқув мақсади сифатида барча турдаги таълим муассасалари учун дастурларда, чет тилларни ўқитишнинг барча босқичларида мавжуд.

Прогностик малакаларнинг ривожланишига фаразларни ишлаб чиқиш ва талабанинг тахминлари тизими ёрдам беради, бу талабанинг миёсида билимлар структурасини узлуксиз қуришни фаоллаштиради, унинг асосий билимларини, тил тажрибасини фаоллаштиради. Онгни маълумотларни идрок этишга тайёрлаш жараёни талабани эслаб қолишга, тахмин қилишга ундайди, яъни унинг узок муддатли хотираси, шахсий ва ижтимоий тажрибасини фаоллаштиради[18].

Бугунги кунда биз доимо ёзиш малакалари кенг талабга айланганлиги ва замонавий дунёда энг касбий аҳамиятга эга бўлган мақомини олганлиги билан дуч келмоқдамиз, чунки профессионал алоқалар учун асосий воситага айланган компьютер алоқаси ёзма ҳужжатларни ёзма равишда олиб борилмоқда. Юқорида айтилганларнинг барчасини ҳисобга олган ҳолда, танланган мавзунинг долзарблиги ёзма нутқни ўргатиш усулларини кенгайтириш ва чуқур ўрганиш ва синовдан ўтказиш заруратидадир, чунки нутқ фаолиятининг ушбу тури асосий профессионал алоқа воситасига айланди.

Ёзма нутқ лингвистик ва фактик билимларни сақлашга имкон беради, фикрлаш учун ишончли восита бўлиб хизмат қилади, чет тилда гапириш, тинглаш ва ўқишни рағбатлантиради.

Агар ўрганувчи ёзишни ўргатиш мақсадларини тўғри белгиласа, бошқа малакаларни ривожлантиришда ёзишнинг ролини ҳисобга олиш, мақсадларга тўлиқ мос келадиган машқлардан фойдаланиш, бу машқларни ўрганишнинг мос босқичида бажариш, сўнгра оғзаки нутқни босқичма–босқич бажариш ёзиш қонуниятини бойитиб боради ва мантикий бўлади.

Ёзиш – бу ёзма матнни яратиш ва мустаҳкамлаш билан боғлиқ бўлган самарали аналитик–синтетик фаолият. Ёзиш – бу тил ўргатишнинг самарали тури бўлиб, унинг объекти ёзма нутқдир[54].

Ёзма нутқ – фикрни график шаклда ифодалаш жараёни, ёзма тил тизимидан мулоқот қилиш учун фойдаланиш қобилияти. Юқорида айтилганларга асосланиб, ёзма нутқ фикрларни ёзма равишда ифода этишга қаратилган нисбатан мустақил тил ўзлаштириш тури сифатида тушунилади.

Тиббиёт соҳасида кўпгина ўқув материалларида ижодий ёзишга ўргатиш алоҳида ўрин тутади. Улар доимий равишда турли шаклларда ёзма нутқни ўргатиш устида иш олиб борадилар: мактублар, электрон почта хабарлари ва бошқа хабарлар, иш хатлари, маълумотномалар ва ишга аризалар, иншоалар, ҳикоялар, характеристикалар, китоблар ва фильмларга шарҳлардан иборат бўлиши мумкин.

Ижодий ёзишни ўргатиш бўйича топшириқлар аниқ кўрсатмалар ва тўғри ёзиш мисоллари билан таъминланган бўлиши лозим, бу ўрганилаётган материални муваффақиятли ўзлаштиришга имкон беради ва нутқ фаолиятининг ушбу турида яхши натижалар беради.

Нутқ психологиясида ёзма нутқнинг бир шакли сифатида ёзма мураккаб психик жараён сифатида қаралади, у барча психологик таснифларда одатда нутқ фаолияти таркибига киради, у ҳар хил тур ва шаклларга эга.

Замонавий психология ёзувни нутқ фаолиятининг мураккаб, онгли шакли сифатида қарайди, у ташқи нутқнинг бошқа шакллари билан умумий ва ўзига хос хусусиятларига эга. Психологлар, тилшунослар ва бошқа олимларнинг “нутқшунослик” йўналиши бўйича олиб борган тадқиқотлари шуни кўрсатдики, ёзиш ва нутқ жараёнлари кўпгина параметрларга кўра фарқланади: келиб чиқиши, шаклланиш усули, оқим усули, психологик мазмуни, вазифалари.

Ёзув усуллари пайдо бўлганданоқ қилинган ҳаракатлар аста-секин ёзиш маҳоратга айланади. “Бу билан у беихтиёр шаклланиб, ўз-ўзидан давом этувчи оғзаки нутқдан фарқ қилади”.

Психология нуқтаи назаридан ёзишнинг тузилиши анча мураккаб.

Ёзиш жараёнининг асосий компоненти сўзнинг овозли таҳлили бўлиб, у товушли сўздан алоҳида товушларни ажратиш қобилиятини ўз ичига олади. Ёзиш жараёнига киритилган иккинчи компонент – бу сўздан танланган ҳар бир товушни тегишли ҳарф билан боғлаш операцияси. Ниҳоят, учинчи – бу ҳарфнинг визуал тасвирининг унга мос келадиган график контурларга транскрипцияси бўлиб, у ўз навбатида кетма-кет ҳаракатлар мажмуаси орқали амалга оширилади.

Л.С.Цветкова[121] концепциясига кўра, ёзиш нутқ фаолиятининг бир тури сифатида бир қанча даража ёки босқичларни ўз ичига олади.

Уларнинг ички мазмунини ва ушбу фаолият даражаларининг таркибий қисмларини кўриб чиқсак. Психологик даражага интеллектуал, нутқий фикрлаш ҳаракатларига мос келадиган бир қанча “даражалар” киради, улар орқали ёзма фаолият амалга оширилади.

Буларга қуйидагилар киради:

мотивацион компонент;

фикрларни ёзиш;

таркибни белгилаш ва ҳаракатлар режаси;

ёзишнинг ўзини тартибга солиш ва бажарилишини назорат қилиш.

Психофизиологик (ёки сенсоримотор) даража икки пастки даражадан иборат

- сенсор-акустик-мотор
- оптик-мотор.

Сенсор-акустик-мотор даражаси ёзиш жараёнининг "техник" амалга оширилишини таъминлайдиган даража, ёзишни ташкил этишнинг лингвистик даражаси ёзув қандай воситалар билан амалга оширилишини белгилайди. “Бу даража ёзиш жараёни амалга оширишнинг лингвистик воситалари билан таъминлайди, яъни психологик даражада шаклланган ички маънони лингвистик кодларга – лексико-морфологик ва синтактик бирликларга таржима қилишни амалга оширади, яъни сўз ва ибораларга айланади”.

Психологик ва лингвистик мақсадларда инглиз тилидаги фанга оид терминларни назарий ўрганиш биздан, биринчи навбатда, лингвистик алоқани кўриб чиқишга ва унинг инглиз тилини табиий фармация йўналишида таҳсил олувчи талабаларга ўргатиш амалиётидаги аҳамиятини аниқлашга йўналтиради. Ж.Багана[23] “Шахс ёки тилнинг боғлиқлиги мутахассисликка доир қараш билан муҳокама қилинганда мулоқот тарзида узвий равишда фаолият билан боғланади” деб лингвистик жиҳатда таҳлил этади. Ушбу таъриф бизнинг ишимизда асосий таъриф сифатида қўлланилади, чунки лингвистик алоқалар пайтида ёки чет тилни индивидуал ўзлаштиришда ривожланадиган икки тиллилик шароитида тил тизимларининг ўзаро таъсирида намоён бўлади.

Ж.Багана[22]нинг фикрига кўра, “Иккинчи тилни амалий жараёнга тадбиқ этиш давомида она тили билан аралashiш бўлади ва бир тилнинг элементлари бошқа тилга киритилади ... Интерференция қилувчи элементлар талаффуздан кўра кўпроқ ўқиш ва ёзиш жараёнида намоён бўлиши кузатилади”. Тилларнинг соҳага алоқаси туфайли муқаррар фаолият жараёнида аралашувни ҳисобга олган ҳолда, фармация таҳсил олувчи талабаларнинг инглиз тилининг ўқиш ва ёзиш компетенциясини ўргатиш

методикасини ишлаб чиқиш ва улар таъсирида инглиз тилининг керакли кенг фойдаланувчи терминларини аниқлашни назарда тутди.

Фармация йўналишида таҳсил олувчи талабаларга ўқиш ва ёзиш компетенцияларини ўқитиш учун махсус тартиб ўйлаб чиқишда тилдаги мавжуд терминларнинг касбий фаолиятга боғлаш мураккаб муаммо сифатида кўриб чиқиш самарали психологик ва лингвистик жиҳатдан таъсир ўтказди, чунки ўзларининг қўллаш доирасида мавжуд, ўзи сўзлашадиган тилларда шаклланган билим, малака ва малакаларни иккинчи тилда ривожлантириш янги ҳолатда ўргатишдан кўра қулайлик яратади. Табиий инглиз тилидаги янги асл тил алоқаси етарли бўлмаган воситалари ва усулларида фойдаланиш амалда фаннинг ўзлаштириш самарадорлигини пасайтиради. Бундай шароитда инглиз тилидаги терминларни ўқиш ва ёзиш орқали ўргатиш учун тилнинг психолингвистик хусусиятларини, тилнинг амалиётда қўлланиш алоқалари, мавжуд терминларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини аниқловчи методикани ишлаб чиқиш муҳимдир.

Тиббиёт соҳасида таҳсил олаётган талабалар учун ноодатий ҳисобланган икки тиллилиқ мураккаб ҳодисадир. Гарчи ўқув жараёни давомида лотин тилига қўплаб эътибор берилсада, мавжуд қўлланилаётган тиллардаги фарқлилиқ соҳавий фойдаланиш давомида яққол кўзга кўринади. 1.5-жадвалда юқоридаги тилларнинг фойдаланиш фоиз кўрсаткичлари бериб ўтилади.

1.5- жадвал

Ўрганилаётган тиллар	Оғзаки тилда қўлланилиши	Ёзма тилда қўлланилиши	Ўқиш жараёнида қўлланилиши
Лотин тили	0	47	20
Ўзбек тили	53	72	78
Инглиз тили	50	90	90

А.А.Залевская[52] фикрига кўра, ўрганилаётган тилдаги терминларда фойдаланиш даражаси вақт, замон ва макон имкониятидан келиб чиқиб

ўзгарувчандир, унинг аниқ қўллаш ва имкониятдан келиб чиққан ҳолатда амалга тадбиқ этиш омилларини аниқ сонда намоён этиб бўлмайди.

Шу муносабат билан, фармация соҳасидаги терминларни ўргатишни ривожлантиришнинг оптимал усуллари ва воситалари ёрдамида ўқиш ва ёзиш компетенциялари орқали ишлаб чиқиш зарурдир. Яна шунга аҳамият бериш лозимки, “Навбатма-навбат ишлатиш амалиёти”[32] терминлардан фойдаланиш жараёнида амалиёт ва ҳаётий жараёндаги ўзгаришларга ҳам аҳамият бериш лозим.

Инглиз тилидаги фармация терминларини таҳлил қилиш жараёнига чуқурроқ контекст орқали кириш юқоридаги икки ҳолатни фарқлай олишга ёрдам беради. Соҳага доир матнларни ўқиш ва матнга оид машқларни бажариш давомида ундаги терминларни чуқурроқ тушуниб таҳлил қилиш доминант хусусиятга эгалик қилувчи ҳолатни иккиламчи жараёндаги яъни соҳадан ташқари ҳолатини аниқлаштиришга кўмаклашиш орқали қўлланилувчи терминни талаба фаолиятида фаол қўллайди.

А.А.Залевская[52] томонидан илгари сурилган қуйидаги фикрларни ҳам таҳлил қилсак, инглиз тилидаги терминларни тиббиёт институтларининг фармация йўналиши талабаларига ўқиш ва ёзиш орқали ўқитиш ҳам қуйидаги мезонлар билан тавсифланади:

- тил муҳитининг мавжудлиги; (ўқув жараёнида лотин тили орқали кўплаб терминларни ўзлаштириб боришлари ва икки тилнинг ўхшаш жиҳатлари аниқлиги)

- алоқанинг табиий ҳолатлари; (соҳавий амалий машғулотлар давомида дори таркиби, рецептлар билан ишлашлиги ҳамда узвий дори таркибининг ўрганиб боришлари)

- кўп ўқиш ва ёзиш амалиёти. (амалиёт давомида лабораторияларда дори таркиби ёзиб бориш ва доимий равишда таркибий қисмларни ўқиш)

- чексиз мулоқот вақтига эгамаслик, (бу эса оғзаки нутқни доимий фойдаланувчи компетенциялар орқали ривожлантиришни талаб этади)

Табиий инглиз тилидаги терминларни ўрганиш фармация йўналишида таҳсил олувчи талабалар томонидан ўзлари учун қулай ва фойдали стратегиялардан фойдаланишни ўз ичида олади.

- кўплаб ўқиш амалиёти орқали тилни маълум босқичда “ушлаш”;
- асосан онгсиз таҳлил, синтез, таққослаш, таснифлаш жараёнлари;
- автоматлаштирилган сўз танлаш операциялари ва нутқий соҳавий терминларнинг устунлиги;
- барча тиллар учун ягона терминлар базасини яратиш,
- табиий алоқа шароитида параллел тиллар терминологиясини шакллантириш;
- билиш мумкин бўлган, айтилган, эшитилган терминлар маъносига эътибор қаратиш.

Демак, юқоридаги ўрганиш ва солиштиришлардан келиб чиқиб, инглиз тилидаги терминларни фармация йўналишидаги талабаларга ўқиш ва ёзиш орқали ўргатишни методикасини ишлаб чиқишнинг муҳим босқичи тил терминларидан фойдаланишдаги ўхшашлик ва фарқларни универсал ва алоҳида аниқлашдир, бу усулда таққослаш, изоҳлаш, ўхшатиш ва бошқа лингвистик усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Инглиз тилидаги терминларни мавжуд тилдаги бор терминлар билан матнларни ўқиш орқали аниқлаш ва таҳлил қилиш жараёнини машқлар орқали мустаҳкамлаш аралашув механизмини яратишга ёрдам беради. Контекст орқали инглиз тилидаги терминларни ўрганиш қарама–қарши ёндашув, тил тизимлари ўртасида сезиларли типологик фарқлар мавжудлиги лингвистик даражаларда хатоларнинг пайдо бўлишини олдини олади. В.В.Колышкин[65] таъкидлашича, матнда ўрганилган терминларни машқлар ишлаш жараёнида таҳлил қилиш давомида “олдиндан олинган маълумотларнинг изи кейинроқ келадиган маълумотлар изининг шаклланишига таъсир қилади” деб ёритилинади.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаймизки, лингводидактик мослашувнинг уч даражасини (лингвистик, нутқий ва коммуникатив–когнитив) аниқлаш терминли ўрганиш ҳодисаларини мувофиқлаштириш усуллари фарқлаш

учун муҳим омил бўлади. Бу маълумотни вақтинчалик сақлашни олдини олиш ҳолатидан узоқлашиш имконияти билан таъминлайди ва инглиз тилидаги терминларни соҳавий қўллашни ўқиш ва ёзиш малакалари орқали ўргатишда малака ва малакаларни ўтказишни фаоллаштиради.

Биринчи боб бўйича хулосалар

1. Илмий–техника тараққиётининг жадаллашуви шароитида терминология алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ҳар қандай фан ва техника соҳаси терминларда ўз ифодасини топади. Терминологияни билмасдан ўрганиш мумкин бўлган деярли бирорта билим соҳаси мавжуд эмас. Маҳаллий ва хорижий адабиётларда фармацевтикага оид терминлар тадқиқига бағишланган кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилганлиги аниқлаштирилди.

2. Бугунги кунда фармацевтика соҳасига бўлаётган янгиликлар фармацевт-талабаларнинг инглиз тилидаги билим, малака, малакаларини ривожлантиришни, уларнинг соҳага оид ахборотларни тўплаш, керакли маълумотларни аслиятда ўқиш, фармацевтикага оид терминларни ўрганиш ва улардан касбий соҳада фойдаланиш заруратини юзага келтирмоқда. Фармацевтика йўналишида талабаларни инглиз тилида эркин касбий мулоқот юритишга ўргатиш бўлажак фармацевтларнинг соҳавий–касбий билимларини ошоришга ёрдам беради.

3. Инглиз тили амалий машғулотларини мутахассислик фанлари билан интеграция қилган ҳолда касбий-соҳавий фаолият юритиш учун эгалланадиган билим, малака ва малакалар билан бирга мутахассис муайян шахсий фазилатлар (вербал ва новербал, оғзаки ва ёзма мулоқот юритиш, мижозларга хизмат кўрсатиш, дори воситасини тавсия қилишда вазиятга мос тўғри қарор қабул қилиш) касбий компетенцияларга эга бўлиши муҳим ўрин тутди.

4. Чет тил амалий машғулотларида ёзма нутқни ўргатишнинг мақсади талабаларнинг ёзма белгилар, сўзларнинг имлоси, луғат ва грамматика, ёзма матнларнинг таркиби, ҳар хил турдаги ёзма хабарларни яратиш қобилиятини

ўз ичига олган коммуникатив компетенциясини ривожлантиришдан иборат эканлиги исботланди.

5. Ёзиш малакасини шакллантириш учун бир неча машқлар типологиясини кўриб чиқилди. а) Тайёрловчи машқлар – бундай машқлар айнан ёзиш малакаси учун махсус мўлжалланмаган бўлиб, келгусида ёзиш малакасини шакллантириш учун хизмат қилади. б) Топшириқли машқлар – бундай машқлар асосан ёзиш малакасини шакллантиришда учраши мумкин бўлган маълум муаммоларга қаратилган бўлиб, унда талабалар ўзлари матн ишлаб чиқармасдан, мавжуд матн билан ишлаб, уни вариантларга ажратиб, ўқиб тушуниш ва ёзиш малакасининг фарқли ва ўхшаш томонларини ўзлаштиришади. в) Структуралашга хизмат қилувчи машқлар – бундай машқларда асосан талабанинг меҳнати талаб этилади. Машқ натижасида оғзаки ёки ёзма матн юзага келади. г) Креатив ва эркин ёзиш учун машқлар – бундай машқ турлари матн наъмунасиз эркин матн яратишни талаб этади. Матн яратувчиси ўз матнида ўзининг фикрларини, хиссиётларини акс эттиради. Креатив ёзиш деганда ижодий ёзиш тушунилади. Бундай машқ турларига ассоциограмм, кластер, аудио, визуал ёки вербал туртки ёрдамида гипотеза яратиш кабилар киради. д) Ҳаққоний коммуникатив жараёнларга боғлиқ бўлган машқлар – бундай машқлар ҳаётимизда учрайдиган реал жараёнларда йўналтирилган машқлар бўлиб, табрик хатлари, хатлар, баённомалар, формулярлар ва шунга ўхшаш нарсалар бўлиши мумкин.

6. Чет тил амалий машғулотларига қўйилган мақсадга қараб ўқишнинг қуйидаги турларига ажратилди:

- матнни тўлиқ тушунган ҳолда ўқиш, ўқиладиган материал ҳақида умумий тасаввурга эга бўлишни ўз ичига олади.

- асосий таркибни тушунган ҳолда ўқиш(батафсил маълумотни тинглаш). Инглиз тилида янги сўзларни керакли ибораларни ўрганиш учун ўқиш матнидаги барча маълумотларни тўлиқ, аниқ ва танқидий тушунишни таъминлайди.

II БОБ. ТИББИЁТ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ФАРМАЦИЯ ЙЎНАЛИШИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ ЎҚИШ ВА ЁЗИШ МАЛАКАЛАРИ ИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

2.1 Тиббиёт институтларида инглиз тили амалий машғулотларида ўқиш ва ёзиш техникаларини ўргатишдаги қийинчиликлар.

Шахс фикрининг шаклланиш жараёни нутқни ифодалашнинг восита ва усуллари танилгандан иборатдир.

Фаолиятнинг ижро, амалга ошириш босқичи гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзув сифатида намоён бўлади. Фикр нутқ фаолиятининг предмети, тил унинг воситаси, нутқ эса чет тил амалиёти учун фикрнинг шаклланиш ва ифодаланиш усули деб белгиланади [103:143–144].

Чет тилда нутқ фаолиятининг репродуктив (гапириш, ёзув) ва рецептив (тинглаб тушуниш ва ўқиш) турларини эгаллаш бир–биридан фарқ қилади. Ҳозирги кундаги чет тил ўқитиш методикасида нутқий малакаларни эгаллаш нутқ фаолияти назарияси (психоллингвистика) маълумотларига мувофиқ таҳлил этилади.

Билимлар – одамларнинг ижтимоий–тарихий амалиёти жараёнида тўплаган умумлашган тажрибасидир. Дидактик атама *билим* таълим мақсадига мувофиқ келадиган, ўзаро бир–бири билан узвий боғлиқ бўлган ахборот(маълумот)лар тизимини ифодалайди [69:55]. Чет тил методикасида билим тушунчаси қамровига нутқда лексика, грамматика ва талаффузни ўзлаштириш ва уларга оид содда қоидаларни билиш киради. Бизнингча, билимнинг бош мезони унинг амалиётга бевосита татбиқ этилишидир. Билим нутқ фаолияти учун ўта зарур бўлган, уни такомиллашиб боришида восита вазифасини бажарадиган омиллардан биридир.

Ўқиш нутқ фаолиятининг бир тури сифатида унинг бошқа турлари билан чамбарчас боғлайди. Аввало, бу ёзув билан боғлиқ, чунки ўқиш ҳам, ёзиш ҳам тилнинг график тизимига асосланади. Ўқиш ва ёзиш талабаларнинг коммуникатив ва когнитив фаолиятининг энг муҳим турларидан биридир.

Ушбу фаолият ёзма қатъий матндан маълумот олишга, ҳамда шу асосида маълумот беришга қаратилган.

Ўқишнинг шахс тарбиясидаги ўрни бекиёс бўлиб, у том маънода маънавий-маърифий озуқа олиш йўлидаги нутқий фаолият, ҳаракат туридир. Рецептив нутқ фаолияти тури ҳисобланмиш ўқишни ўргатишдан инглиз тилида умумтаълимий мақсад кўзда тутилади.

Ўқиш график коддаги ахборотни ундан бутунлай фарқ қиладиган товуш кодига ўтказиш жараёни, ҳарфий белгиларда ифодаланган ёзма нутқий ахборотни идрок этиш ва унинг мазмунини тушуниш, ўзлаштиришга қаратилган нутқий фаолият туридир [51:218].

Ўқиш турли функцияларни бажаради: у чет тилни амалий ўзлаштириш учун хизмат қилади, тил ва маданиятни ўрганиш воситаси, ахборот–маърифий фаолият воситаси ва ўз-ўзини тарбиялаш воситасидир.

Маълумки, ўқиш мулоқот фаолиятининг бошқа турларини ривожлантиришга ёрдам беради. Айнан ўқиш мактаб талабаларини чет тил орқали тарбиялаш ва ҳар томонлама ривожлантириш учун энг катта имкониятларни беради.

Е.И.Пассовнинг таъкидлашича, чет тилни ўқитишдан кўзланган мақсад тилни ўрганиш эмас, ёки нутқни “фикрни шакллантириш ва ифодалаш усули” эмас, ҳаттоки нутқ фаолияти турлари – гапириш, ўқиш, тинглаб тушуниш ва ёзишни ўргатиш ҳам эмас, балки, кўрсатилган нутқ фаолияти турларини мулоқот воситаси сифатида ўзлаштиришга қаратилмоғи зарур [90:63].

Дастлабки босқичда терминларни ўқишга ўргатишда талабани тўғри ўқишга ўргатиш, яъни графемаларни овоз чиқариб айтишга, терминларни маъновий боғлаб ажратиб олишга, яъни матн маълумотларини тушунишга, баҳолашга ва ундан фойдаланишга ўргатиш муҳим аҳамиятга эга техникадир. Ўқиш техникаси деганда, биз нафақат товуш ва ҳарфнинг тез ва аниқ ўзаро боғлиқлигини, балки товуш–ҳарф лигаментининг ўқиётган нарсанинг семантик маъноси билан боғлиқлигини ҳам тушунамиз. Айнан ўқиш

техникасини ўзлаштиришнинг юқори даражаси ўқиш жараёнининг ўзи натижасига – тез ва сифатли маълумот олиш имконини беради. Бироқ, агар талаба тилни яхши билмаса, товушларни қандай такрорлашни билмаса ёки тўғри такрорламаса, бу мумкин эмас.

Ўқишга ўргатишда ўқишга қизиқишни уйғотиш ҳам муҳимдир. Талабаларга таклиф этилаётган матнлар мазмуни уларнинг когнитив ва эмоционал эҳтиёжларига, интеллектуал ривожланиш даражасига мос келса, инглиз тилида ўқишга бўлган эҳтиёж қондирилади. Матнлар маълумотли, жанр ва мавзулар жиҳатидан хилма-хил бўлиши керак, бу эса ўз навбатида нутқ фаолиятининг ушбу турини муваффақиятли ўзлаштиришда муҳим омил ҳисобланади.

Чет тил амалий машғулотларида ўқиш техникасини ўзлаштириш, талабалар оғзаки-мантиқий, назарий фикрлаш асосларига эга. Сўнгги йилларда инглиз тилида чет эл маданияти ва ўқиш техникасини ўргатиш жараёнида талабанинг шахси, субъекти, шахсияти, ўзига хослиги ва индивидуаллаштириш тамойилини ҳам, чет тили маданиятини ўзлаштиришга комплекс ёндашув тамойилини ҳам ўзида мужассамлаштирган материаллар орқали ўқитишда имкон қадар кўпроқ салоҳиятига таянишга ҳаракат қилинмоқда.

Чет тилларни ўргатишнинг биринчи йили ушбу қобилиятларни аниқлаш ва ривожлантиришни таъминлайди, уларсиз тилни муваффақиятли ўзлаштириш мумкин эмас: а) фонетик эшитиш; б) тақлид қилиш қобилияти; с) тахмин д) лингвистик қолипларни аниқлаш қобилияти; е) эҳтимолли прогнозлаш қобилияти; ф) семантик алоқаларни ўрнатиш қобилияти.

Психик функцияларга келсак, бу ерда асосий вазифа қуйидагилардан иборат: а) визуал идрок бирликлари; б) оператив эшитиш хотирасининг ҳажми; в) ихтиёрий ёки ихтиёрсиз диққат.

Бундан ташқари, ўқув материаллари муаллифлари субъектив (масалан, ўрганиш қобилиятини ривожлантириш) ва шахсий (масалан, коммуникатив мотивация муаммоси) индивидуаллаштиришнинг таркибини очиб беради.

Е.Н.Соколова[107] фикрича, “Оғзаки нутқ ва ўқишни бир вақтда ўргатиш” мақсадга мувофиқ деб топди. Бундан ташқари, машғулотлар параллел, ўзаро боғлиқ бўлиши керак.

Г.В.Рогова[97] инглиз тилида ўқишни ўрганишнинг ҳам график тасвирни, ҳам расмни ўз ичига олган калит сўз билан тўлиқ тизимини (онг принципи асосида) таклиф қилади. Ўқиш тезлигини, талабаларнинг сўзга реакция тезлигини ривожлантириш учун сўзлар ёзилган тарқатма материаллардан фойдаланиш, дарсликда келтирилган машқлардан сўзларни тез ва тўғри ўқиш бўйича мусобақалар ўтказиш кабиларни ўз ичига олади.

Қоидаларга зид бўлган сўзларни ўқишга ўргатиш мумкин:

- товуши бир хил бўлган сўзларга асосланиб, қоида бўйича ўқиш;
- қисман транскрипсиядан фойдаланиб, шу товушни билдирувчи мос келадиган ҳарфларни танлаш;
- тўлиқ транскрипсия ёрдамида ўқиш;
- ўхшатиш бўйича ўқиш.

Ўқиш техникасини такомиллаштириш коммуникатив маҳорат сифатида ўқиш бўйича иш билан узвий равишда амалга оширилади. У ўқишнинг уч турини ўзлаштиришни таъминлайди: кўриш, кириш ва ўрганиш.

Ўқишни қидириш ва кўриш матн мазмуни ҳақида энг умумий ғояни олишга қаратилган. Талаба матндан фақат ўзини қизиқтирган маълумотни қидиради. Кириш ўқиш – матндан асосий маълумотларни олиш, асосий мазмун ҳақида умумий тасаввурга эга бўлиш, матннинг асосий ғоясини тушунишни ўз ичига олади.

Ўқишни ўрганиш матн мазмунини тўғри ва тўлиқ тушуниш, олинган маълумотларни қайта ҳикоя қилиш, конспект ва бошқаларда такрорлаш билан ажралиб туради.

“English in pharmacy” амалий машғулотларида ўқиш учун материал сифатида турли жанрдаги матнлар таклиф этилади. Матнлар ўрганилаётган тил мамлакати ҳаёти ва маданиятининг ўзига хос хусусиятларини акс эттиради, амалий машғулотлик соҳавийликка мос келади. Ўқишни ўрганиш

нутқни ўрганиш билан чамбарчас боғлиқ. Ўқиш жараёнида олинган барча маълумотлар матндан кейинги топшириқлар ёрдамида оғзаки нутққа айланади. Бироқ, ўқиш малакаларини ривожлантириш жараёнида жуда кўп қийинчиликларни енгиб ўтиш керак. Инглиз тилида соҳавий ўқишни ўрганишдаги қийинчиликлар:

1. Масалан, ўзлаштириш даражаси A1–A2 бўлган йўналиш талабаларида инглиз тилида ўқишни ўрганишда мавжуд бўлган лингвистик материалнинг етарлича кучли эшитиш – нутқ – мотор тасвирларининг етишмаслиги. Ушбу жараённи енгиб ўтишда фақат ёзма нутқ қўл келиши мумкин.

Дастлабки курс талабалар товушлар, бўғинлар, сўзлар ва ҳатто кичик ибораларнинг артикуляциясини ишлаб чиққандан кейин ўқишни бошлайдилар. Шу билан бирга, ёзма кириш курсига келсак, таъкидлаганимиздак, ўқув материални дастлабки ёзма таржима қилиш орқали ишлаш мазмунни тушунишга тўсқинлик қиладиган баъзи қийинчиликларни бартараф этишга ёрдам беради. Аммо, фақатгина ёзма нутқ билан амалий машғулот жараёнини ўтказиш ҳали инглиз тилида ўқиш техникасини муваффақиятли ўзлаштиришни кафолатламайди.

2. Инглиз тилининг график белгилар тизимини ўзлаштириш зарурати ва уларни мукамал ўзлаштирилган тил товушлари билан боғлаш малакаларини шакллантириш амалий машғулот жараёнининг самарадорлигини оширади.

Талабалар турли йўллар билан ўқиладиган унлиларни, унинг бирикмаларини ва баъзи ундошларни ўқишда қийналади: Масалан: : breakfast – meat; why – who; this–think, her–farmer, corn – doctor; like–live; window–cow.

Талабаларга ёзилиши бошқача, лекин бир хил ўқиладиган сўзларни ўқишга ўргатиш керак: sun–son, two–too, write–right, sea–see.

Шу билан бирга, инглиз тилидаги кўплаб сўзлар қоидаларга мувофиқ ўқилмайди, бу эса талабаларни ҳаддан ташқари кўп ўқиш қоидаларини ва улардан истисноларни эслаб қолишга, шунингдек, ўқув материални

такрорлашга мажбур қилади. Бундан ташқари, график белгиларни идрок этиш ва овоз беришнинг ўзи уларни танлаш ва талабанинг узок муддатли хотирасида мавжуд бўлган стандартлар билан таққослаш натижасидан келиб чиқади. Исталган қонидани ва товуш-ҳарф ёзишмаларини эслаш анча вақтни талаб қилади, баъзан бу охир-оқибат ўқишга бўлган қизиқишни пасайтиради, аниқроғи, талабага танланаётга ўқиш методикасини танлашда чуқур мулоҳаза ва танлов қўйилиши кераклигини талаб қилади.

Ф.Ш.Алимов[16] ёзма нутққа қуйидагича таъриф беради: “Ёзма нутқ мураккаб психофизиологик жараён бўлиши билан характерланиши оғзаки нутққа нисбатан структурал жиҳатдан кенглиги, тўлалиги, фикрнинг аниқлиги, тизимли баён қилиниши ва боғловчи элементларнинг кўплиги билан фарқланади”. Ёзма нутқ фикрни ёзма график белгилар асосида ифодалаш, яъни тасвирлаш, хабар бериш, ёзма мунозарага киришиш билан характерланади.

Фармация йўналишида таҳсил олаётган талабаларга ўқиш қийинчиликларини бартараф этишнинг баъзи усуллари:

–ўқиш техникасини муваффақиятли ўзлаштириш учун бошланғич курсда ҳар бир амалий машғулотда фонетик машқларни бажариш керак (товуш-ҳарф ёзишмалари учун машқларни бажариш, кичик сўз бирикмаларни, мураккаб товушларни ўргатиш учун терминлар иштирокидаги сўз бирикмаларини ўрганиш)

–ўрганилган материал асосида янги сўзлар билан ўқув машқларини бажариш (янги терминни аллақачон таниш бўлган сўз бирикмалари билан ўқинг, у ёки бу ўхшаш талаффуздаги терминларни сўз бирикмалари билан боғланг, сўзларни мос келадиган контекст билан боғланг).

–у ёки бу матнни ўқишдан олдин, аввало унда келтирилган терминологик луғатни ишлаб чиқиш керак (ўқув машқлари, оғзаки диалог шаклида).

–талабаларда башорат қилиш, тахмин қилиш, аниқлаш механизмларини шакллантириш, таҳлил қилишга, матндан лингвистик ёрдамни топишга, керак бўлганда луғатдан фойдаланишга ўргатиш керак.

– яхши ўзлаштирилган лексик ва терминологик материал бўйича ўқиш техникасини ўргатиш.

– матнлар маълум бир соҳавий даврига мос келадиган дастур асосида танланиши керак.

–талабаларнинг ёш хусусиятлари, нутки ва ҳаётий тажрибаси, қизиқишларига мос равишда матн танлаш;

–матнлар ҳажми рухсат этилган даражадан ошмаслиги керак (таъкидлаш жоизки, "English in pharmacy"нинг сўнгги амалий машғулотларида ўқиш учун жуда узун матнлар мавжуд бўлиб, уларни амалий машғулот давомида ўқиш қийин бўлади)

–матнлар қизиқарли ва ҳаётийлик сюжети билан ажралиб туриши, лингвистик қийинчиликлар нуқтаи назаридан қулай бўлиши, умуминсоний қадриятлар нуқтаи назаридан долзарблиги билан ажралиб туриши, муаммони ўз ичига олиши керак. Юқоридаги қийинчиликлар ёзма нутқ фаолиятини ҳам шакллантиришда ҳам учраб туради.

Ёзма нутқ фаолияти фикрнинг ёзма сўзда мақсадли ва ижодий бажарилиши, ёзма нутқ эса ёзма тил белгиларида фикрни шакллантириш усулидир. Талабаларнинг ёзма малакалари кўпинча нутқ фаолиятининг бошқа турлари бўйича ўрганиш даражасидан анча орқада қолади.

Ёзма нутқни ўргатишнинг мақсади талабаларнинг ёзма коммуникатив компетенциясини ривожлантиришдан иборат бўлиб, у ёзма белгиларга эга бўлишни, ёзма нутқ ишининг мазмуни ва шаклини ўз ичига олади.

Ёзма нутқни ўргатишда ҳал этилиши лозим бўлган вазифалар ёзма нутқни ўргатиш мазмунини ўзлаштириш учун шароит яратиш билан боғлиқ. Бу вазифалар талабаларда зарур график автоматизмларни, нутқий фикрлаш малакаларини ва ёзма услубга мувофиқ фикр юритиш қобилиятини шакллантириш, билим ва дунёқарашни кенгайтириш, ёзма ишнинг

мазмунини яратиш маданияти ва интеллектуал тайёргарлигини ўз ичига олади.

Фармация йўналишида таҳсил олаётган талабаларга ёзма нутқни ўргатишда ҳар қандай педагог бир қатор қийинчиликларга дуч келиши аниқ. Биринчи қийинчиликлар тўплами нутқнинг ёзма шаклини ўзлаштириш жараёнининг давомийлиги, шунингдек, ушбу муаммони ҳал қилиш учун дастур томонидан ажратилган ўрганиш вақтининг етарли эмаслиги билан боғлиқ. Яна бир қийинчиликлар тўплами нутқ фаолиятининг мақсадли тури сифатида ёзма нутққа талабнинг йўқлиги (иш фаолияти давомида оғзаки нутқга бўлган эҳтиёж ошганлиги), ёзма нутқнинг шахснинг лингвистик ва интеллектуал ривожланиши учун имкониятларини етарли даражада баҳоламаслик билан боғлиқ.

Ёзма тилни ўрганишдаги қийинчиликлар психологик мураккаблик билан ҳам изоҳланади. Маълумки, ёзиш давомида сўз бирикмаларини боғланишлар мажмуасидан фойдаланиш керак: эшитиш–нутқ–мотор, кўриш–эшитиш ва нутқ–мотор–мотор–график боғланишлар. Ёзма нутқ одатда содир бўладиган шароитларга кўра оғзаки нутқ жараёнидан кўра анча мураккаблашади. Оғзаки мулоқотда айтилмаган ёки умуман эътибордан четда қолиши мумкин бўлган нарса ёзма мулоқотда ўзининг тўлиқ ифодасини топиши керак. Ёзма нутқ иложи борица аниқ ва батафсил бўлиши керак, чунки у коммуникатив функцияни бажаради.

Шуниси эътиборга лойиқки, агар оғзаки нутқ тингловчини доимий равишда рағбатлантириш ва назорат қилишни таъминласа, ёзма нутқда бундай имконият мавжуд эмас. Бундан ташқари, агар оғзаки мулоқот пайтида маърузачи бир қатор ёрдамчи воситалардан (имо–ишоралар, мимикалар, интонациялардан) фойдаланиши мумкин бўлса, ёзма нутқдан фойдаланганда бундай ҳолат такрорланмайди.

Психологлар талаба эшитган материални 10% ўзлаштиришини, 20% кўришни, 30% эшитиб кўришни, 50% ёзиб олишини, гапирганда 70%, дўстингизга ўргатишда 90% эканлигини аниқладилар.

Амалий машғулот давомида қўлланиладиган услубий компонент талабалар томонидан ёзма топшириқларни бажариш техникаси ва усулларини ўзлаштиришни ўз ичига олади, бу графика, имло ва бошқаларни осонроқ ва самаралироқ ўзлаштиришга ёрдам беради.

Ёзишни ўрганишдаги қийинчиликлар:

–ёзма нутқни ўргатиш жараёни фикрни ифодалашнинг терминлар ҳамда терминлар билан боғланувчи сўз бирикмалари ўртасидаги номувофиклик туфайли доимо мураккаблашади;

–ёзма баёнот ўзининг коммуникатив вазифасини бажариши учун аниқ ва тўлиқ бўлиши керак;

–ёзма нутқни таъсирли ва унумдорлигини ошириш учун ифодали интонациядан фойдаланишнинг иложи йўқ;

–ёзма иш махсус грамматик ва синтактик дизайнни талаб қилади.

Бундан ташқари, талабалар қуйидаги қийинчиликларга дуч келишади:

–чекланган сўз бойлиги (айнан бошланғич курсларда);

–имло ва грамматик хатолардан қўрқиш (терминларни ўқилиш ва ёзилиш ўртасидаги мутаносибликлар);

–ўз–ўзини ташкил этиш, режалаштириш қобилиятининг чекланганлиги (соҳавий амалий жараённи ташкиллаштириш учун етарли даражада малакага эга бўлмаслик);

–ғоялар ёки уларни ифодалаш усулларининг етишмаслиги;

–мотивациянинг етишмаслиги.

Фармация йўналишида таҳсил олаётган талабаларга инглиз тилини ўргатишда ёзма нутқ фаолиятининг учта асосий тури қўлланилади:

1. Бошқариладиган ёзиш:

– хат ёзиш;

– соҳавий терминларнинг ёзилиши;

– жумлаларни ёзиш (ёки тажриба натижаларини ёзиш).

2. Йўналтирилган ёки йўналтирилган ёзиш.

Ҳисобот муайян топшириққа мувофиқ бажарилади.

3.Эркин ёзиш – шуни эсда тутиш керакки, ёзишни ўргатиш нутқ фаолиятининг бошқа турлари – тинглаш (диктантлар, баёлотлар, бўшлиқлар ва жадвалларни тўлдириш), ўқиш (матндан кейинги машқлар, саволларга жавоб бериш, ҳикояни яқунлаш, тафсилотларни қўшиш), нутқ (интервьюлар, сўнгра ёзма тақдимот маълумотлари, иккала томоннинг далилларини ёзиб олган жуфтлик ёки гуруҳ муҳокамаси) билан амалий машғулот фаолияти давомида чамбарчас боғланиб олиб борилса мақсадга мувофиқлашади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, самаралироқ ёзиш ва ёзишни ўрганиш, тилнинг бошқа ҳар қандай жиҳатини ўрганиш каби, доимий равишда ривожланиб бориши керак бўлган мотивацияни талаб қилади. Талабалар кўпинча улар дуч келадиган қийинчиликлар, шунингдек, мотивация етишмаслиги туфайли жуда истаксиз ёзадилар. Талабаларни ёзиш билан уйғунлашган амалий машғулот жараёнларига қизиқтириш, ёзма нутқни ўзлаштириш муҳимлигини таъкидлаш керак. Бу машаққатли иш бўлиб, агар тўғри ташкил этилса, доимий равишда соҳавий фаолиятда ижобий натижалар беради. Амалий машғулотда ўйин технологиялари, замонавий техник воситалар, ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланган ҳолда талабаларни ёзишга қизиқтириш зарур, бу амалий машғулотни янада фойдали қилади ва талабаларни рағбатлантиришга ёрдам беради.

Талабаларни ёзма нутқни тўғри шакллантиришга ўргатиш, ёзма нутқнинг барча хилма-хил шакллари тушуниш, шаклни тўғри мазмун билан тўлдиришга ўргатиш учун машаққатли тинимсиз иш олиб бориш керак. Диктант бунинг учун яхши имкониятлар яратади. Педагог терминларни иштирок эттирган ҳолда репродуктив ва ижодий диктантлардан фойдаланиши мумкин. Диктантлар ҳудди ўрта мактаб сингари бошланғич босқичлардаги амалий машғулотлардан бошланиши керак. Соҳавий терминларни яхшироқ эслаб қолиш учун талабаларга ўзлари луғат диктантини тузиш, сўзларга этишмаётган ҳарфларни киритиш, имло хатоларини тузатиш тавсия этилади ва шу методлар орқали гуруҳ

талабаларининг билимини баҳолашни тез ва аниқ ташкил қилиш имконини беради.

Ёзиш малакасини шакллантиришда талабаларнинг ижодкорлигини ривожлантирувчи топшириқлардан фойдаланиш зарур. Тажриба шуни кўрсатадики, инглиз тилида ёзиш малакалари ўрганишда фойдали ва жуда самарали вазифа – бу моделга тақлид қилиш. Яъни намуна асосида келтириб ўтилган матнга ўхшаш матн ёзиш.

Бундай топшириқлар талабаларнинг ижодий қобилиятларини, ривожлантиради; ҳамкорлик ва биргаликда ижод қилиш малакаларини шакллантириш; ўзини намоён қилиш, ўз шахсийлигини намоён қилиш имкониятини яратиш; ўзига ишончини ва ўрганилаётган материалга онгли муносабатини оширади.

Кўп босқичли ижодий вазифаларни амалга ошириш нафақат ўқув материални ўзлаштиришга ёрдам беради, балки талабаларнинг мотивациясини оширади, ўз–ўзини ҳурматини оширади ва муваффақиятга эътибор беради.

Фармацевтика бўйича таҳсил олаётган талабаларнинг маъмурий ва клиник курслар давомида оғзаки маслаҳат бериш қобилиятларини ривожлантиришга кўплаб эътибор қаратилган, бу эса талабалар орасида мулоқот қобилиятларини устувор йўналишга айлантирди. Педагоглар ушбу соҳа талабаларининг инглиз тилидаги ёзиш қобилиятига унчалик аҳамият бермайдилар, аммо барча амалий шароитлар фармацевтларни ёзиш амалий малакалардан узоқда ушлаб турмайди, масалан йиллик ҳисоботлар, баҳолашлар, журналга таҳлилий хатлар, тавсияномалар, нашр учун мақолалар ёзиш ёки янги клиник хизматларга таклифлар ёзишни ўз ичига олган кўплаб вазифалар ёзма тарзда амалга оширилади. Баъзи фармацевтларнинг иш фаолияти бўлса, маъмурият ва дори воситалари билан боғлиқ маълумотларни доимий ёзишни талаб қилади. Бошланғич курс талабалари уларга берилган материални нафақат бир тилда, балким инглиз тилида ҳам ўзлаштириши ва жаҳон стандартларига мос мутахассис бўлиб

етишиш учун ёзув фармацевтика таълимининг асосий таркибий қисми сифатида чет тил ўқув дастурларига киритилиши керак деб ҳисобланади.

Ёзиш жарангдор нутқ асосида, инсоният билими ва тўпланган тажриба омбори, ҳар бир мамлакат маданияти ва анъаналарининг кўзгуси сифатида пайдо бўлиб, чет тилни ўрганишда муҳим рол ўйнайди[37].

Инглиз тилининг ёзма нутқини ўргатиш муаммоси билан бир қатор хорижий тадқиқотчилар жумладан: Д.Н.Богоявленский, Л.С.Выгоцкий, Н.Д.Гальскова, Н.И.Гез, И.А.Зимняя, М.В.Ляховицкий, А.А.Миролюбов, А.Р.Лурия кабилар шуғулланган. Юқоридаги олимлар ёзишга турли таърифлар берадилар, лекин уларнинг барчаси ёзувнинг ниҳоятда кўп қиррали ва мураккаб ҳодиса эканлигини таъкидлайдилар. Турли муаллифларнинг ёзиш ва ёзма нутқнинг бир қатор таърифларини кўриб чиқсак.

Шундай қилиб, Е.И.Пассов[91] айтганидек, ёзиш нутқ фаолиятининг асосий мустақил турларидан бири бўлиб, у икки даражада амалга оширилиши мумкин: репродуктивлик ва маҳсулдорлик.

Г.В.Рогова[98] учун ёзиш – бу одамларга график белгилар тизими билан мулоқот қилиш имконини берадиган мураккаб нутқ.

Е.Н.Соловова[108] фикрича, ёзиш – бу мураккаб нутқ маҳорати, товушли нутққа қўшимча алоқа воситаси бўлиб, у график белгилар тизими ёрдамида амалга оширилади. Ёзишни ёзма матнни давом эттириш ва мустаҳкамлаш билан боғлиқ бўлган самарали аналитик ва синтетик фаолият сифатида белгилайди.

Ж.Жалолов[146]нинг таърифига кўра, фаолият назариясига биноан ёзув, гапириш сингари фикрни шакллантириш ва ифода этиш усулидир.

А.Н.Леонтиев[149] методологиясида ёзма нутқ – алоқа эҳтиёжларига мувофиқ фикрни ифодалаш учун сўзларни ёзма равишда бирлаштира олиш қобилиятидир.

Ўзиш ва ёзиш қобилиятлари

Ўзиш қобилиятлари	Малакаларни ўзлаштиришдаги қийинчиликлар	Малакаларни ривожлантириш машқлари
Хаттотлик	– она тили ва чет тиллардаги алифболарнинг мос келмаслиги; (ўзбек ва инглиз тили ҳарфларида бу ҳолат кам кузатилади) – товушларнинг ўрганилаётган тилларда номувофиқлик	– керакли сўз бирикмаларнинг тагини чизиш; – матн ва жумлалар кўчириб ёзиш,
Графика	– турли товушларни билдирувчи ҳарфлар ва ҳарф бирикмаларини ёзиш; – она тили ва инглиз тилида ёзиш шаклларидаги номувофиқлиги; – синонимик ҳарф белгиларининг мавжудлиги	– гап ва иборалар ёзиш; – ўзаро диктант ўтказиш.
Имло	– товуши ва уни график тасвирлаш ўртасида мавжуд бўлган номувофиқлик; – бир хил сўзлардаги ҳарф-товушларнинг бир-бирига мос келмаслиги, масалан, бир томондан ёзиш осон, лекин ўқиш қийин, бошқа томондан, аксинча, ўқиш осон, лекин ёзиш қийин; – келиб чиқиш этимологиясидан бошлаб ёзилиши фарқли бўлган сўзлар имлоси.	– имло ва тиниш белгиларининг асосий қоидаларини ўзлаштириш мақсадида матндан нусха кўчириш; – синоним сўзлар; бир мавзуга оид омографлар, лексемаларни ёзиш; – саволларга ёзма жавоб бериш; – матн асосида саволлар ёзиш; – матнга режа тузиш; – гаплардаги хатоларни топинг; – диктантни тури усулда ёзиш: кўриш-эшитиш ва ўз-ўзини диктант қилиш
Тиниш белгилари	– мавжуд ва ўзлаштирилаётган тилдаги тиниш белгиларининг фарқлилиги	– тиниш белгиларини қўйиш (барча сўзлар бош ҳарф билан ёзилади); – керак бўлганда етишмаётган вергулларни қўйиш
Лексик–грамматик малакалар	Лексик қийинчиликлар: – лексик бирликларнинг полисемиялилиги; – лексик бирликларнинг кенг маънолилиги; – сўз ясалишининг турли усуллари; Грамматик қийинчиликлар: – гап тузилиш шаклларидаги фарқлар; – сўз таркибининг турлилиги; – мақол ва қатъий бирликлардан турлича фойдаланиш.	Луғат бўйича: – синоним ва антонимлик ҳолзатларни аниқлаш; – матнни мос сўзлар билан тўлдириш; – ошиқча сўзни ажратиб кўрсатиш; – лексик кроссвордни ечиш; – сўзларни жуфтлаб боғлаш. Грамматик билимлар учун: – феълларни қўйиш; – гапларни бош гаплар билан тўлдириш; – тўғри вариантни танлаш.
Композиция маҳорати	– она тили ва чет тилларида иншо ва хат ёзишнинг турли тузилмалари – жумлалар орасидаги мантиқнинг бузилиши	– берилган шакл асосида иншолар ёзиш; – хат қисмларини бирлаштириш; – матнни асосий қисмларга ажратиш – матн қисмларига сарлавҳа қўйиш.

Эътибор беринг, барча хилма-хиллик билан ёзиш ва ёзма нутққа таъриф бериб ўтмоқда. А.Н.Леонтева: “Ёзув – бу одамларга график белгилар

тизими ёрдамида мулоқот қилиш имконини берадиган мураккаб нутқ маҳорати.


Ёзув – мулоқот эҳтиёжларига мувофиқ фикрни ифодалаш учун ёзма сўзларни бирлаштира олишдир”– деган фикри бизнинг изланишларимиз натижасига ҳам яқинроқ келади.

Ёзиш ва ёзиш қобилиятларини тил ўрганувчи нофилологик таълим йўналиши талабаларида шакллантириш филологик факультетларга қараганда анча мураккаблик келтириб чиқаради. Ёзиш ва ёзиш қобилиятлари, ундаги қийинчиликлар ва уларни бартараф этишда таклиф қилиниши мумкин бўлган машқ турлари ҳақида қисқача маълумотни кўриб чиқсак.

Ушбу малакаларни шакллантиришда ёзиш уч қисмли тузилиш билан тавсифланади: рағбатлантирувчи–мотивацион, аналитик–синтетик ва тўлдириш. Рағбатлантирувчи– мотивацион қисмда мотив зарурат, эҳтиёж, кириш истаги шаклида намоён бўлади.

Аналитик–синтетик қисмда гаплар орасидаги алоқаларни семантик ташкил этишда асосий қисмдан ажралиб туради.

Ф.Ш.Алимов[16] томонидан ёзма нутқ малакаларини шакллантиришнинг беш босқичи ишлаб чиқилди.



2.1–расм. Ёзма нутқ малакаларини шакллантиришнинг беш босқичи

Биринчи босқичда ёзма ахборот тайёрлаш мақсади ва вазифаси баён қилинади, сўзларни ёзишдаги орфографик қийинчиликларга эътибор қаратилди, топшириқларни бажаришда компьютер ва тасвирни экранга тушириб берувчи воситалардан фойдаланилди.

Иккинчи босқичда мавзуга оид сўз техник воситалар ёрдамида намоёниш этилди, кластер услубидан фойдаланган ҳолда гаплар тузиш машқ қилинди.

Учинчи босқичда гаплар ўртасидаги мантиқий боғлиқликка эътибор қаратилди, ёзма нутқ компетенциясининг таркибий қисмларидан бири бўлиши фикрни равион ифодалаш машқ қилинди.

Тўртинчи босқичда талабаларда танқидий фикрлаш малакаларини шакллантириш ва уларни фаоллаштириш мақсадида бошқа талабалар томонидан тайёрланган ёзма матнларни ўқиб, ўз фикрини билдиришди.

Бешинчи босқичда ҳар бир талаба ўзи тайёрлаган матн хусусидаги бошқаларнинг фикрини ҳисобга олиб, матнни қайта ёзиб чиқди.

Ёзма нутқнинг намоён этувчи қисм маҳсулотни график белгилар ёрдамида маҳкамлашдан сўнг амалга оширилади, яъни матн тузиш учун зарур бўлган сўзлар, жумлалар танлови қилинади ва мавзуга мос хусусиятларига кўра тақсимланиш босқичидир, таърифлайди Г.В.Рогова[98].

Ёзма нутқ маҳсули ёзма матн эканлигидан келиб чиқиб, Т.Хедж[142] матн турларига қуйидаги таснифини беради.

2.2–жадвал

Study writing	Professional writing	Social writing	Personal writing	Creative writing
essays research reports summaries reviews annotations abstracts notes	Business letters Progress reports Resumes/CV Applications public notices contracts memoranda minutes advertisements	Notes letters invitations messages instructions	diaries journals reminders addresses recipes shopping lists packinglists	poems stories rhymes drama scripts lyrics

Матн турларининг яна бир таснифи Е.Н.Соловова[108] томонидан берилган: анкеталарни тўлдириш, резюмеларни тузиш, табрикномалар ёзиш,

шахсий расмий хатлар ва уларга жавоблар, шарҳлар, изоҳлар, ҳисоботлар, эслатмалар, иншолар, мақола кабилардир.

Ёзишни ўргатиш мазмуни қуйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олади: лингвистик, услубий ва психологик.

Ёзишни ўргатиш мазмунининг лингвистик компоненти. Айнан шу компонент ёзувдан чет тилни ўрганиш воситаси сифатида фойдаланиш имконини беради. Унинг мазмуни имло ёки сўзларни ёзишда ёзма белгилардан фойдаланиш қоидалари тизимини ўз ичига олади; ёзиш, унинг асосий вазифаси ёзилган нарсани чуқур англаш ва уни яхшироқ ёдлаш; ёзма нутқ, хат ёзиш, реферат ва изоҳлар ёзиш шулар жумласидандир.

Кейинги компонент – бу услубий компонентдан иборат. Ёзишни самарали ўрганиш учун ўрганилаётган тил графикани ўзлаштириш, имлоси, ёзиш, изоҳлаш, абстрактлаштиришни ўзлаштиришнинг амалий усулларини чуқур эгаллашдир[99].

Тил малакаларини ўрганиш жараёнида технологик ресурслар чет тилларини турлича ва самаралироқ ўрганиш учун жуда юқори салоҳиятни тақдим этганлиги сабабли, ўқитувчилар ўз талабаларини бугунги кунда интернетда бепул ва мавжуд бўлган ҳамда ривожланишни қўллаб-қувватлайдиган ушбу материалдан фойдаланишга ундашлари мақсадга мувофиқдир[151].

Ёзишни ўргатишнинг психологик таркибий қисми график ва имло малакаларини шакллантириш ва ёзма топшириқларни бажаришда улардан фойдаланиш қобилиятидир.

А.И.Каменский[57] таъкидлаганидек, ёзиш жараёни бир қатор психофизиологик компонентларни ўз ичига олган мураккаб фаолиятдир. Тилни ўзлаштириш жараёни шахснинг ички дунёси орқали, таълим фаолияти муваффақиятини белгиловчи руҳий омиллар мажмуасининг ўзаро таъсири билан амалга оширилади. Буларга идрок, хотира, диққат, фикрлаш киради.

Идрок воқеликнинг онгда бевосита ҳиссий акс этиши, ташқи олам ҳодисаларини идрок этиш, фарқлаш ва ўзлаштириш қобилиятидир[48]. Ёзиш

давомида талаба янги маълумотларни идрок қила бошлайди, тушунчалар ва кейинги вазифалар ўртасидаги учун зарур бўлган қайта ишланган маълумотларни жамлаш имкониятига эга бўлади.

Хотира – бу инсон онгида сақланган олдинги таассуротлар, тажрибалар, таассуротлар тўпламини онда сақлаш ва такрорлаш қобилияти[89].

Ёзишда қисқа муддатли (оператив) хотира муҳим рол ўйнайди, нофилологик мақсадда ўрганилаётган тилда жумлалар ва матнларни ёзишда нутқ мавзуси доимий равишда хотирада сақланиши керак. Шу сабабли ҳам операцион хотира ёзма мулоқотда фойдаланиш учун мўлжалланган ахборотни ташкил қилиш ва сақлаш воситаси бўлиб хизмат қилади[128].

Диққат – бу бирор нарса ҳақидаги фикрлар моҳиятини ва концентрацияси эшитишдир. Ёзишда диққат муҳим рол ўйнайди, чунки матнни ёзиш давомида талабалар турли хил хатоларни топишлари, топшириқларни тўғри ва тез бажаришлари ва янгиликлар ўзлаштиришлари мумкин.

Фикрлаш – бу таҳлил қилиш, таққослаш ва хулоса чиқариш қобилиятидир[48].

Талабаларнинг топшириқлари ва ҳисоботларининг бир қисми, асосан, яхши ёзилган ва чоп этилган академик ҳисоботлардан олинади ва баъзи ўқитувчилар плагиатни текширишига ҳам ҳожат қолмайди. Бундан ташқари, битирув ҳисоботларини баҳолаш профессор-ўқитувчилар томонидан қанчалик қаттиқ назорат қилинишига боғлиқ. Баъзида талабалар лойиҳалари, хусусан, адабиёт сўровларига асосланган лойиҳалар иш сифати ва ёзишнинг адекватлиги эмас, балки миқдори асосида баҳоланади. Э.Ҳ.Хобсон[143] ва унинг ҳамкасблари фармация амалиётининг барча жабҳаларида ёзишнинг мавжудлиги ва аҳамиятини таъкидладилар ва фармацевтика талабалари фармация ўқув дастуридаги йиллар давомида яхши ёзишни ўрганишлари керак.

С.Х.Паркхурст[153] фикрига кўра, фармацевтика факультети илмий ва техник ёзувлар билан таниш бўлган композиция факультети билан ҳамкорликда ёзма малака имтиҳонини ва кейинги ёзиш курсини қўллаши мумкин.

Шундай қилиб, турли босқичларда чет тилда ёзма тилни ўрганиш ва ўзлаштириш жараёнида талабаларнинг психофизиологик хусусиятлари муҳим рол ўйнайди. Олий таълим муассасасида таҳсил олаётган талабалар тилни амалий жиҳатдан ҳам, назарий жиҳатдан ҳам ўрганишга тайёрлиги ва қобилияти билан ажралиб туради. Шу сабабли, асосий курснинг юқори босқичи 2–3–курсларида турли хил мулоқот ҳолатларида ёзишни ўзлаштириш қобилиятини янада жадал ривожлантиришни таъминлаш керак.

Нутқ ва ёзиш жараёнлари ажралмас ва ўзаро боғлиқдир. Аммо фармация йўналишида таҳсил олаётган талабалар кўп амалий жиҳатдан қўллайдиган ёзув жараёни ўзининг ташқи кўриниши ва шаклланиш йўли, психологик мазмуни билан оғзаки нутқ жараёнидан кескин фарқ қилади. Оғзаки ва ёзма нутқнинг фарқи 2.3–жадвалда кўрсатилган.

2.3–жадвал.

Оғзаки ва ёзма нутқнинг қиёсий хусусиятлари

Оғзаки нутқ	Ёзма нутқ
Алоқа. Маърузачи тингловчининг реакциясини кўради ва нутқини такрорлаш, қисқартириш, бир мавзудан иккинчисига ўтиш орқали тартибга солиши, нутқ тезлигини созлаши мумкин.	Мантикий жиҳатдан яхши ташкил этилган бўлиши керак. Такрорлашдан сақланилиши лозим. Ёзувчи ўрганувчининг реакциясини олдиндан тахмин қилиши мумкин, шунинг учун унинг нутқи оқилона, аниқ бўлиши керак
Маърузачи вақт босими остида бўлиш эҳтимоли кўпроқ, шунинг учун унинг эътибори биринчи навбатда таркибга қаратилган бўлади	Ёзувчи чексиз вақтга эга, шунинг учун унинг эътибори матннинг мазмунига ҳам, шаклига ҳам қаратилган бўлади. Ёзилганларни қайта ўқиб чиқиб, ўйлаб топилган нарсани қанчалик амалиётган яқин эканлигини текшириш имкониятига эга.
Қисқа муддат ичида ташкил этилган нутқда режалаштириш имкоияти ҳам мавжуд бўлмайди. Шунинг учун ҳам нутқ ҳар доим ҳам режа асосида ташкил этилиш имкониятига эга ҳисобланмайд.	Ёзувчи ўз нутқини ёзма равишда узоқ вақт режалаштириш имкониятига эга, шунинг учун у мантикийроқ; аниқ сўзни танлаш, баёотнинг лексик таркибини диверсификация қилиш, маълумотномалар ва луғатларга мурожаат қила олади.
Оғзаки нутқ оддий ёки тўлиқ бўлмаган гаплардан иборат бўлади.	Ёзма нутқда мураккаброқ синтактик конструкциялар қўлланилади.

Жадвалга асосланиб, икки хил нутқ ўртасидаги фарқларга шундай хулосага келишимиз мумкин:

- ёзиш узоқ вақт талаб қилувчи;
- олдиндан режалаштирилган;
- моҳиятан монолог;
- матнни визуал идрок этиш ва такрорий ўқиш учун мўлжалланган;
- ёзиш жараёни секинроқ кечади, чунки у матнни қоғозга маҳкамлаш

ва ёзиш малакаларига эга бўлиш билан боғлиқ экан[128].

2.2. Чет тил амалий машғулотларида фармацевтикага оид терминларни ўргатиш методикасининг ўзига хос хусусиятлари

Чет тилларни ўқитишнинг замонавий ўқув шароитларига мос келадиган ва замонавий давлат таълим стандартлари талабларига жавоб берадиган энг самарали методларни амалий машғулотлар жараёнида тўғри танлаш муаммоси долзарб ҳисобланади.

Бизнинг мақсадимиз чет тилларни ўқитишнинг асосий замонавий методлар тизимларини батафсил таҳлил қилиш ва уларнинг чет тилларни ўқитишдаги самарадорлик нуқтаи назаридан услубий аҳамиятига кўрсатиш.

Бунинг учун XX аср давомида чет тилларни ўқитиш методик тизимларининг тарихий эволюциясини ўрганиш ва ҳар бир методик тизим учун асосий мақсад, вазифалар, тамойиллар ва ўқув қўлланмаларни аниқлаш мақсадга мувофиқ деб билдик. Шунингдек, кўплаб методик тизимларнинг назарий асосларини, уларни ўқув жараёнида қўллаш қўламини кўрсатиш, уларнинг хусусиятларини, афзалликлари ва камчиликларини, бугунги кунда чет тилларни ўқитишда улардан фойдаланиш самарадорлик даражасини ўргандик.

Чет тилларни ўрганиш ҳақидаги маълумотлар узоқ даврларга бориб тақалади: Сурия, Қадимги Миср, Юнонистон, Римда маданият гуллаб–яшнаган даврда чет тиллар савдо–сотиқнинг қизғинлиги туфайли бу мамлакатлар ўртасидаги маданий алоқалар амалий аҳамиятга эга бўлган. Ўрта асрларда ҳам адабий ёдгорликлар ва Ғарбий Европа тиллари луғатларида қайд этилганини

кўриш мумкин. Ўша давр мактабларида ўқитиладиган асосий чет тиллар аввал юнон, кейин эса лотин тиллари эди. Бироқ, Европа мамлакатлари маданиятининг ривожланиш тарихи давомида бирон бир чет тил лотин тили каби узоқ давр қўлланилмаган. Фақат Ғарбий Европада миллий тилларнинг ривожланиши билан лотин тили ўзининг етакчи ролини йўқотди, аммо кўп йиллар давомида умумий таълим тизимида қолди. Ўтган асрнинг бошларида ҳам Германияда Монографиялар лотин тилида ёзилган ва ҳимоя қилинган. Лотин тилини ўргатиш учун таржима методлари қўлланилди, бу кейинчалик Ғарбий Европа тилларини – француз, немис ва инглиз тилларини ўқитиш методларига сезиларли таъсир кўрсатди.

Чет тилларни ўқитиш методикаси тарихи чет тилларни ўқитишнинг энг оқилона методларни топишга қаратилган.

Биринчи навбатда, енгил матнни гапириш ва ўқиш компетенциясини ривожлантиришга қаратилган табиий метод узоқ вақт давомида чет тилни самарали ўргатишда қўлланилди.

Биз тиббиётга оид матнлар билан дарс жараёнидан ташқари мустақил ишлашга йўналтирувчи “Lexical Syllabus” номли замонавий йўналишга қизиқарли бўлиши учун қуйидагича ўзгартириш киритдик. Талабаларга қисқа метражли фильм тавсия этилади ҳамда ундаги барча соҳавий терминларни ёзиб олиш айтилади. Дарс жараёнида ушбу терминларни қўллаган ҳолда турли сўз бирикмалари ва гаплар қўллаб борилади, талабаларнинг вазифаси тўғри ва нотўғри талаффуз этилган сўзлар учун рағбатли балл ёки жарима сўзини ишлатиш этиб белгиланади. Ушбу жараёнда талабанинг диққати бир вақтнинг ўзида ҳам тўғри талаффузга, ҳам тўғри ёзишга қаратилинади.

Мактабларнинг пайдо бўлиши ва чет тилнинг умумтаълим ўқув предмети сифатида киритилиши билан дастлаб улар ҳам тилни табиий метод орқали ўргатмоқчи бўлдилар, лекин тез орада унинг ўрнини XX аср ўрталаригача ҳукмронлик қилган таржима методи эгаллади. Кейинги юз йил ичида табиий, кейинчалик тўғридан–тўғри ва таржима методлари тарафдорлари ўртасида доимий кураш борди ва чет тилларни ўқитишнинг

замонавий методлари сезиларли даражада фарқ қилса-да, чет тилни ўқитишда она тилидан фойдаланиш ёки ундан воз кечиш масаласи доим мунозаралар марказида эди [49;253–254].

Даставвал “ўқитиш методи” тушунчасини аниқлаш керак, шунингдек, чет тилларни ўқитиш методлари таснифининг асосий хусусиятларини ажратиб кўрсатиш керак.

Ўқитиш методлари таълим жараёнининг энг муҳим таркибий қисмларидан биридир. Тегишли методлардан фойдаланмасдан мақсадга эришиш, кўзда тутилган мазмунни амалга ошириш, таълимни билиш фаолияти билан тўлдириш мумкин эмас [66;9].

Методларнинг ўзгариши билан бир қаторда “таълим методи” тушунчаси барча фанларда бўлгани каби чет тилларни ўқитиш ва ўрганиш назарияларида ҳам ривожланди. Ҳозирги вақтда ушбу концепция илмий адабиётларда аниқ белгиланмаган.

Замонавий чет эл адабиётидаги “method” (инглиз тили) термини нафақат “метод”, балки “approach” (инглиз тили) ни билдирувчи “ёндашув” терминига ҳам мос келиши мумкин. Баъзи адабиётларда эса “метод” термини умуман ишлатилмайди, фақат ўқитишнинг “методикаси” ҳақида гап боради.

Чет тил методологиясида “метод” термини бутун тизимни ёки бутун ўрганиш соҳасини белгилашдан ташқари тизимнинг алоҳида элементларини (фонетика ёки грамматика ўқитиш методи) англатиши мумкин, кўпинча бошқа чет мамлакатлар адабиётидаги “техника” термини билан мос келади [33;23].

Замонавий илм–фанда шундай ёндашув тасдиқланганки, унга кўра ўқитиш методлари жуда мураккаб, кўп қиррали педагогик ҳодисадир.

Метод (юнонча *methodos* – “тадқиқот”) – мақсадга эришиш йўли, маълум бир тартибли фаолият; қабул қилиш, ҳаракат қилиш методи; муайян муаммони ҳал қилишга бўйсунадиган воқеликни амалий ёки назарий жиҳатдан ўзлаштириш методлари ёки операциялари мажмуи. “Метод” терминининг кўплаб таърифлари мавжуд.

Ўқитиш методи – бу “ўқувчининг билим ва амалий фаолиятини ташкил этувчи, таълим мазмунини ўзлаштиришни таъминлайдиган ва шу орқали ўқув мақсадларига эришадиган ўқитувчининг мақсадли ҳаракатлари тизими”.

Таълим методлари – “ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги таълим муаммолари мажмуасини ҳал қилишга қаратилган ўзаро таъсир қилиш усуллари” [21;6].

19– аср бошидаги дидактик қўлланмаларда методга қуйидаги таъриф берилган: “Метод – ўқитувчининг ўқувчиларнинг фикр–мулоҳазаларини тўғри йўналтириш ва режалаштирилган режа бўйича ишни ташкил этиш санъатидир”. Кўпгина олимлар (Н.В.Басова, В.И.Загвязинский, И.П.Подласый ва бошқалар) методни педагогик фаолиятнинг асосий қуроли деб ҳисоблайдилар. Унинг ёрдами билан таълим маҳсулоти ишлаб чиқарилади, ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги ўзаро муносабатлар амалга оширилади.

Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, ўқитиш методи узвий равишда ўқитувчининг ва талабаларнинг ўзаро муносабатларида ўқув ва когнитив фаолиятини ташкил этишни, шунингдек, уларнинг таълим ва тарбиявий мақсадларга эришишнинг ўзига хос хусусиятларини ўз ичига олади. Бу таърифлардаги асосий нарса шундаки, биринчидан, бу фаолият, унинг мақсади шахсни тарбиялаш ва таълим муаммоларини ҳал қилиш бўлса, иккинчидан, бу доимо ўқитувчи ва талабанинг биргаликдаги фаолиятidir. Бундан келиб чиқадики, “таълим методи” тушунчасининг асосини таълим жараёни субъектлари фаолияти ташкил этади [61;10–11].

Мантиқий ва мазмунан ўқитиш методларини талабалар онгли равишда билим, малака ва малакаларни эгаллайдиган амалий мантиқий метод сифатида баҳолаш мумкин[21;8].

XX аср охиридаги методлар гуруҳларини ажратиш керак бўлган асосий хусусиятлар қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

1) чет тилни ўқитишда она тилининг мавжудлиги ёки йўқлиги; бу

гурухга тўғри, аралаш ва таржима методлари киради;

2) чет тил амалиёти ва тил назарияси ўзаро боғлиқлиги: амалий, онгли амалий, онгли қиёсий методлар;

3) чет тилни ўзлаштирган талабаларнинг махсус рухий ҳолатларидан фойдаланиш ёки фойдаланмаслик; методларнинг типик номлари: муқобил (интенсив) ва анъанавий (одатий) [25;4–5].

Санаб ўтилган хусусиятларга асосланиб, техниканинг тарихига оид ишларда қуйидаги методлар ажратилади:

- 1) таржима методлари (грамматик–таржима ва лексик–таржима);
- 2) бевосита ва табиий методлар ва уларнинг модификациялари;
- 3) аралаш методлар;
- 4) онгли–қиёсий ва онгли–амалий методлар.

Интенсив методлар

Ҳозирги вақтда чет тилларни ўқитишнинг интенсив методлари тобора оммалашиб бормоқда. Интенсив методнинг кўплаб турлари мавжуд бўлиб, улар асосан катталарга чет тилни ўргатиш учун ишлатилади. Бироқ, мактабда тажрибали ўқитувчилар ушбу услубга хос бўлган иш методларидан муваффақиятли фойдаланадилар.

Интенсив ўқитишнинг асосий вазифаси – энг қисқа вақт ичида чет тилларда мулоқот қилиш малакаларини эгаллашдан келиб чиққан ҳолда, интенсив тайёргарликни тавсифловчи иккита асосий омилни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1) мақсадга эришиш учун минимал талаб қилинадиган ўқув даври (келажакдаги нутқ фаолияти) ушбу мақсад учун зарур бўлган ўқув материалнинг максимал миқдори ва уни тегишли ташкил этиш;

2) ўқитувчи шахсининг ижодий таъсири билан ўқув гуруҳида алоҳида ўзаро муносабатлар шароитида эришилган талаба шахсиятининг барча захираларидан максимал даражада фойдаланиш[60;68].

Интенсив методнинг сифат жиҳатидан ўзига хослиги шундаки, унда бу постулатлар реал амалларга айлантирилади; натижада интенсив ўқитишнинг

ажралмас ва самарали технологияси пайдо бўлди, унинг доирасида адекват алоқа механизмлари ишлаб чиқилди.

Улар қуйидагилардан иборат:

- 1) кенг ва мустаҳкам тил базасини яратиш учун психиканинг онгли ва онгсиз жараёнларини фаоллаштирадиган методлардан фойдаланишда;
- 2) мулоқотга ундайдиган вазифаларни ишлаб чиқишда;
- 3) ўқувчиларнинг бир-бири билан ва ўқитувчи билан коллектив ўзаро муносабатларини оптимал ташкил этишда[95;9].

Ҳозирги вақтда чет тилларни интенсив ўқитиш турли методик тизимларда амалга оширилаётган йўналиш сифатида қаралмоқда. Интенсив йўналиш доирасида мавжуд услубий тизимлар ишлаб чиқилиб, янги услубий тизимлар яратилмоқда. Бу турли хил талабалар контингентига чет тилни ўргатишнинг ўзига хос мақсадларининг хилма-хиллиги, шунингдек, ўрганиш шароитларининг хилма-хиллиги билан боғлиқ [61;3–4].

Муаммо методи – замонавий ўқитиш методларидан фойдаланиш талабаларнинг аудиторияда ва ундан ташқари мустақил ишларини ташкил этиш учун асосдир. Бу методлардан бирини муаммоли таълим методи деб ҳисоблаш мумкин.

Кўпгина тадқиқотларда ўқитишнинг муаммоли методи ўрганишни фаоллаштириш, муайян фанни ўқитиш самарадорлигини ошириш воситаси сифатида қаралади.

Бугунги кунда муаммоли таълим деганда ўқитувчи раҳбарлигида муаммоли вазиятларни яратиш ва уларни ҳал қилиш бўйича талабаларнинг фаол мустақил фаолиятини ўз ичига олган ўқув машғулотларини ташкил этиш тушунилади, бунинг натижасида билим, малака ва малакалар ҳамда ақлий қобилиятларни ривожлантириш ижодий ўзлаштирилади[66;136].

Ўқитишнинг муаммоли методи билим ва фаолият методларининг тайёр шаклда тақдим этилмаганлиги, қоидалар ва кўрсатмалар тақлиф қилинмаслиги билан тавсифланади, шундан сўнг талаба тўғри гапиришга қафолат беради. Методнинг бутун моҳияти талабанинг изланиш фаоллигини

рағбатлантиришдан иборат. Бундай ёндашув таълимнинг ижодий шахсни тарбиялашга замонавий йўналтирилганлиги ва айнан муаммоли вазиятларда шаклланадиган ушбу шахс, инсон руҳияти, хусусан, тафаккур ва кизиқишнинг ривожланиш қонуниятлари билан боғлиқ.

Муаммоли методлар – бу муаммоли вазиятларни яратишга, ўқувчиларнинг фаол мустақил билиш фаолиятига асосланган, билимларни янгилашни, таҳлил қилишни, талабанинг ижодий қобилиятини, ташаббускорлиги ва мустақиллигини шакллантиришни талаб қиладиган мураккаб масалаларни излаш ва ҳал қилишдан иборат методлар.

Ўқитишнинг муаммоли методининг замонавий назариясида муаммоли вазиятларнинг икки тури ажратилади: психологик ва педагогик. Биринчиси талабаларнинг фаолиятига тегишли, иккинчиси ўқув жараёнини ташкил этишни ифодалайди.

Биз ушбу метод асосида 2000 та сўздан ташкил топган тиббий терминологик электрон луғат ишлаб чиқдик ва ундан фойдаланган ҳолда ҳар дарс давомида 10 тадан сўзларни барча компьютерга такрорий кўринишга кўйдик, бу сўзларни текшириб олиш мақсадида эса муаммоли вазиятлар яратдик ва айнан қўлланилувчи терминларни тушириб қолдирдик. Уларни тўлдириш орқали талабалар термин маъноларини ва матнда қўлланиш тартибини ҳам ўзлаштирдилар.

Модулли таълим

Чет тилларни ўқитиш амалиётида талабага йўналтирилган ёндашувдан фойдаланиш муносабати билан унинг асосий қоидалари ўқув фаолиятининг фаол субъекти сифатида талаба шахсини ривожлантиришга қаратилган; мустақил ишнинг ролини ошириш; чет тилни ўзлаштириш курси ва натижаси устидан назорат ва ўз–ўзини назорат қилиш, инновацион технологияларни, шу жумладан модулли ўқитиш технологияларини, айниқса чет тилни ўқитишнинг профил даражасида ўрганиш ва улардан фойдаланиш муаммоси долзарб бўлиб бормоқда. Ушбу технологиянинг мақсади талабаларининг чет

тилни мустақил ўрганиш қобилияти ва тайёргарлигини ривожлантириш ҳамда тарбиялашдан иборат.

“Модул” атамаси лотинча модулус сўзидан келиб чиққан. – “ўлчов” бир қатор фанларда кенг қўлланилади. Педагогикада модул деганда “таълим мазмуни ва уни ўзлаштириш технологияси юқори даражадаги яхлитлик тизимига бирлаштирилган мақсадли функционал бирлик” тушунилади [102;7].

Шундай қилиб, модул модулли ўқитиш воситаси сифатида ишлайди, чунки у қуйидагиларни ўз ичига олади: мақсадли ҳаракатлар режаси, ахборот банки, дидактик мақсадларга эришиш учун услубий қўлланма. Бу модул ўқув дастури бўлиб, мазмуни, ўқитиш методлари, мустақиллик даражаси, талабанинг ўқув ва когнитив фаолиятининг суръатлари бўйича индивидуаллаштирилган бўлиши мумкин. Модулли таълимнинг муҳим хусусиятларида унинг бошқа таълим тизимларидан фарқи ётади [66;214].

Модулли ўқитиш технологиясидан фойдаланганда талаба ўзи унга берилган маълумотлардан фойдаланган ҳолда билим олиши, унга берилган кўрсатмалардан фойдаланган ҳолда ўқув материални ишлатиш малакаларини шакллантириши керак бўлган шароитларга жойлаштирилади. Бундай кўрсатмалар мажозий маънода “йўриқнома” деб аталади. “Йўриқнома” ёрдамида ўқитувчи талабаларнинг ўқув фаолиятини бошқаради, уларнинг мустақил ишларини доимий равишда рағбатлантиради [102;7].

Лойиҳа методи – методистлар ва ўқитувчиларнинг асосий вазифаси чет тилларни ўргатиш бўйича амалиётда лойиҳаларни муносиб ўрин эгаллашига ёрдам беришдир. Айнан ушбу услубни янги таълим, ижтимоий-маданий вазиятда, ижтимоий ривожланишнинг ҳозирги босқичида таълимга қўйиладиган талаблар нуқтаи назаридан тушуниш ва қўллаш лойиҳа ҳақида янги педагогик технология сифатида гапиришга имкон беради. Ёш авлодларга таълим беришда шахсга йўналтирилган ёндашув муаммоларини самарали ҳал этиш имконини беради [29;28].

Лойиҳа талабалари томонидан мустақил равишда режалаштирилган ва амалга ошириладиган иш бўлиб, унда оғзаки мулоқот бошқа фаолиятнинг (ўйинлар, саёҳатлар, журнал нашр этиш ва бошқалар) интеллектуал ва хиссий контекстига органик равишда тўқилган.

Айнан лойиҳа фаолияти ўқув фаолияти шаклларида бири сифатида, замонавий хорижий дидактикларнинг фикрига кўра, ўқув жараёнини талаба учун шахсан аҳамиятли қилишга қодир, бунда у ўзининг ижодий салоҳиятини тўлиқ очиқ бериши, тадқиқотчилик ижодкорлик, фаоллик қобилиятини намоён қилиш ҳисобланади [26;6].

Лойиҳа бўйича иш 4 босқични ўз ичига олади:

1. Режалаштириш. Талабаларга яширин муаммо тақдим этилади, уни аниқлаш ва шакллантириш керак. Кейин талабалар ўқитувчи иштирокида лойиҳанинг мазмуни ва моҳиятини муҳокама қиладилар, уни амалга ошириш режасини тузадилар.

2. Ижро. Асосий қидирув ишлари олиб борилмоқда, лойиҳа мавзусини очиш учун зарур маълумотлар тўпланмоқда. Мустақил ишлаш малакаларини шакллантириш.

3. Тақдимот. Лойиҳаларни ҳимоя қилиш, якуний маҳсулотнинг мақсади ва турига қараб бажарилган иш натижаларини оғзаки ёки ёзма равишда тақдим этиш.

4. Назорат. Бажарилган иш натижаларини баҳолаш, сарҳисоб қилиш.

М.Е.Брейгина лойиҳаларни иштирокчилар сонига кўра монолойиҳаларга ва жамоавий лойиҳаларга, тақдимот характерида кўра оғзаки-нутқ, ёзма, визуал ва интернет лойиҳаларига ажратади [29;28].

Тиббиёт фанларини ўқитишда ўқитишнинг фаол шаклларида фойдаланиш шундан иборатки, талабалар нафақат маълум билимларни эгаллашлари, балки уларни аниқ амалий вазиятда қўллай олишлари керак. Олий таълимда ўқув жараёнини такомиллаштириш учун талабаларга аввалги олинган билимларни қайта такрорлаш ва уларни ўқув ва когнитив фаолият

малакалари, янги билимлар билан бойитиш зарурлигини таъминловчи хусусиятларни билиш ва ҳисобга олиш катта аҳамиятга эга[123].

Касбий терминология – маълум бир билим соҳаларининг махсус луғати, тилнинг лексик қатламларидан бири бўлиб, маълум бир мазмунни акс эттиради.

Фармацевтика терминологияси – дозалаш шакллари, ўсимлик ва кимёвий маҳсулотлар, рецепт бўйича формулалар номларидир [122].

Термин лисоний белги бўлиб, бир томондан, махсус тушунчани ўзига сингдирса, иккинчи томондан, маълум билим соҳасига оид янги тушунчаларни ҳосил қилишда иштирок этади.

Чет тилни ўқитиш доирасида талабаларнинг касбий йўналиши ва ихтисослигини ҳисобга олган ҳолда, зарур маълумотларни тушуниш ва ажратиб олиш учун улар ўз мутахассислиги бўйича матнлар билан ишлашлари учун минимал терминологик луғатни шакллантириш мақсадга мувофиқдир. Терминологик минимумни шакллантиришда талабалар маълум бир семантик гуруҳга тегишли бўлган терминларни ўрганишлари керак.

Минимал терминологик луғатни шакллантиришда таснифловчи ва асосий терминлар уларнинг тушунчаларини мантиқий очиб берадиган ва уларни илмий билим элементлари сифатида ишлатишга имкон берадиган таърифлар билан бирга бўлиши керак [15].

Терминологияни ўқитиш зарурати янги билимларни сўз билан ифодалаш учун асос бўлганлиги билан боғлиқ. В.П.Даниленконинг сўзларига кўра, бу билимни ифодалаш воситаси ва уни тузатиш усулидир [47;10].

Тиббиёт терминологияси ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга бўлган қуйи тизимлардан (анатомик ва гистологик, клиник, фармацевтик) ташкил топган макротерминологик тизимдир. Соҳага оид терминларни ўргатишнинг энг самарали усуллари, уларни ёзма ва оғзаки нутқда қўллаш кўриб чиқилади ва гуруҳланади; фонетик, лексик, грамматик, морфологик ва синтактик малакаларни шакллантириш ва такомиллаштиришга қаратилган ўқув материални танлаш мезонлари келтирилган. Чет тилдаги ҳар қандай

машғулотнинг мажбурий компоненти сифатида тинглашга алоҳида эътибор берилади.

Соҳавий терминларни ўргатиш бўйича қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

- 1) янги луғатнинг тақдими;
- 2) лексик малакаларни автоматлаштириш;

3) ўқувчилар томонидан ўрганилган луғатнинг такрорланишини ташкил этиш ва улар ўрганган нарсанинг сифатини назорат қилиш [94;115].

Соҳага оид мавзуларни ўрганишга бағишланган биринчи чет тил дарсларида талабаларга фармацевтика терминологиясининг шаклланиш манбалари ҳақида асосий тушунчаларни бериш керак. Фармацевтика терминологияси бир қанча шаклланиш манбаларига эга. У табиий тил ва янги ўйлаб топилган сўзлар асосида ва илм–фанни ривожланиши натижасида шаклланган.

Фармация йўналиши талабаларига ўз мутахассислиги бўйича тил ўргатиш янги илмий, терминологик луғат, синтактик ва грамматик тузилмалар, илмий услубга хос бўлган нутқ нормалари билан бойитиш, турли вазифаларни бажаришда олинган малака ва малакалардан фойдаланиш, улардан маълумотларни ажратиб олиш, оғзаки ва ёзма нутқ фаолиятининг турли турлари бўйича олинган билимларни ривожлантириш қобилиятини ўз ичига олади.

Терминологияни ўрганиш жараёнида юзага келадиган қийинчиликлар, қоида тариқасида, семантик хусусиятга эга. Хусусан, бу лотин тили қоидаларига мувофиқ график ва грамматик жиҳатдан ишлаб чиқилган махсус маълумотнома илмий белгиларидир.

Шундай қилиб, соҳавий терминлар билан чет тил амалий машғулотлари давомида ишлашда мажбурий компонентлар қуйидагилардир.

1. Фонетик материал. Талабалар учун инглиз тилининг қийинчиликларини ҳисобга олган ҳолда товушлар, ритм, интонация билан таништиради.

2.Лексик материал. У мулоқот мавзулари ва соҳаларини ҳисобга олган ҳолда киритиладиган лексик минимум билан ифодаланади.

3.Грамматик материал. Гап шакллари, нутқ шакллари ва нутқда грамматик материалдан фойдаланиш қоидаларини ўз ичига олади.

4.Ижтимоий-маданий материал. Ўрганилаётган тил мамлакати ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади. Материалда тилнинг ижтимоий-маданий бирликлари, мамлакатнинг диққатга сазовор жойлари, адабиёт ва санъат намояндалари, байрамлар, қадриятлар ва бошқалар ҳақидаги матнлар мавжуд.

5.Профессional матнлар. Улар талабаларнинг билим ва малакаларига мос келадиган бўлиши керак. Бундан ташқари, тавсия этилган матнлар тиббий мутахассисликлар бўйича ихтисослаштирилган материаллар билан бир хил талабларга жавоб бериши керак.

6.Лексик ва грамматик характерга эга бўлиши керак бўлган матнларга шарҳ.

7.Машқ қилиш. Ўқув материални мустаҳкамлаш, фаоллаштириш ва уни ўзлаштириш сифатини назорат қилишни ташкил этиш учун зарур.

8.Луғат.

9.Кўриниш. Чет тил амалий машғулотларида профессионал нутқ бўйича кўплаб дарсликларда чизмалар, фотосуратлар, жадваллар, диаграммалар кенг қўлланилади [24;61–62].

Юқоридаги барча муаммоларни бартараф этиш мақсадида биз Монтессори методини афзал билдик. Бу метод асосан боғча ёшидаги болалар учун мўлжалланган бўлиб, биз талабаликнинг илк йилидаги янги тил ўрганувчи учун ҳам энг самарали усул шу бўлиши мумкин деб синовдан ўтказдик.

Дастлабки ҳаракатни хоналарни ҳарф ва содда сўзлар билан безатиб олишдан бошлаймиз. Буни ёрдамида талаба ўрганилаётган тил муҳитига қисман қадамини қўяди.

Дарс жараёни давомида терминлардан фойдаланилган содда диалоглар доимий равишда қўйиб борилиши талабалардаги лексик бойликдан ҳар қандай шароитда ҳам қўллай олиш имконини беради. (бунинг учун кафедрада муҳит яратилиниши лозим)

Фармацевтик воситалардан фойдаланиш – бунда айнан бир дарс давомида барча фармацияга доир жиҳозлар, воситалар бир жойга жамланади ва талаба уларни қўллаш, ушлаш орқали номларини инглизча такрорлаб ўрганиб боради.

Ушбу босқичлардан сўнг тилга бўлган қизиқиш ошади ва кейинги босқичда соҳавий сўз бирикмалар ва матнлардан фойдаланиш имконияти яратилинади. Матнлар билан ишлаш жараёнида тўлиқ таржима қилиш вазифаси юклатилинмайди, қисман матндаги терминлар тушуриб қолдирилади ва танлов учун ажратилган терминлар базасидан уни тўлдириш имкони берилади. Матн билан ишлаш жараёни босқичма–босқич мураккаблаштириб борилади: сўз бирикмалари тушуриб қолдирилади, вазият яратиб матнни тўлдириш имкони берилади, матнни давом еттириш ҳолатларини қўллаш мумкин бўлади.

Бу жараёнларни осонлаштириш учун айнан бир шаклдаги луғат тизими танлаб олиниши зарур бўлади.

2.3. Фармацевтикага оид терминларни ўргатишда талабаларининг ёзиш малакаларини такомиллаштириш

Фармацевтика терминологик тизимига тегишли инглиз тилидаги 490 та термин бирликлари кўриб чиқилди. Тадқиқот учун Герхард Нахлер томонидан таҳрирланган Dictionary of Pharmaceutical Terms номли инглиз фармацевтика терминлари луғатидан олинган[150]. Ушбу терминлар орасида С.В.Гринев–Гриневич[44] таснифига кўра, термин–сўзлар ва терминологик бирикмалар мавжуд. Ҳисоб-китобларга кўра, инглиз тилида бир сўзли терминлар сони кўп сўзли терминлар сонидан кам (мас равишда 129 термин 361 терминологик бирлик). Фармацевтика терминологик бирликларининг ўрганилаётган ҳажмининг 26% ни ташкил этувчи термин–сўзлар, асосан,

отлар билан ифодаланади. Улар орасида ҳар хил термин-сўзлар мавжуд. Оддий терминларга мисоллар: *batch, bias, cell, dialysis, enzyme, generic, genome, kinetic, median, obesity, quarantine, scales, tablet, vaccine, virus, variance.*

Ҳар қандай аффикс илдизга қўшилганда, сўз аффикс туркумига киради: *liability, specificity, absorption, calibration, dechallenge, diagnostic, epidemic, genomics, healing, impurity, lethality, minimization, reproducibility, sensitivity, staging, withdrawals.*

Агар бир сўздан иборат термин икки ёки ундан кўп илдизга эга бўлса, у мураккаб терминологик бирликлар тоифасига киради, масалан, *toxicokinetic, xenotransplantation, record-keeping, radiopharmaceutical, pharmacogenomics, life-threatening, immunotoxicity, endocannabinoids, chemosensitizer, chronotherapy, bioanalytical.*

Шуни таъкидлаш керакки, ўзбек тилидан фарқли ўлароқ, инглиз тилида уч ёки ундан ортиқ илдиз морфемаларининг мавжудлигини кўрсатадиган кўп сўзли мураккаб терминологик бирликлар мавжуд. Ушбу турдаги терминлар кичик турларга бўлинади: аглютинацияланган терминлар ва занжирли терминлар. Ўрганилаётган терминологияда занжирли терминлар – тире орқали боғланган уч ёки ундан ортиқ нисбатан мустақил сўзлардан ташкил топган терминлар аниқланди. *no-treatment-control, over-the-counter, plan-do-check-action (cycle), direct-to-customer, body-mass-index, first-in-man (study), intent-to-treat (analysis).*

74% ёки 361 терминологик бирлик икки ёки ундан ортиқ сўздан иборат терминологик бирикмалар билан ифодаланади. Инглиз тилида энг кенг тарқалган термин-иборалар тури икки сўзли терминлар бўлиб, улар 239 бирлик (бу тилдаги фармацевтика терминологиясининг барча терминларининг 49%) тақдим этилган. *abridged application, biologic equivalent, cancerogenicity tests, data trial, eligibility checklist, finished product, generic name, hybrid procedure, informed consent, key-punch error, line*

extension, marketing exclusivity, negative list, adds ration, oncogenicity studies, parametric test, randomization code.

Икки сўзли терминлардан кейин уч сўзли терминлар келади, улар номидан кўриниб турибдики, уч сўзли терминлардан иборат. Кўриб чиқиладиган терминологик тизимдаги уларнинг сони ҳам анча катта (96 бирлик, 20%). *acceptable daily intake, case report form, data heading manual, essential drug list, glomerular filtration rate, high-tech medicinal products, international non-proprietary name, maximum acceptable deviation, national drug list, patient identification list, recommended dietary allowances, single case experiment, tumor suppressor gene, visual analogue scale, zero order kinetics.*

Инглиз тилида тўртдан ортиқ сўздан иборат терминологик бирикмалар мавжуд: *adverse event of special interest, development safety update report, interactive voice report system, maximum tolerated systemic exposure, new drug development plan, unlisted adverse drug reaction, treatment emergent signs and symptoms.*

Беш ва ундан ортиқ компонентлардан ташкил топган 9 та термин топилди: *computer assisted new drug application, drug application methodology with optical storage, notice-of-claimed investigational exemption for a new drug.*

Инглиз тилида терминларнинг шаклланиши рус тилидаги терминларнинг шаклланиши билан ўхшаш йўللardan боради. Биринчи усул – морфологик. Инглиз тилида кўп миқдорда терминлар қўшимча қўшиш, яъни ўзак морфемага қўшимча қўшиш орқали ясалади. Инглиз тилининг энг кўп қўлланиладиган қўшимчалар, улар ёрдамида фармацевтика терминологияси тўлдирилади: **-ion, -ation, -ic, -ical, -ics, -ity, -er, -able.**

-ion (-ation): *absorption, adaptation, calibration, formulation, minimization, prescription, randomization, self-medication, validation, xenotransplantation, exclusion, regulation, reaction.*

-ic (-ical): *allogenic, biopharmaceutical, diagnostic, epidemic, generic, kinetic, pharmacodynamic, biological, medical, toxic.*

-ics: *genomics, pharmacogenetics, pharmacogenomics.*

-ity: *bioavailability, chirality, ecotoxicity, lethality, liability, validity, variability, specificity, sensitivity, obesity, eligibility, exclusivity, carcinogenicity, reliability, accountability.*

-er: *biomarker, chemosensitizer, modifier, inter-observer.*

-able: *bioavailability, imputability, liability, variability, inevaluability, reliability, accountability.*

Префикс усули билан тузилган терминлар. Энг кўп қўлланиладиган префикслар: **dis-, de-, im-, in-, re-, mis-, non-, trans-, un-, inter-**.

disabilities, disintegrants, disclosure, dechallenge, decentralized (procedure), **impairments, impurity, intangible, rechallenge, reproducibility, retest, misbranded, non-compliance, non-evaluable, non-interventional, transdermal, transgenic, unblended, uncontrolled, unlisted, interaction, inter-observer** (reliability).

Терминологияни тўлдиришнинг энг самарали усулларида бири бу термин яшашнинг синтактик усули бўлиб, унда эркин иборалар барқарор “сўз эквиваленти”га айланади [44;136]. Бундай терминологик бирикмалар маҳсулдорлиги терминлар тузилган тилга боғлиқ бўлган турли хил моделлар бўйича тузилган.

Тиббий терминологик тизимларда ҳам полисемия кенг тарқалган ҳодиса ҳисобланади. Масалан, тиббиётнинг макротерминологик тизимида кардиологик, анатомик, гистологик, эмбриологик, гинекологик, дерматологик, физиотерапевтик, фармацевтик ва бошқа микротерминологик тизимлар киради. Бундан ташқари, тиббий терминлар тизимида биология, кимё, физика, микробиология, радиология, генетика, антропология, психология, кибернетика каби турдош фанлардан терминлар киради. Шундай қилиб, тиббий терминлар тизими учун полисемиянинг ҳам фан ичидаги, ҳам ташқи турлари мавжуд, яъни тиббий терминлар ушбу термин тизими ичида ҳам, ундан ташқарида ҳам муносабатлар билан боғланади.

Макротерминологик тизимлардан фарқли ўлароқ, микротерминологик тизимларда терминлар ўртасидаги алоқалар унчалик чуқур ривожланмаган,

шунинг учун бир хил товуш мажмуаси бир нечта маънога эга бўлган ҳолатлар камроқ тарқалган.

Ушбу тадқиқот шуни кўрсатдики, полисемия ҳодисаси амалда фармацевтика терминологиясига хос эмас. Ўрганилган 552 та терминологик бирликдан фақат 13 таси кўп маънога эга ва уларни полисемик деб аташ мумкин, масалан:

Адсорбция – тана ёки суюқликдаги қаттиқ жисм юзасида газлар ёки эриган моддаларнинг ютилиши (концентрацияси) [119], вирусологияда эса бу термин бактериофагнинг бактериал хужайра юзасига бириктирилиши, уларда ўзига хос рецепторларга эга бўлганида содир бўлиши” ёки “вирусли инфекциянинг бошланғич босқичи бўлиб, у бактериал хужайранинг бирикишидан иборат.

Фармацевтикада **аккомодация** “Кўзғалувчан тўқималарнинг кўзғалувчанлигининг аста–секин пасайиши билан намоён бўладиган кўзғатувчининг доимий ортиб бораётган кучига мослашиш жараёни” [106], офталмологияда эса “Ундан турли масофаларда жойлашган нарсаларни визуал идрок этиш пайтида кўзнинг синиш кучини ўзгартиришнинг физиологик жараёни” деган маънони англатади.

Антагонизм – моддаларнинг биргаликдаги таъсири уларнинг ҳар бири алоҳида таъсир этувчи таъсиридан камроқ бўлган ҳодиса, микробиологияда эса – “микроорганизмлар ўртасидаги муносабатлар тури, биргаликда яшашда микроорганизмлар ўзаро боғлиқлиги бир турнинг бошқа микроорганизмларнинг ҳаётий фаолиятини зулм қилиши билан тавсифланади.”

Капсула – “оғиз орқали қабул қилинган, кўпинча ёқимсиз таъми ёки ҳидли, дозаланган дорилар қобиғи” ва бактериологияда “баъзи бактериялар томонидан синтез қилинган, уларнинг сиртини қоплайдиган ва фагоцитознинг олдини олувчи модданинг (полисахаридлар ёки полипептидлар) қатлами” [106].

Фармацевтикада **абстинентлик** “гиёҳванд моддаларни суиистеъмол қилишга сабаб бўлган моддаларни қабул қилишни тўсатдан тўхтатиш натижасида ёки уларнинг антагонистлари киритилгандан кейин юзага келадиган ҳолат”, физиологияда эса “жинсий фаолиятнинг мажбурий ёки онгли равишда индивидуал (конституциявий) ёш эҳтиёжларидан паст пасайиши” деган маънони англатади”.

Ушбу мисолларни фанлараро полисемия деб таснифлаш мумкин, бу микротерминал тизимлар мавжудлигидан келиб чиқади, бу ерда бир хил товуш комплекслари турли хил тушунчаларни ифодалаш учун ишлатилади.

Бундан ташқари, фанлараро полисемия ҳам мавжуд бўлиб, у тушунчанинг ривожланиши давомида яна иккита мустақил тушунчага бўлиниши ва уларни бир хил микротерминал тизим доирасида ифодалаш учун бир хил товуш мажмуасидан фойдаланилиши туфайли юзага келади. Қуйидаги полисемантик терминологик бирликлар ушбу турдаги полисемияга мисол бўла олади:

липотроп моддалар – 1) жигарнинг ёғли инфильтрациясини камайтирадиган моддалар (холин, метионин, калций пангамат , липамид ва бошқалар); 2) липидлар билан танлаб ўзаро таъсир қилувчи кимёвий моддалар;

томир тортишига қарши дорилар – турли хил келиб чиқадиган конвулцияларни (масалан, тетаноз, эклампси, заҳарланиш) бартараф этиш учун ишлатиладиган дорилар; илгари бу атама, асосан, антиэпилептик дориларни билдирган;

сигнатура – 1) дорихонада беморга берилган рецептнинг асл нусхаси ўрнига нусхаси; 2) рецептнинг дори воситасини қабул қилиш усулини кўрсатувчи қисми;

микрофлора — 1) маълум бир экологик жой учун маълум бир ҳайвон ёки ўсимлик турига хос бўлган, эволюция жараёнида ривожланган ҳар хил турдаги микроорганизмларнинг барқарор тўплами; 2) баъзи бир атроф-муҳит

объектининг юзасида ёки чуқурлигида, тана бўшлиғида, ярада ва бошқаларда топилган микроорганизмлар турлари мажмуи [106];

фармакомания – 1) беморнинг турли дори воситаларидан фойдаланиш истаги ёки маълум бир дори воситасини асоссиз узоқ муддат қабул қилиш; 2) аҳолининг дори воситаларидан оммавий фойдаланиши (уйқу таблеткалари ва б.);

ингаляция – 1) нафас олиш тизими органларига ҳар қандай газсимон моддалар ёки аэрозолларнинг нафас олаётган ҳаво оқими билан кириши; 2)

ингаляция жараёнига асосланган дори воситалари ёки биологик фаол моддаларни даволаш ва профилактика мақсадида организмга киритиш усули;

антивитаминлар – 1) витаминларнинг биологик таъсирини блокировка қилувчи таркибий аналоглари; 2) организмдаги витаминларнинг ассимиляция қилинишига тўсқинлик қилувчи моддалар[106].

Фармацевтика соҳасида инглиз тилининг терминологик тизими тубдан фарқ қилади. Тадқиқот полисемантик деб таснифланиши мумкин бўлган бешта терминологик бирликни аниқлади:

blacklist – 1) АҚШ озиқ-овқат ва фармацевтика идораси томонидан тузилган рўйхат; 2) халқаро мулкый ном остида ҳам, халқаро патент бўлмаган ном остида ҳам рецептлаш тақиқланган дори воситаларининг рўйхати [150;17];

drugmonitoring – 1) қон ва тўқималарда препаратнинг концентрациясини кузатиш; 2) муайян даволанишни оладиган беморларнинг рўйхати;

withdrawals – 1) ҳар қандай сабабларга кўра препаратнинг клиник тадқиқотда иштирок этишини тўхтатиш; 2) дори воситасини сотишдан олиб қўйиш;

high-tech medicinal products – 1) қуйидаги усуллардан бири билан олинган дори: а) ДНК рекомбинацияси; б) генларнинг бошқариладиган экспрессияси ва бошқалар. 2) бошқа юқори технологияли дори воситалари: а) ваколатли орган инновацион деб ҳисоблайдиган бошқа биотехнологик

жараёнлар; б) ваколатли орган инновацион деб ҳисоблаган етказиб бериш тизимларидан фойдаланган ҳолда чиқарилган дори воситалари; в) ваколатли орган томонидан тиббиёт учун манфаатдор деб ҳисобланган янги компонентга эга ёки мутлақо янги кўрсаткичларга эга бўлган дори воситалари;

drug – 1) доривор маҳсулот; 2) дори [150;56].

Бундан ташқари, шуни таъкидлаш керакки, атаманинг қисқартирилган шаклидан фойдаланиш натижасида юзага келадиган полисемия инглиз тилининг ўзига хос хусусияти бўлиб, унда у жуда кенг тарқалган. Мисол тариқасида қуйидаги терминологик бирликларни келтириш мумкин:

Ab: 1) *antibody* – танага қарши; 2) *abortion* – аборт қилинган ҳомила;

AV: 1) *Atrio-Ventricular* – атриовентрикуляр ; 2) *Audio-Visual* – аудио–визуал ;

BP: 1) *British Pharmacopoeia* – Британия фармакопеяси ; 2) *Blood Pressure* – қон босими ; 3) *Birth Place* – туғилган жойи;

CA: 1) *Carcinoma* – карсинома; 2) *Confidentiality Agreement* – махфийлик шартномаси ; 3) *Cytosine Arabinoside* – ситозин арабиносид ; 4) *Chronological Age* – хронологик ёш.

Ёзма грамматик малакаларни ривожлантиришда, ёзма топшириқларни оддий нусха кўчиришдан тортиб ижодий ёндашувни талаб қиладиган топшириқларни бажариш даражасигача олиб чиқиш мумкин, бу эса соҳага оид терминларни ёдлаш учун бошланғич зарур шарт–шароитларни яратди. Талабаларнинг лексик ва грамматик материални хотирада сақлаб қолиш ёзишга доир машқларсиз қийинчилик касб этади. Бу ҳолатда талабанинг тил ўрганишга сарфлайдиган вақти янада чўзилади.

Инглиз тилини ўрганишда ёзма нутқ ижодий мулоқот қобилияти сифатида қаралиб, ўз фикрларини ёзма равишда ифодалаш қобилияти сифатида тушунилади. Бунинг учун талаба имло ва хаттотлик малакаларига, ички нутқда тузилган нутқий асарни композицион тарзда қуриш ва ёзиш

қобилиятига, шунингдек, тегишли лексик ва грамматик бирликларни танлаш қобилиятига эга бўлиши керак.

Ёзиш ҳақида фикр юритганда, ўқитиш ва ёзиш учун ёзишни фарқлаш фойдали бўлади. Биринчи ҳолда, ёзув (ёзув) талабаларга ўрганаётган тилни ўрганиш ва у билан ишлашда ёрдам бериш учун эслатма ёки амалий қўлланма сифатида ишлатилади. Масалан, визуал ва сенсорли фаолиятга муҳтож бўлганлар учун берилган тузилишдан фойдаланган ҳолда ёки ўрганган бешта янги сўз ёки иборалар ёрдамида бешта жумла ёзишни сўраш мумкин. Таълим учун ёзишнинг яна бир ёзишнинг авзаллик томони улар бир амалий машғулот давомида ёзиш орқали муҳраб олган барча маълумотларини, фанлар доимий равишда узвий боғлиқликда мавзуларни олиб боришларини ҳисобга олган ҳолда яна бир неча маротаба қайтариб ўқиш ёки фойдаланиш имкониятини яратади. Сабаби қўплаб оғзаки тилда айтилаётган манбалар фақатгина ёзма машқлар орқали тушуниш даражасини юқорилаштиради.

Бизнинг фикримизча, ёзиш педагоглар учун ва асосан талабалар учун жуда мураккаб вазифа ҳисобланади. Тил амалий машғулотларининг маркази коммуникатив фаолиятдир, шунинг учун чет тил сифатидаги замонавий инглиз тили курслари қўплаб амалий ўқитиш ғоялари учун таклифларни ўз ичига олган, масалан:

- рағбатлантириш;
- чет тил машғулотларидаги ўйинлари;
- ёзиш фаолияти: қисқа эслатмалар, реклама роликлари, ҳикоялар, хатлар ва бошқалар.

Педагог мотиватор бўлиши ва ўрганиш учун талабага энг яхши шароитларни яратишган бўлиши керак.

Шундай қилиб, биз ёзиш малакаларини ривожлантириш учун баъзи фойдали ва амалий ўқитиш ғояларини санаб ўтамиз:

- Диктант олаётганда тиниш белгиларини (масалан: вергул, нукта, қавс, тирноқ, нуктали вергул ва бошқалар) овозни ўзгартириб, инглиз тилида талаффуз қилишни ўргатиш жуда муҳим.

- Гаплар, параграфлар, композициялар ёзиш.

- Муаммони ҳал қилиш бўйича вазифаларни тақдим этиш.

- Ҳақиқий ҳаётӣ вазиятлар билан боғланган ҳақиқий матнларни ёзиш: эслатмалар, телеграммалар, хатлар, реклама роликлари, тадқиқот ишлари учун хулосалар ва бошқалар.

- Талабанинг дафтарларини алмашиш орқали диктантни текшириш, тузатишлар учун қўлланма сифатида доскада тўғри моделни бериш.

- Боғловчи сўзлар ёрдамида ҳар хил турдаги машқлар, улардан фойдаланиш тўғри уйғунлик учун ажралмас ҳисобланади.

Талабаларимизнинг ёзувларини қандай ташкил қилишимиз, қандай маслаҳат ва тузатишлар таклиф қилишимиз уларнинг қайси ёзувга жалб қилинганига қараб фарқ қилиши мумкин:

- 1) ҳарф белгиларининг контури (хаттотлик);

- 2) нутқ товушларини адекват график белгиларга (имлога) тўғри кўчириш;

- 3) ёзма ариза ёзиш;

- 4) лексик ва грамматик ёзиш қобилиятлари.

Биринчи ва иккинчи гуруҳнинг малакаларини ёзиш техникаси деб аташ мумкин. Учинчи ва тўртинчи гуруҳларнинг малакалари таркиби ва сифати бўйича бир оз фарқ қилади.

Фармация йўналишидаги талабаларга ёзув қанчалик муҳим: ёзиш – бу фикрларни график шаклда ифодалаш учун график тизим (графика ва имло): шахсий ва бизнес ёзуви, таржимаи ҳоли, резюме, иншо ва бошқа жараёнларда кераклилиги билан бошқа соҳа вакилларида ажралиб туради, агар у ҳақиқатдан самарали ёзиш бўлса.

Самарали ёзма нутқ қуйидагиларга бўлинади: ўқув ёзуви ва коммуникатив.

Ўқув ёзуви – турли хил тил ва шартли нутқ машқларини ёзишда амалга ошириш, самарали лексик–грамматик малакаларни, нутқ қобилиятларини, шу жумладан, коммуникатив ёзиш қобилиятларини ўзлаштиришдир.

Коммуникатив ёзма нутқ – ёзма нутқда оғзаки мулоқотга қаратилган нутқ фаолиятининг экспрессив туридир.

Бундай нутқни айнан нофилологик соҳа вакилларига ўргатишдан мақсад ёзма мулоқотнинг ҳар хил турлари ёки жанрларини – матнларни яратиш қобилиятини ривожлантиришдир.

Демак, ёзув ва ёзишни ўргатиш хаттотлик, графика, имло, тиниш белгилари билан бир қаторда лексик-грамматик ва композицион малакаларни эгаллашдир.

Ёзма нутқ – фикрни график шаклда ифодалаш жараёни.

Методикада ёзиш – бу чет тилнинг график ва имло тизимларини ўзлаштирган талабаларнинг лингвистик ва нутқий материални яхшироқ ёдлаш учун тузатиш объекти ва оғзаки нутқ ва ўқишни ўзлаштиришда ёрдамчи сифатида қараб таҳлил қилинади.

Инглиз тилидан ёзма топшириқларни бажариш чет тилларини ўрганаётган талабалар учун ўқув-услубий мажмуалар ва ўқув дастурларида белгиланган жуда аниқ талаблар билан боғлиқ.

Нутқ фаолияти турлари сифатида ёзиш ва нутқ ўртасидаги ўхшашлик ҳақида қадимдан маълум. Шубҳасиз, агар оғзаки нутққа тайёргарлик кўраётганда, ички нутқ механизми ишласа (яъни, инсон асосий лингвистик шаклларни ўзига талаффуз қилса), у ҳолда ёзма баёнот берганда, одам, қоида тариқасида, келажакдаги матн учун режа тузади.

Бошқа томондан, оғзаки ва ёзма нутқни солиштирганда кескин фарқлар топилади. Л.С.Выгоцкий[31] ёзганидек, оғзаки нутқ ўзининг конкретлиги туфайли нутқ арифметикаси ҳисобланса, ёзма нутқ ўзининг мавҳумлиги туфайли нутқ алгебраси бўлади. Чет тилдаги ёзишни самарали ўргатиш учун талабалар ёзув услублари ва жанрлари, шунингдек уларнинг тил мазмуни ҳақида тасаввурга эга бўлишлари керак. Нутқ услуби нутқ амалиётининг

турли шароитларида маълум ғоялар, фикрларни ифодалаш учун лингвистик воситалардан фойдаланиш усуллари тўплами билан белгиланади. Нутқнинг стилистик рангланишига унинг моддий амалга оширилиши шакли ҳам таъсир қилади, бизнинг ҳолатларимизда у ёзма нутқдир. Тил услубларини таснифлаш қуйидаги параметрларга асосланади:

- 1) сўзловчи ёки ёзувчи томонидан қўйилган мақсад;
- 2) мулоқот содир бўладиган шароит, шартлар;
- 3) нотиклар ёки ёзувчиларнинг индивидуал хусусиятлари;
- 4) мавзу;
- 5) нутқ шакли.

Ёзув услублари китоб услублари ва суҳбат услубларини ўз ичига олади. Китоб услуби, ўз навбатида, илмий, расмий ишбилармонлик, публицистик ва бадиий услубларни ўз ичига олади. Ҳар бир услуб маълум жанрлар билан ифодаланади, уларнинг ҳар бири матнни ташкил этишнинг ўзига хос шаклига эга.

Ёзишни ўргатиш бўйича нафақат турли хил қарашлар мавжуд. Чет тилларни ўқитишнинг замонавий методологиясида ёзишни ўргатишнинг турлича ёндашувлари ҳам мавжуд. Е.Н.Соловова[108] уни директив (расмий), лингвистик ва фаолият ёндашувларга ажратади.

Директив ёндашувнинг мақсади – ёзилганларнинг тўғрилиги ва мазмун томони фонга ўтади.

Лингвистик ёндашув ёзиш жараёнини “қатъий” назорат қилиш, кўплаб рецептив-репродуктив машқлар билан тавсифланади.

Ёзишни ўргатишда фаолиятга асосланган ёки мазмун-семантик ёндашув катта қизиқиш уйғотади. Бундай ёндашувда ёзиш ижодий жараён сифатида қаралади, бу жараёнда тушунча ва фикрларнинг шаклланиши содир бўлади. Жараённинг мақсади талабаларнинг индивидуал ижодига асосланган матн яратишдир. Фаолият ёндашуви шахсий фаолиятни ўрганиш тамойилларига мувофиқ чет тилнинг ёзма нутқини ўзлаштириш жараёнини ташкил қилиш имконини беради. Хорижий ёзма нутқни ўргатишда фаолиятга

асосланган ёндашув билан педагогнинг роли талабаларни ижодий меҳнатга ундаш, уларни турли хил стратегия ва иш усуллари билан таништиришдан иборат. Ижодий ёзиш талабаларга мавжуд лексик ва грамматик малакалардан фойдаланиш, ўзларининг индивидуаллигини кўрсатиш, маданиятлараро фарқлардан хабардор бўлиш имконини беради. Агар ёзишни самарали коммуникатив фаолият деб ҳисобласак, у ҳолда чет тилларини ўргатиш жараёнида тегишли вазифалар билан коммуникатив йўналиш машқлари тўлиқ мантикийдир.

Ёзиш грамматик малакаларни шакллантиришда ёрдамчи рол ўйнайди, ўқув топшириқларини оддий нусха кўчиришдан ижодий ёндашувни талаб қиладиган вазифаларни бажаришда, ўз навбатида, лексик ва грамматик материални ёдлаш учун шарт-шароитларни яратади. Оғзаки матннинг асосий хусусиятларидан бири унинг тайёр эмаслиги ва импровизация қилиш имконияти бўлса, ёзма матн яратиш юқори даражадаги режалаштириш ва тайёргарлик билан тавсифланади. Чет тилни ўқитиш методида ёзма ва ёзма нутқ нафақат ўқитиш воситаси, балки тобора кўпроқ чет тилни ўқитишнинг мақсади бўлиб хизмат қилади. Ёзиш нутқ билан бир қаторда нутқ фаолиятининг маҳсулдор тури бўлиб, маълум бир таркибни график белгилар билан белгилашда ифодаланади. Ёзма нутқ ижодий мулоқот қобилияти сифатида қаралиб, ўз фикрларини ёзма равишда ифодалаш қобилияти сифатида тушунилади. Бунинг учун имло ва каллиграфик малакаларга, ёзма нутқни композицион қуриш ва тартибга солиш қобилиятига, шунингдек, тегишли лексик ва грамматик бирликларни танлаш қобилиятига эга бўлиш керак.

Нутқ маҳорати билан солиштирганда, ёзиш кўпроқ аҳамиятга молик ҳисобланади.

Биринчидан, нутқ кўпинча ўз-ўзидан ва умуман режалаштирилмаган ҳолатда амалга оширилади. Маърузачилар хабарни етказиш учун суҳбатдошлар томонидан қўллаб-қувватланади. Яъни, гапирилаётганда, бевосита аудитория суҳбатни давом эттириш учун бош чайқаб, тўхтатиб,

сўроқ қилиш ва изоҳ бериш орқали суҳбатга ҳисса қўшади. Нутқ, шунингдек, такрорлаш, паузалар, иккиланишлар, пара-тил хусусиятлари (имо–ишоралар, юз ифодалари, ...) ва тўлдирувчи (уух, уммм..) билан тавсифланади.

Аксинча, ёзувда грамматика, синтаксис ва луғатнинг кўпроқ стандарт шакллари мавжуд. У одатда режалаштирилган ва аудитория уни ўқишдан олдин таҳрирлаш ва қайта кўриб чиқиш орқали ўзгартирилиши мумкин. Бунга қўшимча равишда, ёзиш такрорлашга йўл қўймайди ва агар ёзма хабарга жавоб бўлса, у одатда бемалол вақт олиши мумкин. Ва ниҳоят, ёзувчилар матннинг умумий уйғунлигига ҳисса қўшадиган жуда кўп уюшиқ қурилмалардан фойдаланадилар (масалан, қўшимча равишда, хулоса ва ҳоказо).

Ёзувнинг турли шакллари турли мақсадларга хизмат қилади:

Эслатмалар сифатида рўйхатлар: Биз ўзимизга муҳим маълумотларни эслатиш учун рўйхатлар ёзамиз (харид рўйхатлари, исмлар, телефон рақамлари...)

Ёзиш ўрганиш воситаси сифатида: Баъзан биз ўрганишни ташкил қилиш ва осонлаштириш учун ёзамиз:(қайд олиш, нусхалаш ...)

Суҳбатга ўхшаш ёзув – бошқа пайтларда ёзишнинг мақсади маълумотни олиш ёки этказишдир (электрон почта, хатлар, матнли хабарлар ...)

Интроспекция ва ўз–ўзини ривожлантириш учун ёзиш:Баъзи ҳолларда, ёзиш интроспекция учун воситадир.(журналлар, кундаликлар ...)

Фикрлаш воситаси сифатида ёзиш: Ёзиш, шунингдек, фикр юритиш, фикр билдириш, ишонтириш, баҳслашиш орқали давом этиш учун восита бўлиши мумкин (дискурсив ёзиш).

Ёзиш жараёни. Номидан кўриниб турибдики, жараён ёзуви ёзувчининг асар яратишдан олдин ўтказадиган жараёнига эътибор қаратади. Н.А.Горлова[42]нинг фикрича: “...машғулот давомида ёзиш малакаларини ривожлантиришда талабаларга ёрдам бериш учун ўрганиш тажрибасини тақдим этадиган ўқув дастури сифатида талқин қилиш мумкин. Ушбу

ёндашувда талабаларнинг якуний версиясини ишлаб чиқаришдан олдин турли босқичлардан ўтишлари тавсия этилади. Умуман олганда, ушбу жараёнда тўрт босқич ажратилади:

- Режалаштириш
- Лойиҳалаш
- Қайта кўриб чиқиш
- Таҳрирлаш

Режалаштириш– ёзувдан олдинги босқичда талабаларга мавзу ҳақида иложи борича кўпроқ маълумот тўплаш тавсия этилади, масалан:

- ақлий ҳужум
- тез ёзиш
- саволларга жавоблар
- мунозаралар

Мавзу бўйича етарлича ғоялар ҳосил бўлгандан сўнг, талабалар уларни саралаб, контурга, яхшиси визуал диаграммага айлантирадилар.

Лойиҳалаш

Чизмачилик – бу ёзишнинг биринчи уриниши. Талабалар мавзу бўйича етарлича ғоялар тўплагандан сўнг, қуйидаги фикрларга эътибор бериб, биринчи лойиҳани ёзишни бошлайдилар:

- Бу босқичда асосий эътибор равон ёзишга қаратилади.
- Талабалар аниқлик билан жуда банд бўлмаслиги керак.
- Лойиҳани тузишда томошабинлар эътиборга олиниши керак, чунки

тингловчиларни ҳисобга олиш ёзувга йўналиш беради.

Талабаларнинг қораламаларига бошқа тенгдошлари ёки педагоги томонидан қандайдир жавоб бўлиши мумкин. Бу лойиҳага тез оғзаки ёки ёзма дастлабки реакция шаклида бўлиши мумкин.

Қайта кўриб чиқиш – бу шунчаки тил хатоларини текшириш эмас. Бу ғояларнинг умумий мазмуни ва ташкил этилишига қарашдир. Талабалар ўзларининг тенгдошлари ёки педагогнинг фикр-мулоҳазаларидан фойдаланган ҳолда, уларнинг ёзганлари мўлжалланган аудиторияга маънони

самарали етказиш ёки йўқлигини текширадилар. Мисол учун, баъзи ғоялар бекор қилиниши мумкин, бошқалари эса яхшиланиши мумкин. Қайта кўриб чиқиш жараёнида параграфларнинг тузилиши ҳам таъсир қилиши мумкин ва умумий ташкилот изчил мазмунни етказиш учун такомиллаштирилиши мумкин.

Таҳрирлаш – талабалар қайта кўриб чиқишни тугатгандан сўнг, улар қораламаларини тартибга солишни бошлайдилар. Буни талабаларнинг ўзлари (яъни, ўз-ўзини таҳрирлаш) ёки тенгдошлари ёрдамида (яъни, тенгдошларни таҳрирлаш) амалга ошириши мумкин. Эътибор қуйидаги элементларга қаратилган:

- дикция (сўзларни танлаш)
- грамматика (замон, жумла тузилиши, предлоглар ...)
- механика (тиниш белгилари, тиниш белгилари)

Инглиз тилида ёзиш малакаларини яхшилаш учун энг яхши маслаҳатларни ақл чархлашдан бошлаш лозим. Мавзуга оид ғояларни ақлий ҳужумга ўтказиш ва ўз фикрингизни ифодалаш учун керак бўладиган барча инглиз тилини фаоллаштириш ёзма асар учун замин яратишнинг ажойиб усули ҳисобланади. Фикрлар харитасини яратишга ҳаракат қилиш керак, бунда мавзу бўйича олдинги билимларни керакли нуқталарига ёзиб қолдирилади ва талаба ўзи киритмоқчи бўлган қўшимча терминлар ёки фикрлар жамланмасини яратади. Айниқса керакли луғат жамланмасини яратиш шу соҳада ўз ишини давом эттирмоқчи бўлган талаба учун жуда муҳимдир.

Ажратиб белгилашдан фойдаланиш. Бўш саҳифа ҳатто энг тажрибали ёзувчиларни ҳам кўрқитиши мумкин. Кириш учун тўлдиргичларни, тезис ва хулосангизни қўллаб–қувватлайдиган бир нечта параграфларни ажратиб олиш ва кейин тафсилотларни тўлдириш учун юқорида белгилаб олинган калитлардан фойдаланиш осонроқ вақт кам сарф қилишни талаб этувчи ҳолатни юзага келтиради.

Қандай ёзишни фикрлаш. Биз, одатда, ёзишдан кўра бир мавзу ҳақида фикрлашимизнинг тезроқ эканлигини ҳисобга олсак, ғояларни, аввало,

жамлаб, фикрлаб, сўнгра ёзиш орқали уни баён этиш самаралироқ бўлади. Дастлабки ўзлаштириш босқичида аввал ўйлаб, кейин қоғозга ёзиб таржима қилиш усулидан ҳам фойдаланиш мумкин. Бу биров вақт талаб этади, лекин тилни секин, қийинлик билан ўзлаштирувчи талабанинг натижасини кўрсата оладиган методдир.

Иккинчи боб бўйича хулосалар

1. Фармация йўналишида таҳсил олаётган талабаларга ўқиш қийинчиликларини бартараф этишнинг қуйидаги усуллари аниқлаштирилди:

а) ўқиш техникасини муваффақиятли ўзлаштириш учун бошланғич курсда ҳар бир амалий машғулотда фонетик машқларни бажариш керак; б) ўрганилган материал асосида янги сўзлар билан ўқув машқларини бажариш; в) у ёки бу матнни ўқишдан олдин, аввало унда келтирилган терминологик луғатни ишлаб чиқиш; г) талабаларда башорат қилиш, тахмин қилиш, аниқлаш механизмларини шакллантириш, таҳлил қилишга, матндан лингвистик ёрдамни топишга, керак бўлганда луғатдан фойдаланишга ўргатиш ; д) яхши ўзлаштирилган лексик ва терминологик материал бўйича ўқиш техникасини ўргатиш; е) матнлар маълум бир соҳавий даврига мос келадиган дастур асосида танланиши керак.

2. Фармация йўналишида таҳсил олаётган талабаларга инглиз тилини ўргатишда ёзма нутқ фаолиятининг учта асосий тури қўлланилади: а) бошқариладиган ёзиш: (хат ёзиш, соҳавий терминларнинг ёзилиши, жумлаларни ёзиш ёки тажриба натижаларини ёзиш). б) йўналтирилган ёзиш (ҳисобот муайян топшириқга мувофиқ бажарилади) в) эркин ёзиш.

3. Ёзишни ўргатиш нутқ фаолиятининг бошқа турлари – тинглаш (диктантлар, баёнотлар, бўшлиқлар ва жадвалларни тўлдириш), ўқиш (матндан кейинги машқлар, саволларга жавоб бериш, ҳикояни яқунлаш, тафсилотларни қўшиш), нутқ (интервьюлар, сўнгра ёзма тақдимот маълумотлари, иккала томоннинг далилларини ёзиб олган жуфтлик ёки гуруҳ

муҳокамаси) билан амалий машғулоти фаолияти давомида чамбарчас боғланиб олиб борилса мақсадга мувофиқлашади.

4. Фармацевтика терминологиясини ўрганиш биринчи навбатда ўқиш жараёнида амалга оширилади, бу эса нутқ фаолиятининг бу тури ўрганишининг бир жиҳати ҳисобланади. Бошқача айтганда, терминологияни тил муҳитида, яъни матнда фаолият кўрсатиш жараёнида ўрганиш зарурияти мавжудлиги исботланди.

5. Соҳавий терминлар билан чет тил амалий машғулоти давомида ишлашда мажбурий компонентлар қуйидагилардир: а) фонетик материал; б) лексик материал; в) грамматик материал; г) ижтимоий–маданий материал; д) профессионал матнлар; е) лексик ва грамматик характерга эга бўлиши керак бўлган матнларга шарҳ; ё) машқ қилиш; ж) луғат.

III БОБ. ТИББИЁТ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ФАРМАЦИЯ ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИГА ЁЗМА ИШ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ ЎҚИТИШНИНГ ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ТАДҚИҚИ

3.1 Фармацевтикага оид махсус матнлар ўқишни ўргатиш бўйича тажриба–синов ишларини ташкил этиш дастури

Умуман олганда, ўқиш нафақат босма нашрларда сўзларни танибгина қолмай, балки аниқ стратегиялар ва усулларни қўллаш орқали уларни англашни ҳам ўз ичига олган жараён сифатида тушунилади.

Дарҳақиқат, тиббиёт факультети талабалари каби маълум даражада мураккаблиги ва луғат юкламаси бўлган илмий мақолалар ва бошқа матн турлари билан шуғулланиши керак бўлган олимлар учун самарали ўқишни тушуниш малакаларини ривожлантириш катта аҳамиятга эга. Шу муносабат билан амалий тадқиқот шаклида олиб борилаётган инглиз тили курси компоненти учун фойдаланиладиган изланишлар тиббиёт олий таълим муассасаларининг фармация йўналиши талабаларига қаратилган бўлиб, уларнинг инглиз тилига бўлган эҳтиёжларини таҳлил қилиш ва ўрганишни баҳолашга қаратилган.

Ушбу таҳлил инглиз тилида самарали ўқиш малакалари ва стратегияларини ривожлантириш мақсадида мавжуд ўқув материалларини тўлдириш учун қўлланма таклифини келтириб чиқарди. Қўлланмада ўқиш малакаларини ривожлантириш бўйича матнлар, топшириқлар, процедуралар ва услубий кўрсатмалар мавжуд бўлиб, улар талабаларга академик ва профессионал мақсадларда тиббий инглиз тилидаги матнларни ўқишда муваффақият қозонишларига имкон беради. Ўқиш ва ўқишни тушуниш, тегишли мавзулар бўйича луғатни қайта ишлаш имконияти юқори бўлганда ва ўрганилаётган контекстда жорий фойдаланишда мавжуд ўқув дастурини қўллаб-қувватлаш ва кенгайтириш учун мўлжалланган бўлса, энг яхши ривожланади.

Тил ўрганувчилар, асосан техник ёки касбий курсларни ўтаётганлар (масалан, тиббиёт талабалари) академик ва касбий жиҳатдан муваффақиятга эришишга имкон берадиган академик ўқиш қобилиятларини

ривожлантиришлари керак. Ушбу илмий изланиш тиббиёт ОТМларида фармация йўналишларида инглиз тили қандай ўқитилишини ўрганишга қаратилган. Инглиз тили фармация йўналишлари талабалари учун жуда муҳим бўлиб, улар асосан инглиз тилида ёзилган ҳақиқий тиббий матнларни ўрганишлари учун хориждаги янгиликлар ва тиббий амалиётларни ўқиш ва илмий тадқиқотлар давомида асосий тадқиқот малакаларини ривожлантириш ёки тадқиқот вазифаларини бажаришларида керак бўлади. Шунингдек, улар ўз касбларининг талабларига жавоб бериш учун инглиз тилига муҳтождирлар, масалан, дозалаш, дори воситалари ва иш асбоблари бўйича кўрсатмаларни ўқиш учун тилни чуқур эгаллашлари лозим, сабаби кўп ҳолатларда улар асосан инглиз тилида ёзилган бўлади.

Талабаларга бир хил ёки турли жанрдаги, лекин бир хил мавзуга эътибор қаратган ҳолда матнларни ўқиш таклиф этилади, шундан сўнг такрорий луғат матнлари билан танишиш талабаларнинг ўқишни тушуниш малакаларини ривожлантиришга ёрдам беради. Биз юқоридагиларни асослаган ҳолда биринчи навбатда ўқиш малакаларини ривожлантириш учун тор ўқишдан фойдаланиш, ўқиш табиати ва ўқишни тушунишга таъсир қилувчи омиллар билан боғлиқ энг муҳим жиҳатларни ҳал қилиш бўйича тегишли ва замонавий адабиётларни кўриб чиқишни афзал кўрдик.

Л.В.Щерба таъкидлаганидек, “Матн билан танишиш натижага эришишнинг энг қисқа йўли бўлса, ёзиш уни етказиб бериш вақтини камайтиради”. Демак, фармацевтикада таҳсил олаётган талабаларни фармацевтикага оид терминларни ўргатишда ўқиш ва ёзишга ўргатишнинг вазифалари, тамойиллари, мақсад ва ёндашувлари намуна кўринишида тақдим этилган тегишли замонавий методологияда амалга оширилади.

Мисол тариқасида тиббиёт соҳасида умумий бўлган мавзунини оламитиз:

3.1–жадвал

Матн тури	
Изоҳли матнлар	Кўрсатмали матнлар
Матн билан танишиш учун осон савол намуналари	
1. What is blood pressure? 2. Blood pressure chart.	1. How to take blood pressure?

3. Causes of high blood pressure.	2. Checking your blood
Scanning — аниқ маълумотни топиш — сўз маъноларини эсга олиш — матндаги саволларга жавоб топиш — тушунча ва таърифларни топиш Skimming — матннинг моҳиятини тушуниш — концептуал маъно ва асосий ғояни тушуниш – асосий тушунчалар ва тегишли маълумотларни аниқлаш — умумий ва тиббий лугатни тушуниш	Scanning — аниқ кўрсатмаларни топиш — танқидий ўқиш қобилиятлари — асосий ғояларни қўллаб-қувватловчи Skimming — матннинг моҳиятини тушуниш — концептуал маъно ва асосий ғояни тушуниш — асосий тушунчалар ва тегишли маълумотларни аниқлаш — кўрсатмаларга риоя қилиш Critical reading skills — асосий ғояларни қўллаб-қувватловчи тафсилотлардан фарқлаш — маълумотларни башорат қилиш ва олдиндан кўриш
Матн асосида ёзиш машқлари	
Беморларга берилган матндаги касаллик асосида ташхис қўйиш ва дори-дармонларни буюриш ҳақида маълумот берувчи параграф ёзиш.	— Янги тиббий мутахассисга қон босимини ўлчашда эътиборга олиш керак бўлган жиҳатлар ҳақида тушунтирувчи параграф ёзиш — Оддий одамга қон босимини ўлчашдан олдин ва кейин нима қилиш кераклиги ҳақида кўрсатмалар ёзиш
Матн асосида ўқишни ривожлантирувчи машқлар	
— matching items — gap fill — sentence completion — information transfer — ticking true/false — answering questions (short answers) — table completion — matching terminologies and definitions — multiple choice	— мос келадиган элементлар — бўшлиқни тўлдириш — гапни якунлаш — ахборот узатиш — рост/нотўғри белгилаш — саволларга жавоб бериш — жадвални тўлдириш — мос атамалар ва таърифлар — кўп танлов
Ўқишни баҳолаш	
Мақсад: талабаларнинг муваффақияти ва қийинчиликларини ҳисобга олиш; қон босими фактларини глобал тушунишини баҳолаш; узлуксиз фикр–мулоҳазаларни таъминлаш Фаолият: талабаларнинг қон босими жадвалларини, жадвалларини, натижаларини ўқиш қобилиятини баҳолаш; қон босими ҳақидаги тушунчаларни тушунтириш қобилиятини баҳолаш	Мақсад: талабаларнинг муваффақияти ва қийинчиликларини ҳисобга олиш; қон босимини ўлчаш тартиб-қоидаларини тушунишларини баҳолаш; узлуксиз фикр–мулоҳазаларни таъминлаш Фаолият: Талабалардан қон босими жадвалларини, натижаларни ўқиш ва шарҳлашни сўранг; қон босимини ўлчаш босқичларини тушунтиришни сўранг Вазифалар: маълумот узатиш; аралашган жумлаларни тартиблаш; кўрсатмаларни тасвирлар билан мослаштириш; жумлани

Шу ўринда фармация йўналишида таҳсил олувчи талабалар ўз соҳасига оид матн билан мустақил ишлашлари зарурлиги ҳақида эслаш муҳимдир. Мустақил ўқиш сўз бойлигини ошириш ва оғзаки нутқни ривожлантиришнинг қўшимча манбаи ва воситасидир. Ёзиш эса ёдда сақлаш имкониятини кенгайтиради. Ҳозирги кунда таълим имкониятлари талабаларни мустақил ишлашга ўргатишга қаратилган, чунки айнан мустақиллик, тез ўзгарувчан воқеликлар билан боғлиқ ишларга муваффақиятли мослашишга имкон беради. Мустақил иш малака, малака ва билимларни чуқурлаштиришга ёрдам беради. Шунинг учун мустақил ишлашни замонавий фармацевтлар тайёрлаш самарадорлигини ошириш воситаларидан бири деб ҳисоблаш мумкин. Бу борада соҳага доир матнни равоон ўқиш ва тўғридан-тўғри тушуниш қобилиятини босқичма-босқич ва мунтазам равишда ривожлантириш керак. Ёзиш малакалари мустақил тарзда талабанинг она тили билан таққослаган ҳолда унчалик маълум бўлмаган бир қатор сўз ва иборалардан керакли маълумотларни тез ва изчил таржима қилиш қобилиятини ривожлантиришда муҳимдир. Инглиз тилида ўқиш ва ёзишга ўргатишда амалий машғулоти жараёнида ва уйда мустақил тарзда бажариладиган иш турлари аниқ белгиланиши керак.

Тиббиёт йўналишидаги талабаларга инглиз тилларини ўқитиш методикаси, таржима назарияси ва амалиёти тоғ йўналтирилган фармация соҳасидаги кўплаб тадқиқотларга қарамай, “соҳавий матн билан ишлаш ва ёзишни таъминлаш” мутахассислиги бўйича ўқитишга имкон берадиган материаллар етишмайди.

Шунга қарамай, айнан шу илмий ёндашувнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақида жуда ўринли савол туғилиши мумкин: ўқиш ва ёзиш бошқа ўқитиш усуллари билан қандай таққосланади?

Ўқиш зерикарли туюлиши мумкин, лекин у матн таркибида терминларни қўллашни усуллари кўрсатиш билан бир қаторда унинг ҳаётий қўлланиш усуллари ҳам кўрсатиб бера олади. Ёзиш эса кўп

ҳолларда айнан соҳавий муҳим бўлган жараёнларнинг бири ҳисобланади. Мутахассисларни тайёрлаш тамойилларини белгилайдиган касбий воқеликнинг сифат хусусиятлари битирувчининг нима қилиши ҳақида тасаввурга эга бўлган ҳолда, уни касбий фаолиятга тайёрлаш – зарур компетенцияларни шакллантиришдир. Шундай қилиб, ўқиш ва ёзиш компетенцияларига асосланган ёндашув нуқтаи назаридан фармация оид терминларни матн таркибида ўрганиш ва ёзиш орқали таҳлил қилиш асосида қурилган ўқув жараёни, бизнинг фикримизча, ушбу йўналишда соҳавий мутахассисларни тайёрлашни юқори даражага олиб келадиган самарали ғоялар ва тушунчаларнинг синтезидир, яъни сифат жиҳатидан янги босқич.

Бироқ, асосий саволга жавоб йўқ: ушбу турдаги ўқув материалларига ҳақиқий эҳтиёж қай даражада? Тиббий умумий терминлар ҳамда фармация оид терминлар ўртасидаги тафовутлар шунчалик каттами?

Аввало, фармацевт ҳамда умумий амалиёт шифокори орасидаги асосий фарқ нимада эканлигини тушунтириш лозим. Зеро, тиббиёт соҳасига қирувчи ҳар қандай мутахассис учун соҳавий терминларни қўллаш фаолият жараёнида умумий ҳисобланади.

Юқоридаги ҳолатни икки соҳа вакили деб қарасак, улардаги фарқлилик иш фаолиятининг ҳулосавий қисмига келганда яққол намоён бўлади. Яъни умумий амалиёт шифокори беморлар билан мулоқот қилиш орқали ўз ҳулосаларини намоён этса, фармация соҳасидаги мутахассис ўз тажриба натижалари ёзма тарзда тақдим этади. Албатта, ушбу жараён узок вақт давомида ўқиб изланишлар натижасидан кейингина юзага келади.

Соҳавий жиҳатдан терминларни ўрганиш ҳамда уни амалиётга тадбиқ этиш мақсадида онг остига сингиб қолган, ўқиш ва ёзиш компетенциялари анъанавийликдан чиқмасликни талаб қилади дейиш ҳам бутунлай нотўғри таҳлил ҳисобланади. Юқорида айтиб ўтилган дастур босқичларини қамраб олган ҳолада амалий машғулоти ўтиш жараёнига “эркинлик” бериш билан “чизилган доирадан” чиқиш мақсадли фаолиятни яратади.



3.1–расм. Талабаларда фармацевтикага оид терминларни ўргатишда ўқиш ва ёзиш малакаларини ривожлантириш модели

Ишлаб чиқилган модел ўрганиш алгоритмини олдиндан белгилаб берувчи бир неча иерархик тузилган даражаларни ўз ичига олади:

- мақсадли даража (мақсад ва олинган ўқув мақсадлари);
- услубий даража (тамойил ва ёндашувлар);
- технологик даража (шакллар, усуллар ва ўқитиш воситалари);
- баҳоловчи даража (талаба нутқи портретининг хусусиятларини таҳлил қилиш асосида фармация йўналишидаги талабаларга ўқиш ва ёзиш орқали соҳавий терминларни ўргатишнинг замонавий методларини шакллантириш даражасини баҳолаш).

Мақсадли даражада ўқитиш методикасининг мақсади ва вазифалари, энг аввало, талабаларнинг инглиз тилини ўрганиш бўйича касбий компетенциясини шакллантиришдан иборат мақсад кўрсатилган. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, инглиз тилининг ўқиш ва инглиз тилининг ёзиш компетенцияси тушунчалари бир–бири билан чамбарчас боғлиқ. Шунга кўра, ушбу мақсадга эришиш учун фармация йўналишидаги талабанинг уч тоифадаги ваколатларини шакллантиришдан иборат бўлган тегишли вазифаларни бажариш тавсия этилади: умумий касбий, касбий йўналтирилган ва тиббий ихтисослаштирилган.

Услубий даражада ўқитишга ёндашувлар (матн таҳлили, компетенцияга асосланган, контекстга йўналтирилган), шунингдек, ўқитиш тамойиллари (мулоқот ва фанлараро мувофиқлаштириш) ни ўз ичига олади.

Мақсадлар, вазифалар, амалга оширилган тамойиллар ва ёндашувлар ўқитишнинг мазмуни ва технологиялари сифатида белгиланган қуйидаги, технологик, методик даражани белгилаб беради:

- касбий ўқиш ва ёзиш фаолият, соҳавий матндаги терминлар ва уларга доир вазиятлар, оғзаки ва ёзма шаклдаги касбий мулоқотнинг нутқий намуналари ва нутқ материалини ташкил қилади;
- касбий йўналишдаги лингвистик материал, ундан фойдаланиш қоидалари;

- махсус нутқ қобилиятлари мажмуи, бунинг ёрдамида амалда инглиз тилидан профессионал мулоқот воситаси сифатида фойдаланиш таъминланади;
- умумий қабул қилинган ва одоб–ахлоқ–анъанавий матн шакллари билиш тизими, шунингдек, уларни профессионал мулоқотнинг тегишли вазиятларида қўллаш қобилияти;
- инглиз тилидаги терминларни тақдим этилган маълумотлар асосида қайта ишлашнинг тегишли усуллари;
- инглиз тили таълими соҳасида ҳам, ўз мутахассислиги бўйича ҳам билим ва малакаларни ўзлаштиришда ўз–ўзини ташкил қилиш учун шароит яратадиган таълим ва когнитив жараён маданияти [38].

Мақсадли, услубий ва технологик даражалар контекстга йўналтирилган ўқув фаолияти жараёнига узвий боғланган.

Баҳоловчи даража назарий жараёни амалда тадбиқ этишнинг самарадорлигини оширишга қаратилган бўлиши, касбий йўналтирилган ва соҳавий таҳлил қилиш хусусиятларини шакллантириб бериш даражаси билан белгиланади.

Тиббиёт соҳасига оид ҳамда соҳавий махсус йўналтирилган дастурларни ишлаб чиқиш давомида унинг самарадорлигини ошириб берувчи айрим нуқталарни ҳисобга олиш лозим:

Юқоридаги методика таклиф этилаётган ўқув–услубий мажмуани ўрганиш доирасида амалга оширилди, унда профессионал инглиз тилини ўқиш ва ёзиш орқали ўқитишнинг барча кўрсатилган даражалари ўз ифодасини топди.

Фармация соҳасида мутахассисларни тайёрлашда фойдали бўлиши учун мўлжалланган ҳар қандай услубий қўлланмани ишлаб чиқишда, биринчи навбатда, потенциал мақсадли аудитория ва ушбу турдаги ўқув материалига ҳақиқий эҳтиёж ҳақида савол туғилади.

Танлаб олинган тиббиёт ОТМларининг фармация йўналишидаги қўлланилаётган амалий машғулотлар ва ўқув қўлланмалар таҳлиliga ўтсак. Дастлабки кузатилган камчиликларни ушбу қисмда муҳокама қилсак.

Кузатилган камчиликлар:

- турли босқичдаги талабаларга умумий даражада аниқ белгилаб олинган матнлар;
- талабаларнинг билим салоҳияти ва соҳавий муҳимлик аҳамияти камлиги;
- анъанавий тарзда шаклланган матн билан танишув ва машқлар билан ишлаш ҳолати сақланиб қолинганлигидир.

Фармацевтикага оид терминлар билан ишлаш бўйича таклиф этаётган ўқув-услубий қўлланмалар ва ўқув-услубий материаллар мисолида ўқитиш амалиёти самарали модел деган хулосага келишимиз мумкин ва у қуйидагича тадбиқ этилиши кутилмоқда:

– амалий машғулот тегишли мавзу бўйича аниқ матн асосида курилади. (Ушбу тамойил ўқув дастурини тўлдиришнинг жуда самарали ва қулай усули сифатида ўзини намоён қилди).

Бироқ, у баъзи камчиликлардан холи эмас, уларни бартараф этишга уриниш ёзма нутқ модулида таклиф қилинган. Тахминан айтганда, ўқиш малакасини якка тартибда ривожлантириш фақат маълумотни "қуруқ" узатиш ва унинг механик таҳлили эди. Бизнинг фикримизча, айнан "матн" тушунчасининг тор тушунчадан глобалроқ "мулоқот"га ўтиши учун ёзма нутқ ҳам аҳамиятга эгадир.

Дастурни ишлаб чиқиш доирасида фармацияга оид матнларни танлаш ва ташкил этиш изчиллик, мазмунан мувофиқлик, функционал шарт-шароит, касбий ва ахборот аҳамияти ва долзарблиги, турли жанрлар ва кўплаб муаллифлар матнлари тизимида акс эттириш, миқдорий етарлилик, мавжудлик ва мувофиқлик тамойилларига мувофиқ талабаларнинг қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда ёзма малака билан давомийликни акс эттирган ҳолда амалга оширилади. Танланган матнлар тегишли бўлган

касбий билимлар соҳаси, матн муаммолари, унинг жанри ва тури, матннинг ушбу тизимдаги вазифалари каби параметрларни ҳисобга олиб, тизимлилик асосида ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир. Матнлар пассив минимал терминлар луғати, пассив грамматик минимум ва структуравий ва композицион воситаларни танлаш учун манба бўлиши керак.

Матнлар пассив минимал лексика терминологик ва терминологик бўлмаган лексик бирликлардан ташкил топган бўлиб, улар маъно изчиллиги, семантик қиймати, стилистик шартлилиги, сўз ясаиш қиймати, кўп маънолилиги, фармация йўналишида лексик бирликларнинг тез-тезлиги ва кенг тарқалганлиги тамойилларига кўра танланган бўлиши лозим.

Тажриба дастурининг асосий натижалари қуйидаги қоидаларни ўз ичига олади:

- инглиз тилини билиш даражасининг вертикал Европа тизими доирасида Б2 даражасига тўғри келадиган, давлат стандартлари ва ўқув дастурларини ҳисобга олган ҳолда профессионал йўналтирилган ўқиш ва ёзиш малакаларини шакллантириш, олий касбий таълим, шунингдек, кўрсатилган даражаларнинг спецификациясини ишлаб чиқиши ва ушбу малакаларни шакллантириш даражасининг мезонлари ва кўрсаткичлари белгиланиши;

- фармацевтика соҳасидаги мутахассиснинг инглиз тилидаги ўқиш ва ёзиш компетенцияси турлари белгиланди. Инглиз тилида махсус матнларни ўқиш ва ёзиш малакаларини шакллантиришда энг муҳими лингвистик, предметли касбий, дискурсив, компенсацион ва ижтимоий компетенциялар деб эътироф этилиши;

- соҳавий мутахассиснинг касбий фаолиятида ўқишнинг реал ҳолатларига мос келадиган бир нечта ўқиш модел-стратегиялари аниқланиши;

- соҳавий матнларни инглиз тилида касбий йўналтирилган ўқиш фаолиятининг ўзига хос психологик ва когнитив хусусиятлари таҳлил

қилинди ва инглиз тилининг ёзиш компетенцияси асосида ётган рецептив малака ва малакаларнинг асосий турлари белгиланиши;

- матннинг ўқишнинг нутқий фаолияти объекти сифатидаги роли очиб берилди, соҳавий матнларга хос бўлган тилнинг матн материали, лексик, грамматик ва структуравий-композиция воситалари танлаб олинди ва тизимлаштирилиши;

- мутахассислар учун инглиз тилини касбий йўналтирилган ўқиш ва ёзишни ўргатиш бўйича машқлар тизими ишлаб чиқилиши ва синовдан ўтказилиши;

- таклиф этилаётган машқлар тизими доирасида талабаларга касбий йўналтирилган ўқиш ва ёзишга ўргатиш учун инглиз тилидаги амалий машғулотликда татбиқ этилган муаммоли характердаги лексик, грамматик, структуравий-композицион машқлар ва коммуникатив-когнитив вазифалар мажмуаси яратилиши лозим.

Биз олиб бораётган таҳлил лингводидактик мақсадларни амалиётга йўналтириш учун ҳам муҳим ҳисобланади, чунки матнлар билан ишлаш давомида терминларни ўзлаштиришнинг самарали услубий ечимларини излаш, инглиз тилининг коммуникатив компетенциясининг таркибий қисмларини шакллантириш ва кенгайтириш учун амалга оширишда ёрдамлашади, бу билан тилдаги нафақат ўқиш ва ёзиш малакалари, балки оғзаки нутқий малака ҳам ошиб боради. Шу қаторида ўқув-услубий жараёнда матнга мос келувчи машқларни танлаб олиш давомида тилдаги мавжуд кўплаб фонетик, лексик, грамматик жиҳатларни кўриб чиқамиз ва самарали усуллар орқали талабага етказиб бериш мақсадида машқларни яратамиз.

3.2 Тиббиёт институтларининг фармация йўналиши талабалари учун ёзиш малакаларини ривожлантиришга оид топшириқларнинг тажриба синовдан ўтказиш босқичлари

Тиббиёт соҳасида таҳсил олаётган талабалар ўртасида “тенгдош–тенгдошга” муаммоли ўрганиш энг самарали синалган усуллардан биридир. Бу талабалар томонидан ёзма тарзда бажарилувчи ишларни янада

такомиллаштириш мақсадида уларни ўзаро ўрганиш ва тузатишга чорлайди. Илмий изланишнинг ушбу қисми фармация таълим йўналиши талабаларини ёзишга ўргатиш мазмунини аниқлаб беради; ўзаро текшириш усули асосида талабаларнинг ёзиш малакаларини ривожлантиришга қаратилган топшириқларни ташкил этишнинг қуйидаги босқичлари ўрганилади: 1) талабаларни ёзма машқлар тузилиши билан таништириш; 2) талабалар билан инглиз тилида ёзиш малакаларини эгаллашларида ўзаро баҳолаш усулидан фойдаланишнинг услубий аҳамиятини муҳокама қилиш; 3) ёзма машқларни кўриб чиқишда (шарҳлашда) қўлланиладиган тахминий иборалар билан эслатмани ўрганиш; 4) талабаларни ёзма машқларни кўриб чиқиш мисоллари билан таништириш; 5) аноним намунани кейинги таҳлил ва муҳокама билан кўриб чиқиш учун синов гуруҳининг топшириғи (фронтал иш); 6) талабаларни ёзма машқларни баҳолаш мезонлари билан таништириш; 7) ёзма ишни ёзиш ва ёзишга тайёрлаш; 8) шарҳларни таҳлил қилиш ва зарурий ўзгартиришлар киритиш; 9) ёзма нутқда йўл қўйилган хатоларни қайта кўриб чиқиш; 10) педагог томонидан ёзма ишларни баҳолаш.

Фармация йўналишида таҳсил олаётган талабаларга ёзма нутқ орқали терминларни ўргатиш инглиз тилини ўргатишнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Мутахассиснинг халқаро стандартларга мос тушиши кўп жиҳатдан инглиз тилидаги юргизилувчи дори таркибини мукаммал тарзда муҳокама қила олиш ва маълумотни ёзма тарзда малакали ва тўғри туза олишларига боғлиқ.

Объектив сабабларга кўра талабаларнинг ёзма малакаларини ривожлантириш машаққатли жараён бўлиб, талабалардан ҳам, педагогдан ҳам кўп меҳнат талаб қилади.

Биз юқорида таклиф қилган “тенгдош–тенгдошга” усули талабаларни ўзаро бир–бирини ёзма машқларини ўрганиш ва таҳлил қилишга жалб қилиш орқали уларнинг ёзма нутқий малакаларини ривожлантиришдаги самарали усулдир. Бугунги кунга келиб тиббиёт соҳаси ривожланган давлатларда талабалар ёки талабаларга ёзишни ўргатишда тенгдошларни текшириш

усулидан фойдаланиш бўйича кўплаб тадқиқотларни кўплаб учратиш мумкин. Бундан ташқари, ўз усулларини таклиф қилишда олимлар ушбу усулнинг ўзига хос ижобий ёки салбий томонларини таъкидладилар.

Ёзиш тилдаги фаолиятнинг тўрт гапириш, тинглаш ва ўқиш билан биргадир, аммо шу кунга қадар инглиз тилини ўргатишда белгиланган сабабларга кўра ёзишни ўргатишга энг кам эътибор берилган. Бу, биринчи навбатда, одамлар ўртасидаги мулоқот жараёнида ахборот алмашинуви, асосан, оғзаки нутқ (гапириш (ишлаб чиқариш) ва тинглаш (қабул қилиш) орқали) амалга оширилиши билан боғлиқ. Ёзма тилдан унумли фойдаланиш зарурати анча кам, шунинг учун ҳам ёзиш малакаларини ривожлантиришга нутқ фаолиятининг қолган уч турига (гапириш, тинглаш ва ўқиш) қараганда анча кам эътибор қаратилди. Шунга қарамай, инглиз тилини ўқитишнинг барча маълум “усуллари” талабаларни ёзишга ўргатиш учун алоҳида бўлимларини ўз ичига олади.

Е.Н.Соловова[108] томонидан “ёзув” терминига қуйидагича таъриф берган: “Талабалар томонидан нутқ ва тил материалини яхшироқ ёдлаш учун ва оғзаки нутқ ва ўқишни ўзлаштиришда ёрдамчи сифатида чет тилнинг график ва имло тизимларини ўзлаштириши”.

Ёзиш малакаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, у аллақачон матн шаклида мужассамланган мулоқот жараёни ва натижасидир. Ёзиш жараёни бир қатор ёзиш малакаларини ривожлантиришга боғлиқ. Уларга А.Н.Шчукин қуйидаги малакаларни белгилашни таклиф қилади:

—“керакли далиллардан фойдаланган ҳолда ўз фикрини, мулоҳазаларини билдириш, воқеа ва фактларга изоҳ бериш;

—фактлар, ҳодисаларни керакли тил воситаларидан фойдаланган ҳолда баҳолаш;

—иккинчи даражали матнлар яратиш (рефератлар, изоҳлар, шарҳлар);

—оғзаки ёки босма матнни идрок этишда фактик маълумотларни қайд этиш;

—ўз нутқ фаолиятини ташкил этиш учун ўқув ёзувларини тузиш;

- тузилган, тингланган, ўқилган матндаги маълумотларни узатиш;
- матннинг асосий (асосий) ғоясини шакллантириш;
- матндаги фактларни солиштириш;
- аргументлар ёрдамида ҳар қандай позицияни исботлаш;
- мулоқот натижасида олинган фактларни баҳолаш”.

Бу малакаларнинг барчаси асосида талабалар қуйидаги малакаларни шакллантиради:

а) бировнинг матнини (маъруза матнини) ёзиб олиш;

б) баъзи материалларни таҳлил қилиш асосида ёзма матн яратиш (реферат, конспект)

в) ўз ёзма матнини (иншо, тақдимот, маъруза, мақола ва бошқалар) яратиш.

Фармацевтикага оид терминларни ўргатишда ёзиш малакаларини инглиз тилида ўргатиш даражаси турли босқичларда таълим мақсадига қараб ўзгаради. Соҳавий жараёнда ёзишни ўргатиш қуйидаги мақсадларда амалга оширилиши мумкин:

- мақсад ва вазифаларга мувофиқ инглиз тилидаги ахборотни узатиш;
- иш хатларини ёзиш;
- анкеталар, бланкаларни тўлдириш;
- соҳавий характердаги хат, хорижий муассасалар билан ҳамкорлик шартномалар ёзиш;
- аннотациялар, тезислар ёзиш;
- аниқ маълумотларни сўраш ва таҳлил қилиш.

Фармация йўналишида таҳсил олувчи талабаларни ёзишга ўргатиш мазмунини ўқитиш босқичига қараб икки қисмга бўлиш мумкин.

Ўқитишнинг бошланғич босқичида талабалар таклиф қилинган мавзу бўйича ва тинглаганлари ёки ўқиганлари асосида ёзма монологли баёнотлар яратишлари керак. Илмий-ўқув машғулотларнинг асосий босқичида талабалар ёзма матнлар (иншо, баён, баёнот, таҳлилий ҳисобот, лабораторик жамланмалар ва бошқалар) ярата олишлари керак.

Ўрганишнинг юқори босқичида талабаларнинг ёзиш малакаларини такомиллаштиришда қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- илмий, курс иши, тезис ёзиш;
- илмий мақолага тақриз ёзиш;
- соҳавий ҳужжатларини (сўровномалар, аризалар) ёзиш ва тўлдириш;
- илмий матнларни зарурий талабларга мувофиқ лойиҳалаш талаблар (манбаларни тўғри кўрсатиш, ҳаволалар ва изоҳлар дизайни, библиографик рўйхатни лойиҳалаш ва бошқалар).

Бизнинг фикримизча, фармация йўналишини тамомлаган талабалар инглиз тилида иш хатлари, ҳисоботлар ва хабарлар, шарҳлар, турли хил тажриба натижалар, профессионал ва ижтимоий мавзуларда қисқа мақолалар ёзиш имкониятига эга бўлиши лозим. Аммо, тиббиёт олий ўқув юртларида ёзишни ўргатиш мазмунини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, кўплаб инглиз тили амалий машғулотларини ташкиллаштириш жуда умумий хусусиятгагина таяниб қолган, уларнинг мазмуни танланган профил ёки таълим йўналишига соҳавий боғлиқ эмас. Ўрганиб чиқилган амалий машғулотликлардан кўриниб турибдики, фармация йўналиши талабалари таълим мазмуни Европа миқёсидаги B1–B2 даражасини талаб қилса-да, умумий C1 ва C2 даражаларига мос келади. Ушбу ҳолатда талабаларнинг ўзлаштириш даражаси турли хил бўлган фармация йўналишида ўзлаштириш кўрсаткичи кутилган натижадан кўра орқага тортиш ҳолатини юзага келтириб чиқаради.

Биз таклиф қиланаётган “тенгдошдан – тенгдошга” модули минимал миқдордаги янги терминологияга эга бўлган бир нечта тайёргарлик машқлари тўплами бўлиб, уларнинг мақсади ёзма шаклда автоматлаштирилган таржима малакаларини ривожлантиришдир. Машқларга мисоллар:

- а) термин ва ибораларнинг эквивалентини аниқлаш машқи;
- б) қисқартмаларни тез суръатда таржима қилиш машқи;

в) гапларни инглиз тилидан ёзиш орқали таржима қилиш бўйича машқ (ўқиш ва матн билан танишиш модули мазмуни ёки ундан соддалаштирилган парчалар асосида);

г) асл матн (матн бўлаги, параграф, жумлалар) ва унинг таржимаси ўртасидаги номувофиқликни топиш машқи;

д) синонимик алмаштириш ёки аллегорияда машқ қилиш;

е) 3–модулдан таржима шарҳларини машқлар орқали мукаммаллаштириш

Масалан, олдинроқ ўқиш малакасини ривожлантириш мақсадида таклиф этилган “THE ENGLISH PRESCRIPTION” мавзуси бўйича амалий машғулот матнини ўрганган талаба, матнни тўлиқ тушуниб етиш ҳамда таҳлил қилиш имкониятига фақатгина матн юзасидан тузилган саволларга жавоб бериш орқали амалга ошириши мумкин. Саволлар билан фақат оғзаки нутқ асосида ишлаш матн маълумотини сақлаб қолиш муддатини қисқа вақт давомидагини юзага келтиради. Агар жавоблар ёзма тарзда амалга оширилса, талабалар ўртасида муҳокама қилиниб камчиликлари, йўл қўйилган хатолари кўриб чиқилса, матн юзасидан боғлиқ соҳавий жараёнда терминлардан фойдаланиш сифати юқорилашади, уларнинг мақсади, тактик-техник хусусиятлари ва қурилмаси ҳақида фақат қуруқ маълумотлар амалийлигини юзага келтиради. Талабаларга ёзма матн шакллантириш осон бўлиши учун қуйидаги структуравий модулдан фойдаланиш иш жараёнини тезлаштиришда ёрдам беради.

Матнни ёзма тарзда шакллантириш кўп вақт олишини ҳисобга олган ҳолда, машқ шартини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим: 10 та гап тузган ҳолда «The English prescription» мавзусида амалиёт жараёнида қўлланиш мумкин жараёни кўз олдингизга келтирган ҳолатда қисқа матн яратинг.

Талабалар орасида соҳавий ёзиш малакаларини такомиллаштиришга бўлган қизиқишни ошириш мақсадида турли усуллардан фойдаланиш мумкин. Буларга

1. Лойиҳалар яратиш, плакатлар, жадваллар, диаграммалар тайёрлаш.

Ушбу вазифаларни бажариш асосий мазмунни танлаш қобилиятини шакллантиради – яъни жадвал ёки диаграмма билан тасвирлаш керак бўлган нарсаларни умумийлаштиради. Келажакда бу маҳорат соҳавий жадваллар тузиш ёки иш фаолиятининг режаларини ёзиш учун жуда фойдали бўлади.

3.2–жадвал

THE STRUCTURE	USEFUL LANGUAGE
Entering <i>Introduce what you are going to tell about</i>	My topic is / will be very important for you because ... First of all, I want to tell you about I would like to tell you about Today I'd like to give you an overview of..
MAIN BODY <i>Tell the main information</i>	First of all, I want to tell you about Secondly, I have to say that Also, you have to know that I think, To my mind, ... In my opinion, ... I believe, it is important to know that
SUMMARY <i>Sum it up</i>	Finally, ... I'd like to finish/end by saying... To conclude... Before I finish I'd finally like to say...

Машғулотнинг дастлабки босқичида анъанавий топшириқлар (диктантлар, алмаштириш машқлари, бўшлиқларни тўлдириш) билан бир қаторда талабаларга ҳақиқий ҳаётий вазиятга кириш имконига эга машқларни таклиф қилиш керак. Бу анкеталарни тўлдириш, шахсий карталар, автобиографик маълумотларни рўйхатдан ўтказиш бўлиши мумкин. Бундай вазифалар ёзишни ўрганиш жараёнига ижодкорлик элементини киритади.

2. Объектлар ёки объектларнинг таснифи.

Бу вазифалар мантиқий фикрлашни, умумлаштириш қобилиятини ривожлантиришга ёрдам беради. Ушбу машқлар берилган мавзу бўйича терминларни машқ қилиш босқичида жуда фойдали бўлиши мумкин.

3. Йўналтирилган шеърят машқлари.

Инглиз тилида ижодий фикрлашни ривожлантиришга берилган схема бўйича кичик шеърлар яратиш ёки фаол луғатдан фойдаланган ҳолда илгари ўрганилган шеърларни ўзгартиришда ёрдам беради.

4. Иншолар.

Иншоларга қўйиладиган кўплаб талаблар ва бир қатор услубий кўрсатмалар билан танишиб чиққандан сўнг талабаларни ушбу қийин ишга тайёрлаш жуда муҳим, тилни ўрганишнинг биринчи қадамларидан бошлаб том маънода бошлаш керак. Биринчи босқичда талаба иншо ёзиш қоидалари борлигини тушуниши керак. Ушбу ҳолат муайян рецепт бўйича дори тайёрлайдиган фармацевт каби, иншо ёзган киши мантиқ қонунлари ва эстетик талабларга амал қилиши керак. Иншо ёзгандан сўнг, уни текшириш ва шунга мос равишда тартибга солиш ҳам соҳавий фаолият давомида керак бўлади.

Ушбу ҳолатларда ёзма машқларнинг мақсади икки хил бўлади. Биринчидан, у маълум бир прагматик вазиятни яратишга ёрдам беради, бу нутқнинг уйғунлигини, унинг коммуникативлигини аниқлаш, унинг таъсири ва презаминатларини ойдинлаштириш, изоҳлаш учун ишлатилади. Иккинчидан, ёзиш малакалари учун мўлжалланган машқлар талабаларни этнографик, психологик ва маданиятлараро қоидалар билан таништиришга, шунингдек, ёзма нутқни турли шароитларда стратегик нуқтаи назардан идрок этиш ва ишлаб чиқаришга имкон беради. Бу унчалик расмий бўлмаган ёндашув, бошқа ананавий амалий машғулотлар қатори интизом ва қоидаларга риоя қилиш билан боғлиқ бўлган ўқув муҳитини камроқ стрессли ва алоқа малакаларини ривожлантиришга ёрдам беришга қаратилган ҳолатда олиб борилади. Қуйидаги ҳолатга мисол қилиб “Role play”, “Changing situations” каби ноананавий жараёнларни келтириш мумкин. Амалий машғулот давомида матнда қўлланилган терминларни ёдлаш имкониятини осонлаштириш мақсадида кичик гуруҳларга бўлган ҳолда юқоридаги жараёнларни ташкиллаштириш мумкин. Бунда терминларни қайта–қайта

қўллаш билан талаба онгига сингдириш осонлашади ва амалий жараёндаги ҳолатларни тасаввур қилиш табиийликка кўчади.

Барча танлаб олинган соҳавий матнлар узвий тарзда ишланиши, хулосалаш жараёнини енгиллаштиради.

Қуйида бир нечта ёзиш малакасини шакллантириш учун таклиф этилган машқ намуналарини кўриб чиқамиз. Берилган машқлар орқали грамматик қоидаларни мустаҳкамлаш ва содда тузилган гаплар орқали матн тузиш малакаларини шакллантиришимиз мумкин.

Task 1. Write negative and interrogative sentences.

1. I study at the Institute of Pharmacy. (–,?)
2. I always do my English homework. (–,?)
3. He studies at the pharmaceutical department. (–,?)
4. They like organic chemistry very much. (–,?)
5. My best friend lives in a hostel. (–,?)

Юқоридаги машқ шартларини алмаштириш орқали гап тузилмаларини ҳар қандай шаклда ҳам туза олиш имкониятини талабаларга яратиш мумкин.

Task 2. Tell about laboratory safety using the following word combinations.

To do experiments; to avoid poisoning yourself; to understand the below rules; to work alone in the laboratory; not touch any equipment; experiments authorized by your teacher; a well-ventilated area; pranks are dangerous; drink beverages; equipment instructions; chemical waste; after performing all experiments; no sandals; report any accident; to be considered dangerous; if a chemical may splash in your eye(s); check the label; use an insulated pad.

Мураккабликни оширган ҳолатда юқори курс талабаларига ёзиш орқали оғзаки нутқни ошириш имкониятини яратиб бериш мумкин. Бунда машқда берилган сўз ва сўз бирикмаларидан фойдаланилган ҳолда соҳавий матн яратиб маълум вақт давомида айтиб беришлари сўралади.

Талабанинг ёзма нутқ малакасини шакллантиришда ёдда олиб қолиш фоизи юқорилашади, сабаби матнни ёзиш давомида берилган намунадаги бирикмаларни мазмунини таҳлил қилса, матнни айтиб бериш орқали уни

амалиётга тадбиқ этиш ҳолатини юзага чиқара олади. Агар юқоридаги машқ жараёни жуфтликлар билан ишлаш орқали бажарилса, бир амалий машғулот жараёнида турли хил талаффуздаги инглиз тилини эшитиш ва қўллаш имкониятига эга бўлиш мумкин.

3.3. Тажриба-синов ишлари натижалари ва статистик таҳлили

Тажриба-синов ишининг мақсади сифатида талабаларда фармацевтикага оид терминларни инглиз тили амалий машғулотларида ўрганиш самарадорлигини баҳолашдан иборат этиб белгиланди. Тажриба-синов ишларида Андижон давлат тиббиёт институти, Наманган давлат университети ва Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институтларининг фармация таълим йўналиши талабаларидан 328 нафари иштирок этди.

Назорат гуруҳлари сифатида 165 нафар, тажриба гуруҳлари сифатида эса 163 нафар танланди. Тажриба-синов ишлари давомида ОТМлардаги ўқув жараёнининг ташкил этилишига ўзгартиришлар киритилмади, ўқув йили бошланишида қандай бўлса, шундай тарзда қолдирилди.

Тажриба-синов ишлари уч босқичда амалга оширилди: (1) *аниқлаштирувчи* (режа тузиш, диагностик методикалар асосида фармацевтикага оид терминларни ўргатишда ўқиш ва ёзиш малакаларини шаклланганлигининг мавжуд ҳолатини аниқлаш), (2) *шакллантирувчи* (чет тил амалий машғулотлари жараёнида фармация таълим йўналиши талабаларида соҳага оид терминларни ўргатишда ўқиш ва ёзиш малакаларини ривожлантириш бўйича мақсадга йўналтирилган фаолият), (3) *қайд этувчи* (тажриба ва назорат гуруҳлари натижаларини қиёсий таҳлил қилиш, натижаларни статистик таҳлил этиш ва хулоса чиқариш).

3.3–жадвал

Фармация таълим йўналиши талабаларида соҳага оид терминларни ўргатишда ўқиш ва ёзиш малакаларини ривожлантириш самарадорлигини аниқлашнинг диагностик тизими

Мезонлари	Кўрсаткичлари	Диагностик воситалари
<i>Когнитив стратегияларни шакллантириш</i>	<i>Аниқ ўқув мақсадлари билан бевосита боғлиқ бўлиб, тиббиёт олий таълим муассасасида таълимнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ ўқув материални танлаш ва тақдим этишни ўз ичига олади.</i>	<i>Когнитив стратегиялар талабалар томонидан тил тизими ва нутқ қобилиятлари ҳақидаги билимларни тушуниш, эслаш ва улардан фойдаланиш учун фойдаланадиган интеллектуал техникалар ва ҳаракатлар комбинациясини ташиқ қилади. Ушбу стратегиялар когнитив операцияларни шакллантиришни таъминлайди, улар талабалар томонидан коммуникатив вазифани ҳал қилиш учун мумкин бўлади.</i>
<i>Ахборот стратегияларини шакллантириш</i>	<i>Чет тилдаги матн фаолияти материали ва жараёнида амалга оширилади.</i>	<i>Шу мақсадда ўқиш ва нутқ бўйича машқлар мажмуаси, бизнинг ҳолатларимизда, талабалар учун бўлажак мутахассис сифатида фойдали бўлган маълумотларни қайта ишлаш бўйича ўқув вазифаларини ҳал қилишни назарда тутадиган вазифаларни ўз ичига олади. Шунга ўхшаш топириқлар талабаларга матндан олдинги машқларда таклиф этилади ёки улар ўқиганларини тушуниш ва изоҳлашни текшириш учун топириқлардир.</i>
<i>Компенсацион стратегияларни шакллантириш</i>	<i>Лингвистик ва (ёки) контекстуал тахминларга асосланган нотаниш терминларни тушуниш билан боғлиқ ва соҳага оид терминлар, терминологик иборалар ёки контекст материалига асосланган машқларни бажариш жараёнида амалга оширилади.</i>	<i>Бу турли сўз ясаш элементларининг маъносини таҳлил қилиш вазифалари бўлиши мумкин; таклиф қилинган бир қатор лексик бирликлардан мос маънони танлаш (қарама-қарши жуфтликлар, ўхшаш лексик бирликлар, аралаш гуруҳлаш); ҳар хил турдаги тизимлаштириш схемаларини, жадвалларини тўлдирish; контекстдаги соҳага оид терминларни алмаштириш ва бошқалар.</i>

Тадқиқотни амалга ошириш доирасида ишлаб чиқилган модел асосида фармация таълим йўналиши талабаларида соҳага оид терминларни ўргатишда ўқиш ва ёзиш малакаларини ривожлантириш жараёни

самарадорлигини аниқлаш мезонлари, кўрсаткичлари ва диагностик воситалари аниқлаштирилди (3.3-жадвалга қаранг).

3.3-жадвал асосида фармация таълим йўналиши талабаларида соҳага оид терминларни ўргатишда ўқиш ва ёзиш малакаларини ривожлантириш самарадорлик даражаси аниқлаштирилди:

юқори даража: коммуникатив вазифа тўлиқ ҳал қилинади;

талабалар ўз соҳасига оид терминлардан фойдаланилган топшириқда назарда тутилган ҳажмда матн мазмунини тўлиқ тушунади (мазмунни умумий, танлаб ёки тўлиқ англаган ҳолда ўқиш);

матн мавзусини/асосий ғоясини аниқлаш бўйича яхши малака ва малакаларни намоён этади;

асосий фактларни ажратиб кўрсатади, иккинчи даражалиларни истисно қилади;

нотаниш сўзларнинг маъносини тахмин қила олади;

матн воқеалари/фактлари ўртасида сабабий боғланишни тўғри ўрнатади.

халқи ва тили ўрганилаётган мамлакатнинг тили, маданияти, тарихи, урф–одатлари, дини ва ахлоқ меъёрлари ҳақида *тўлиқ* ҳамда *аниқ* билимларга эга ва бошқа миллат вакилига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, хушмуомалалик, умуминсоний қадриятларга йўналганлик, эмпатия шаклланганлиги; чет эллик соҳа мутахассислари билан оғзаки мулоқотга киришишга тайёр;

ўрта даража: коммуникатив муаммо ҳал қилинади;

талабалар ўз соҳасига оид терминлардан фойдаланилган хорижий матннинг мазмунини тўлиқ тушунади, топшириқда назарда тутилган даражада ушбу матнни тушунишга таъсир қилмайдиган тафсилотлар бундан мустасно;

матн мавзусини/асосий ғоясини аниқлаш малака ва малакаларини намоён этади;

кўп ҳолларда асосий фактларни тўғри таъкидлайди, иккинчи даражалиларни истисно қилади;

матндаги алоҳида ўринларни таҳлил қилишда, матнга баҳо беришда ва ўз фикрини билдиришда муаммо мавжудлигини кўрсатади.

паст даража: коммуникатив вазифа қисман ҳал қилинди;

талабалар ўз соҳасига оид терминлардан фойдаланилган хорижий матннинг мазмунини қисман тушунди;

матннинг мавзусини / асосий ғоясини аниқлаш қобилиятини қисман намоёниш этади;

матн мазмунини тўлиқ ва тўғри тушуна олмайди;

кўп ҳолларда керакли/қизиқарли маълумотларни танлай олмайди.

Илмий-назарий билимларни олишда қуйидаги усуллар ўз самарадорлигини намоён этди: сўзлаб бериш, ҳикоя қилиш, тушунтириш, анимацион тақдимотлар, ролли ўйинлар, мультимедия воситалари, талабалар учун махсус тарқатма материаллар тайёрлаш, маълумотлар йиғиш, баҳс–мунозара, манбалар устида ишлаш, савол–топшириқлар устида ишлаш кабилар. Таълим жараёнида интерфаол “Ақлий ҳужум”, “Музёрап”, “Кластер”, “Роли-поли”, “Идрок харитаси”, “Бумеранг”, гуруҳли ўйинлар, гуруҳларга бўлиниб ишлаш усуллари самарадор эканлиги аниқланди.

Таҷриба-синов натижаларини таҳлил этишда соҳавий терминларни ўрганиш бўйича билим ва малакалар даражалари юзасидан олинган якуний натижаларни баҳолашда математик-статистика методи қўлланилди.

3.4–жадвал

Талабаларда фармация соҳасига оид терминларни ўргатишда ўқиш ва ёзиш малакаларини ривожланганлик даражаси (фоиз ҳисобида)

Мезонлар	Назорат гуруҳи						Тажриба гуруҳи					
	юқори		ўрта		паст		юқори		ўрта		паст	
	таж. ав	таж. сўнг	таж. ав	таж. сўнг	таж. ав	таж. сўнг	таж. ав	таж. сўнг	таж. ав	таж. сўнг	таж. ав	таж. сўнг
Фармацияга оид терминларни матндан топиб ёзиш ва уларни таржима қилиш	25	29	29	40	46	31	19	47	42	41	39	12
Терминлар ёрдамида гаплар туза олиш	24	31	29	41	47	28	21	46	41	42	38	12
Дори-дармонлар йўриқномаларини ўқий олиш	23	30	28	39	49	31	23	49	37	40	40	11
Соҳага оид терминларни инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилиш	24	30	30	43	46	27	22	48	42	39	36	13
Фармацияга оид терминларни сўз туркумларига ажратиш	25	31	29	41	46	28	20	45	41	42	39	13
Терминларни нутқ жараёнида қўллай олиш	26	31	27	40	47	29	21	47	39	41	40	12
Фармацияга оид махсус терминлар луғати ва маълумотлардан тўғри фойдаланиш	24	29	30	41	46	30	22	48	37	42	41	10
Бир хил маъноли терминларни турли хил тил воситалар ёрдамида ифодалаш	23	28	30	42	47	30	21	49	37	41	39	10

3.5–жадвал

Талабаларда фармация соҳасига оид терминларни ўргатишда ўқиш ва ёзиш малакаларини ривожланганлик даражасининг мезонлар бўйича кўрсаткичлари (сон ва фоизларда)

	Мезонлар	Назорат гуруҳи <i>m</i> = 165			Тажриба гуруҳи <i>n</i> = 163		
		юқори	ўрта	қуйи	юқори	ўрта	қуйи
1.	Фармацияга оид терминларни матндан топиб ёзиш ва уларни	48/29	66/40	51/31	77/47	67/41	19/12

	таржима қилиш						
2.	Терминлар ёрдамида гаплар туза олиш	51/31	68/41	46/28	75/46	68/42	20/12
3.	Дори-дармонлар йўриқномаларини ўқий олиш	49/30	65/39	51/31	80/49	65/40	18/11
4.	Соҳага оид терминларни инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилиш	49/30	72/43	44/27	78/48	63/39	22/13
5.	Фармацияга оид терминларни сўз туркумларига ажратиш	51/31	68/41	46/28	73/45	68/42	22/13
6.	Терминларни нутқ жараёнида қўллай олиш	51/31	66/40	48/29	77/47	67/41	19/12
7.	Фармацияга оид махсус терминлар луғати ва маълумотлардан тўғри фойдаланиш	48/29	68/41	49/30	78/48	68/42	15/10
8.	Бир хил маъноли терминларни турли хил тил воситалар ёрдамида ифодалаш	46/28	70/42	49/30	80/49	67/41	16/10
Ўртачаси		30/49	49/30	68/41	48/29	78/48	67/41


3.6—жадвал

Талабаларда фармация соҳасига оид терминларни ўргатишда ўқиш ва ёзиш малакаларини ривожланганлик даражаси кўрсаткичлари (сон ва фоизларда)

Гуруҳлар	Фармация таълим йўналиш талабалари сони	Ўзлаштириш натижалари (% да)		
		Юқори	Ўрта	қуйи
Назорат гуруҳи	165	49 30	68 41	48 29
Тажриба гуруҳи	163	78 48	67 41	18 11

Тажриба-синов натижалари таҳлилига кўра, тадқиқот жараёнига жалб этилган тажриба гуруҳи талабаларида назорат гуруҳи талабаларига нисбатан билим, малака ва малакалар самарали таркиб топганлиги аниқланди. Ушбу ҳолатни объектив баҳолаш учун статистик таҳлил амалга оширилди, аниқланган хулосагина тажриба-синов ишларининг илмий, педагогик,

технологик ва методик жиҳатдан тўғри ҳамда самарали олиб борилганини тасдиқлайди. Тажриба-синов якунида статистик таҳлилни амалга ошириш учун “Стьюdent” ва “Пирсон” методлари танланди. Мазкур метод икки гуруҳда қайд этилган кўрсаткичларни аниқлаш ва объектив баҳолаш имконига эгадир. Математик-статистик методнинг моҳиятига кўра, тажриба ва назорат гуруҳларида қайд этилган кўрсаткичларни статистик танланмалар сифатида белгиланиб юқори, ўрта ва паст даражалар бўйича вариацион қаторларни ҳосил қилиш лозим бўлди. Ушбу статистик қаторларга мос келган диаграмма қуйида келтирилган (3.1–расмга қаранг):



3.2-расм. Талабаларда фармация соҳасига оид терминларни ўргатишда ўқиш ва ёзиш малакаларини ривожлантириш самарадорлиги

Диаграммадан кўриниб турибдики, тажриба гуруҳи кўрсаткичлари назорат гуруҳи кўрсаткичларидан юқори экан. Энди 3.6-жадвал маълумотларини математик статистик таҳлил қиламиз.

Тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари ва талабалар сонини мос равишда X_i , n_i лар ва шу каби назорат гуруҳидагини эса Y_j , m_j лар орқали белгилаб олиб, қуйидаги статистик гуруҳланган вариацион қаторларга эга бўламиз, шунингдек, юқори кўрсаткични 3 балл билан, ўрта кўрсаткични эса 2 балл билан ва паст кўрсаткични 1 балл билан белгилаймиз.

Тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари:

$$(1) \begin{cases} X_i & 3; & 2; & 1; \\ n_i & 78; & 67; & 18; \end{cases} \quad n = \sum_{i=1}^3 n_i = 163$$

Назорат гуруҳидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари:

$$(2) \begin{cases} Y_i & 3; & 2; & 1; \\ m_i & 49; & 68; & 48; \end{cases} \quad m = \sum_{i=1}^3 m_i = 168$$

Статистик таҳлил ўтказишни қулайлаштириш мақсадида юқоридаги вариацион қаторлардан n_i ва m_j такрорийлик (частота)ларни мос статистик

эҳтимоллик формулалари $p_i = \frac{n_i}{n}$ ва $q_j = \frac{m_j}{m}$ (1) асосида ҳисоблаймиз.

$$(3) \begin{cases} X_i & 3; & 2; & 1; \\ p_i & 0,48; & 0,41; & 0,11; \end{cases} \quad \sum_{i=1}^3 p_i = 1$$

$$(4) \begin{cases} Y_i & 3; & 2; & 1; \\ q_i & 0,30; & 0,41; & 0,29; \end{cases} \quad \sum_{i=1}^3 q_i = 1$$

Статистик таҳлилни ҳар икки гуруҳ бўйича ўртача ўзлаштиришларини ҳисоблаб, қиёслашдан бошлаймиз. Ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари қуйидаги натижаларни берди:

$$\bar{X} = \sum_{i=1}^{n=3} P_i X_i = 0,48 \cdot 3 + 0,41 \cdot 2 + 0,11 \cdot 1 = 1,44 + 0,82 + 0,11 = 2,37$$

$$\text{Фоизда} \quad \bar{X} \% = \frac{2,37}{3} \cdot 100\% = 79\%$$

$$\bar{Y} = \sum_{i=1}^{n=3} q_j Y_j = 0,30 \cdot 3 + 0,41 \cdot 2 + 0,29 \cdot 1 = 0,90 + 0,82 + 0,29 = 2,01$$

$$\text{Фоизда} \quad \bar{Y}\% = \frac{2,01}{3} \cdot 100\% = 67\%$$

Демак, тажрибадан кейиндаги ўртача ўзлаштириш $(79 - 67) \% = 12\%$ га юқори экан. Бу эса ўз навбатида $\frac{79\%}{67\%} = 1,17$ баробар ортиқлигини англатади.

Демак, тажрибадан кейиндаги ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи аниқлиги тажрибадан олдинги ўртача ўзлаштириш кўрсаткичидан катта экан.

Энди тажриба–синов ишлари хатоликларини баҳолашга ўтамиз. Дастлаб, танланмаларнинг дисперсияларини ҳисоблаймиз:

$$S_x^2 = \sum_{i=1}^3 p_i \cdot X_i^2 - (\bar{X})^2 = 0,48 \cdot 9 + 0,41 \cdot 4 + 0,11 \cdot 1 - (2,37)^2 = 0,4531.$$

$$\text{Стандарт хатolik: } S_x = \sqrt{0,4531} = 0,67.$$

$$S_y^2 = \sum_{j=1}^3 q_j \cdot Y_j^2 - (\bar{Y})^2 = 0,30 \cdot 9 + 0,41 \cdot 4 + 0,29 \cdot 1 - (2,01)^2 = 0,5899.$$

$$\text{Стандарт хатolik: } S_y = \sqrt{0,5899} = 0,77.$$

Бу хатоликларнинг ўрта қийматларга нисбатан оғиш фоизларини вариация коэффицентлари орқали ҳисоблаймиз.

Буни янада аниқроқ кўрсатиш мақсадида ҳар икки статистик танланма бўйича ўрта қиймат аниқликларини биз вариация коэффицентлари орқали, яъни C_x ва C_y формула орқали ҳисоблаймиз:

$$C_x = \frac{S_x}{\sqrt{n \cdot x}} \cdot 100\% = \frac{0,67 \cdot 100\%}{\sqrt{163 \cdot 2,37}} = \frac{67\%}{12,76 \cdot 2,37} = \frac{67\%}{30,2412} = 2,21\%$$

$$C_y = \frac{S_y}{\sqrt{m \cdot y}} \cdot 100\% = \frac{0,77 \cdot 100\%}{\sqrt{168 \cdot 2,01}} = \frac{77\%}{12,96 \cdot 2,01} = \frac{77\%}{29,6861} = 3,85\%$$

Ҳар икки хатолик кўрсаткичлари мумкин ҳисобланган 5% лик чегарадан етарли даражада кам экан. Бу эса тажриба–синов ишлари қониқарли ўтганлигини билдиради.

Энди биз ҳар икки статистик танланмаларни назарий ўрта қийматлари тенглиги ҳақидаги $H_0: a_x = a_y$ гипотезани Стъюдент мезони ёрдамида текшираимиз.

Шу мақсадда, мос статистикани ҳисоблаймиз:

$$T_{n,m} = \frac{|\bar{X} - \bar{Y}|}{\sqrt{\frac{S_x^2}{n} + \frac{S_y^2}{m}}} = \frac{|2,37 - 2,01|}{\sqrt{\frac{0,4531}{163} + \frac{0,5899}{168}}} = \frac{0,36}{0,05} = 7,2$$

Стъюдент мезонининг 95% лик критик нуқтаси $t_{kp}(0,95) = 1,96$ бўлиб, статистиканинг ҳақиқий қиймати ундан етарлича каттадир:

$$T_{n,m} = 7,2 > 1,96 = t_{kp}(0,95)$$

Демак, биз H_0 гипотезани рад этиб, $\bar{X} > \bar{Y}$ муносабатларни эътиборга олган ҳолда $a_x > a_y$, яъни синов гуруҳидаги ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари, доимо ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи олдинги ўзлаштириш кўрсаткичидан катта бўлар экан, деган хулоса қила оламиз.

Стъюдент мезони асосида эркинлик даражасини қуйидаги формула орқали ҳисоблаймиз:

$$k = \frac{\left(\frac{S_x^2}{n} + \frac{S_y^2}{m}\right)^2}{\frac{\left(\frac{S_x^2}{n}\right)^2}{n-1} + \frac{\left(\frac{S_y^2}{m}\right)^2}{m-1}} = \frac{\left(\frac{0,4531}{163} + \frac{0,5899}{168}\right)^2}{\frac{\left(\frac{0,4531}{163}\right)^2}{162} + \frac{\left(\frac{0,5899}{168}\right)^2}{167}} = \frac{(0,00277 + 0,00351)^2}{\frac{(0,00277)^2}{162} + \frac{(0,00351)^2}{167}} \approx 326,7$$

Эҳтимоллик учун статистик аломатнинг қийматдорлик даражасини $\alpha = 0,05$ деб олсак, у ҳолда $p=1-\alpha=0,95$ га ҳамда эркинлик даражаси $k=326,7$ га

тенг. Стьюдент функцияси тақсимот жадвалидан икки томонлама мезоннинг критик нуқтаси:

$$t_{1-\frac{(1-p)}{2}}(k) = t_{1-\frac{(1-0,95)}{2}}(326,7) = t_{0,975}(326,7) = 1,97$$

Ниҳоят, биз X_i ва Y_i статистик танланмаларнинг тақсимот қонунлари тенглиги ҳақида $K: F_x = F_y$ гипотезани текшириш учун Пирсон мезонидан фойдаланамиз.

$$\chi^2_{n,m} = \frac{1}{N \cdot M} \cdot \sum_{i=1}^k \frac{(n_i M - m_i N)^2}{n_i + m_i}.$$

Бу мақсадда қуйидаги жадвални тузиб оламиз:

3.7-жадвал

Статистик таҳлил жадвали

Баллар Гуруҳлар	3	2	1
Тажриба гуруҳи	78	67	18
Назорат гуруҳи	49	68	48

Пирсон статистикасини ҳисоблаймиз:

$$\chi^2_{n,m} = \frac{1}{163 \cdot 168} \cdot \left(\frac{(168 \cdot 78 - 49 \cdot 163)^2}{81 + 43} + \frac{(168 \cdot 67 - 163 \cdot 68)^2}{67 + 68} + \frac{(168 \cdot 18 - 163 \cdot 48)^2}{18 + 48} \right) = 31,7$$

Пирсон мезонининг озодлик даражаси баллар сонидан 1га камдир: $k=3-1=2$, бу $k=2$ га мос 95% лик критик нуқта $Z_{kp}(0,95)=5,99$

$$\text{Аммо, } \chi^2 = 31,7 > 5,99 = Z_{k,p}(0,95)$$

Демак, K гипотеза ҳам рад этилар экан. Бу эса, тажриба гуруҳларидаги ва назорат гуруҳларидаги ўқитиш методикаларининг фарқланиши тасодифий эмас, балки қонуний бўлиб, доимо ўзлаштириш кўрсаткичларининг ошишига олиб келар экан.

Энди баҳолашнинг самарадорлик кўрсаткичини аниқлаш учун ишончли четланишлари топамиз:

$$\Delta_x = t_\gamma \cdot \frac{S_x}{\sqrt{n}} = 1,97 \cdot \frac{0,67}{\sqrt{163}} = 1,97 \cdot \frac{0,67}{12,76} = \frac{1,3199}{12,76} \approx 0,10$$

га тенг, назорат гуруҳида эса:

$$\Delta_y = t_\gamma \cdot \frac{S_y}{\sqrt{n}} = 1,97 \cdot \frac{0,77}{\sqrt{168}} = 1,97 \cdot \frac{0,77}{12,96} = \frac{1,5169}{12,57} \approx 0,12$$

га тенг. Топилган натижалардан тажриба синфи учун ишончли интервални топсак:

$$\bar{X} - t_{кр} \cdot \frac{S_x}{\sqrt{n}} \leq a_x \leq \bar{X} + t_{кр} \cdot \frac{S_x}{\sqrt{n}}$$


$$2,37 - 0,10 \leq a_x \leq 2,37 + 0,10 \quad 2,27 \leq a_x \leq 2,47$$

назорат синфи учун ишончли интервал:

$$\bar{Y} - t_{кр} \cdot \frac{S_y}{\sqrt{n}} \leq a_y \leq \bar{Y} + t_{кр} \cdot \frac{S_y}{\sqrt{n}}$$

$$2,01 - 0,12 \leq a_y \leq 2,01 + 0,12 \quad 1,89 \leq a_y \leq 2,13$$

Буни геометрик тасвирласак:



Бундан $\alpha = 0,05$ қийматдорлик даражаси билан айтиш мумкинки, тажриба синфидаги ўртача баҳо назорат синфидаги ўртача баҳодан юқори ва оралиқ интерваллари устма-уст тушмаяпти. Демак, математик-статистик таҳлилга асосан, яхши натижага эришилгани маълум бўлди.

Юқоридаги натижаларга асосланган ҳолда математик статистик таҳлил қилиниб, тажриба якунидаги ҳолат учун топилган натижалардан ўртача квадратик четланиш, танланма дисперсия, вариация кўрсаткичлари, Стьюдентнинг танланма мезони, Стьюдент мезони асосида эркинлик

даражаси, Пирсоннинг мувофиқлик мезони ва ишончли четланишлари топилди.

3.8–жадвал

Тажриба якунидаги ҳолат учун топилган натижалардан ўртача квадратик четланиш, танланма дисперсия, вариация кўрсаткичлари

$\bar{X}$	$\bar{Y}$	S_x^2	S_y^2	C_x	C_y	$T_{x,y}$	K	$X_{n,m}^2$	Δ_x	Δ_y
2,37	2,01	0,4531	0,5899	2,21	3,85	7,2	326,7	31,7	0,10	0,12

Юқоридаги натижаларга асосланиб тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичларини ҳисоблаймиз.

Бизга маълум $\bar{X}=2,37$; $\bar{Y}=2,01$; $\Delta_x = 0,10$; $\Delta_y = 0,12$ га тенг.

Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{yco} = \frac{(\bar{X} - \Delta_x)}{(\bar{Y} + \Delta_y)} = \frac{2,37 - 0,10}{2,01 + 0,12} = \frac{2,27}{2,13} = 1,07 > 1;$$

